

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

52-сон
(344)
2008 й.
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

508. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрдаги ЎРҚ–192-сон Қонуни
509. «Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрдаги ЎРҚ–193-сон Қонуни
510. «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–194-сон Қонуни
511. «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–195-сон Қонуни

512. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 29 декабрдаги ЎРҚ–196-сон Қонуни
513. «Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–197-сон Қонуни
514. «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–198-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

515. «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон қарори [Кўчирма]

Учинчи бўлим

516. «Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарори
518. «Хорижий инвестициялар иштирокидаги куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «Дженерал Моторс Пауэртрейн — Ўзбекистон» корхонаси қурилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 декабрдаги 279-сон қарори
519. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 декабрдаги 280-сон қарори
521. «Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 27 декабрдаги 282-сон қарори
522. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ–4053-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 29 декабрдаги 283-сон қарори
523. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 29 декабрдаги 284-сон қарори

525. «Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 287-сон қарори
526. «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолиқни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 288-сон қарори
527. «Экспорт қилувчи корхоналар қарзини таркибий ўзгартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 289-сон қарори
528. «Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 290-сон қарори

Бешинчи бўлим

529. ««Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 15 декабрда 1882-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
530. «Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг акцияларини дастлабки тарқатишда аҳолига сотиш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 27 ноябрдаги 2008-39-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 19 декабрда 608-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
531. «Депозитарий фаолиятини амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 26 ноябрдаги 2008-38-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 19 декабрда 809-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
532. «Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 22 ноябрдаги 393-3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 23 декабрда 954-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
533. «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 9 декабрдаги 112-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 23 декабрда 977-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

534. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 15 декабрдаги 2008-45, 01-02/19-58, 240-В-2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 23 декабрда 1281-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
535. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 22 ноябрдаги 26/6-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 23 декабрда 1883-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
536. «Ўзбекистон Республикасининг «Учишга яроқлилик сертификатини бериш» авиация қоидалари (ЎзР АҚ-30)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2008 йил 27 ноябрдаги 311-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 27 декабрда 1225-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 20 декабрдан 31 декабргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

508 «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 30 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги 358–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 68-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 415-модда; 2008 йил, № 4, 192-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 6¹-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш. Бунда мазкур фаолият турини амалга ошириш учун суғурталовчининг лицензия олиши талаб қилинмайди»;

бешинчи — ўн бешинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи — ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 10-модданинг иккинчи қисми:

олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«суғурталовчининг, суғурта брокерининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабларини белгилайди»;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан белгиланган иқтисодий нормативлар суғурталовчи томонидан бузилганлиги учун суғурталовчининг устав фонди энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача миқдорда белгиланган тартибда жарима солади»;

тўққизинчи — ўн бешинчи хатбошилари тегишинча **ўнинчи — ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) 12-модданинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан» деган сўзлар «қонун ҳужжатлари билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 23 декабрда эълон қилинган.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 22 декабрь,
ЎРҚ-192-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

509 Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **29-модданинг биринчи қисми** «хабардор қилган ҳолда кўриб чиқиш» деган сўзлардан кейин «прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 23 декабрда эълон қилинган.

2) **34-модданинг биринчи қисми** «558» рақамидан кейин «589» рақами билан тўлдирилсин;

3) **36-модданинг:**

биринчи қисми «ёки ўзгартиришга» деган сўзлардан кейин «амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома киритишга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми «қўзғатиш ҳақидаги» деган сўзлардан кейин «амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома киритиш ҳақидаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **46-модданинг биринчи қисмидаги** «ярашув тўғрисидаги» деган сўзлар «ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **48-модданинг биринчи қисмидаги** «ярашув тўғрисидаги» деган сўзлар «ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **329-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** «чиқарилгунга қадар» деган сўзлардан кейин «ёхуд терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ушбу Кодекснинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юборилгунга қадар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **333-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекс 83-моддасининг 1 ва 2-бандларида ҳамда 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 3 — 7-бандларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради, жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс бу ҳақда хабардор қилинади. Бунда уларга қарор ёки ажрим устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тушунтирилиши лозим.

Ушбу Кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган ҳолат аниқланган тақдирда, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ушбу Кодекснинг 63-бобида назарда тутилган қоидаларга биноан суд томонидан амалга оширилади»;

8) **342-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суриштирув жиноят ишини терговчига ўтказиш ёки ишни тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома билан бирга прокурорга юбориш билан тамомланади»;

иккинчи қисми биринчи хатбошиси «терговчига» деган сўздан кейин «ёки прокурорга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

9) **351-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иш айблов ҳулосаси билан, ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан, амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома билан прокурорга топширилган куни ёхуд ишни тугатиш ҳақида қарор чиқарилган куни дастлабки тергов тамомланган ҳисобланади»;

10) **355-модда иккинчи қисмининг 7-банди** «ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома киритади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11) **372-модданинг матни** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Дастлабки тергов жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқариш, айблов хулосаси тузиш, ишни тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки та- рафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисида қарор чиқариш ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғриси- да тақдимнома тайёрлаш билан тамомланади»;

12) **373-модда** қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлганда, жиноят ишини тугатиш ушбу Кодекснинг 63-бобида назарда ту- тилган қоидаларга биноан суд томонидан амалга оширилади»;

13) **382-модданинг учинчи қисми:**

қўйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритади»;

олтинчи — ўн учинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи — ўн тўртин- чи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

14) **385-модданинг биринчи қисми** қўйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимос- нома киритиш»;

15) қўйидаги мазмундаги **536¹-модда** билан тўлдирилсин:

«536¹-модда. Маҳкумни амнистия актига асосан жазодан озод қилиш тартиби

Маҳкумни амнистия актига асосан асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазо- дан тўлиқ ёки қисман озод қилиш ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равиш- да озод қилиш ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш прокурорнинг илтимосномасига биноан маҳкумнинг жазо- ни ўташ жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий харбий суднинг судьяси томонидан амалга оширилади»;

16) **542-модданинг бешинчи қисми** «меҳнат стажига қўшиш» деган сўзлар- дан кейин «шунингдек маҳкумларга нисбатан амнистия актини қўллаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

17) **573-модда иккинчи қисмининг:**

1-банди «83 ва 84-моддаларида» деган сўзлардан кейин «(84-модданинг бирин- чи қисми 2-банди бундан мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3-банди «ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш тўғрисида суд- га илтимоснома киритиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

18) қўйидаги мазмундаги **63-боб** билан тўлдирилсин:

«63-боб. Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш

587-модда. Терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини суриштирувчи, терговчи томонидан про- курорга юбориш тартиби

Амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирув- чи, терговчи терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган

бўлса, ўша шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборади.

Агар бир нечта шахсга нисбатан жиноят иши бўйича улардан лоақал биттаси амнистия актининг таъсир доирасига тушса, унга нисбатан жиноят ишининг қисми амнистия актини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритиш учун ушбу Кодекснинг 332-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан алоҳида иш юритишга ажратилиши мумкин.

588-модда. Амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ариза

Амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ариза терговга қадар текширув қайси шахсга нисбатан ўтказилаётган бўлса, ўша шахс, гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан, тегишинча терговга қадар ўтказилган текширувнинг, суриштирувнинг ва дастлабки терговнинг исталган босқичида берилиши мумкин.

589-модда. Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномани судга киритиш тўғрисидаги масаланинг прокурор томонидан кўриб чиқиш тартиби

Прокурор суриштирувчининг, терговчининг тақдимномаси асослилигини текшириб унга рози бўлган тақдирда, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномани терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёхуд жиноят иши билан бирга судга юборади. Прокурор илтимосномани терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёки жиноят иши унга келиб тушган кундан эътиборан беш суткадан кечиктирмай судга юбориши лозим.

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун асослар бўлмаган тақдирда, прокурор терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини суриштирувчига ёхуд терговчига қайтариш ҳақида асослантирилган қарор чиқаради. Прокурорнинг қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят берилиши мумкин.

590-модда. Суд мажлиси

Прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномаси жиноят содир қилинган ёхуд дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда эса Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг раиси, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси белгилайдиган бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

Суд мажлиси илтимоснома жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёки жиноят иши билан бирга судга келиб тушган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади.

Илтимосномани кўриб чиқиш суд томонидан прокурор албатта иштирок этган ҳолда амалга оширилади.

Суд мажлисида амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, ўша шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, шунингдек агар ишда қатнашаётган бўлса, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари иштирок этади. Суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида лозим даражада хабардор қилинган мазкур шахсларнинг узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги суд мажлисининг ўтказилишига монелик қилмайди.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қайси гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан танланган бўлса, ўша гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гумон қилинувчининг, айбланувчининг суд мажлисида иштирок этиши зарурлиги масаласи суд томонидан ҳал қилинади.

Суд мажлиси прокурорнинг маърузаси билан бошланади, прокурор амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш зарурлигини асослаб беради. Сўнгра амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, ўша шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, ҳимоячининг, қонуний вакилнинг сўзлари эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади. Шундан кейин судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради.

Суд мажлиси вақтида ушбу Кодекснинг 90 — 92-моддаларида назарда тутилган қоидаларга кўра баённома юритилади.

Суд муҳокамаси натижалари бўйича судья қонунда белгиланган тартибда ажрим чиқаради, ушбу ажримнинг гумон қилинувчини ёки айбланувчини қамоқдан озод қилишга доир қисми дарҳол ижро этилиши лозим.

Суднинг ажрими ижро этиш учун прокурорга, маълумот учун эса амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилган бўлса, ўша шахсга, гумон қилинувчига, айбланувчига, жабрланувчига (фуқаровий даъвогарга), ҳимоячига ва қонуний вакилга юборилади.

Агар суд мажлиси давомида амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд эмаслиги аниқланса, суд терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини умумий қоидалар бўйича тегишинча терговга қадар текширув ўтказиш ёки дастлабки тергов ишини юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради.

591-модда. Суднинг ажрими

Суд ажримининг кириш қисмида:

- 1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;
- 2) ажрим чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, тарафларнинг, таржимоннинг исми, отасининг исми ва фамилияси;
- 3) амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилаётган бўлса, ўша шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, яшаш жойи, ишлаш жойи, машғулоти, маълумоти, оилавий аҳволи ва уларнинг шахси тўғрисидаги, иш учун аҳамиятли бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Суд ажримининг тавсиф-асослаш қисмида илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади.

Ажримнинг қарор қисмида суд куйидаги масалаларни ҳал этади:

амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги;

прокурорнинг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантиришни рад этиш ҳамда терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёхуд жиноят ишини умумий

қондалар бўйича тегишинча терговга қадар текширув ўтказиш ёки дастлабки тергов ишини юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги;

эҳтиёт чораси тўғрисидаги;

ашёвий далиллар тўғрисидаги;

фуқаровий даъво ни таъминлаш чоралари тўғрисидаги.

Суднинг ажримига амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала қайси шахсга нисбатан қўйилган бўлса, ўша шахс томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари томонидан хусусий шикоят берилиши ва прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин, бундай шикоят ва протестлар тегишинча апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқилиши лозим».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда) **166-моддаси** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жазони ижро этиш муассасасининг ёки жазони ижро этувчи бошқа органининг маъмурияти тегишли асос бўлган тақдирда, маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани судга киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома юбориши шарт. Маҳкумларга нисбатан амнистия актини қўллаш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган тартибда амалга оширилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда) куйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **28-модда биринчи қисмининг ўн иккинчи хатбошиси** «амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **31-модданинг учинчи хатбошиси** «маҳкумни амнистия актига асосан жазодан озод қилиш тўғрисида судга илтимоснома киритишга» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 22 декабрь,
ЎРҚ–193-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

510 Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда) **77-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида**»ги 414–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 34-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг тўртинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **14-модда иккинчи қисмининг 4¹ ва 9-бандларидаги** тегишинча «сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг» ҳамда «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **16-модданинг 4-бандидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **24-модданинг:**

биринчи қисмидаги «ва бевосита фуқаролар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

5) **24¹-модданинг:**

номидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилгач, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига ҳужжатлар

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 27 декабрда эълон қилинган.

қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотномани беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади ҳамда сиёсий партиянинг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномасини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини беради. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш навбатига қараб марказий матбуотда эълон қилинади»;

б) 24²-модданинг:

иккинчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилиши томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳи эса Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни, башарти мазкур номзод у ёки бу сиёсий партияга мансуб бўлмаса, кўрсатишга ҳақлидир. Номзод фақат битта сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ўз номзоди овозга қўйилишига розилик бериши мумкин» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошисидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошисидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошисидаги тўртинчи ва бешинчи жумлалар чиқариб ташлансин;

олтинчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳи уларнинг» деган сўзлар «ўзининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўнинчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўн учинчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳидан улар кўрсатган номзодни» деган сўзлар «у кўрсатган номзодни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) 25-модданинг тўртинчи қисмидаги «ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) 26-модданинг биринчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) 28-модданинг:

иккинчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги 990–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул

қилинган 518–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 132-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата) (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.

Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади»;

2) **4-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати фуқаролар томонидан бевосита сайланади»;

3) **6-модданинг:**

тўртинчи — олтинчи қисмларидаги тегишинча «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан», «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари», «сайловчилар ташаббускор гуруҳидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

еттинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **7-модданинг биринчи қисмидаги** «бир юз йигирмата» деган сўзлар «бир юз ўттиз бешта» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **11-модданинг 6-бандидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **13-модданинг 5 ва 6-бандлари** чиқариб ташлансин;

7) қуйидаги мазмундаги **17¹-модда** билан тўлдирилсин:

«17¹-модда. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли»;

8) **18-модда** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга»;

9) **20-модданинг:**

биринчи қисмидаги «ва бевосита фуқаролар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «олти ой» деган сўзлар «тўрт ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин, «камида эллик минг» деган сўзлар эса «камида қирқ минг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «эллик минг» деган сўзлар «қирқ минг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган депутатликка номзодни рўйхатга олишни» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **21-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «олти ой» деган сўзлар «тўрт ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **22-модданинг учинчи қисмидаги** «бир юз йигирма» деган сўзлар «бир юз ўттиз беш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **23-модда** чиқариб ташлансин;

13) **23¹-модданинг:**

номидаги «сайлов комиссиялари» деган сўзлар «Марказий сайлов комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари такдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги эса округ сайлов комиссияси томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ички ишлар органларининг, адлия органларининг, шунингдек аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб этиши мумкин. Уларнинг хулосалари Марказий сайлов комиссияси имзо варақаларидаги имзоларни сохталаштирилган деб топиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга;

14) **24-модда:**

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **25-модданинг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар»;

16) **26-модданинг:**

биринчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

17) **27-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда белгиланади. Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вақт, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналар ажратишлари, уларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатишлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувларнинг ўтказиладиган жойи ҳамда вақти ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар қилинади»;

учинчи қисмидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

18) **28-модданинг биринчи қисмидаги** «беш» деган сўз «ўн» деган сўз билан алмаштирилсин;

19) **31-модданинг:**

биринчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия фаолиятининг тугатилганлиги депутатликка номзодни шу партиядан сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этади»;

20) **35-модданинг биринчи қисмидаги** «ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

21) **42-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи — ўнинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиянинг ваколатли вакили иштирок этиши мумкин.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ва сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланадиган баённомада акс эттирилади. Шундан кейин баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйилади. Участка сайлов комиссиясининг баённомаси тегишли округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиянинг ваколатли вакили участка сайлов комиссиясининг баённомаси билан танишиш ҳуқуқига эга»;

22) қуйидаги мазмундаги **7¹-боб** билан тўлдирилсин:

«7¹-боб. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш тартиби

47¹-модда. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати мазкур ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган муддатларда сайланади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови-га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очиқ ҳамда ошкора амалга оширилади.

47²-модда. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлари этиб сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлари этиб сайланадиган шахсларга ушбу Қонун 2-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида ҳамда 25-моддасида назарда тутилган талаблар қўйилади.

47³-модда. Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар

Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг вакили Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхатини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади. Рўйхатга қуйидагилар илова қилинади:

Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг мазкур ҳаракатдан Қонунчилик палатасига депутатлар сайлаш тўғрисидаги қарори;

Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органи мажлиси баённомасидан кўчирма, унда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган ҳар бир шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи кўрсатилади;

сайланган депутатнинг депутат этиб рўйхатга олинган тақдирда бажариб турган ишидан (хизматидан) бўшаш тўғрисидаги аризаси.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг ҳужжатларни тақдим этган вакилига уларнинг қабул қилиб олинган санаси ва вақти кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради. Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг вакилига белгиланган тартибда маълум қилади.

+

47⁴-модда. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларининг такрорий сайлови

-

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига депутатлар сайлови ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутатларнинг такрорий сайлови ўтказилади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларининг такрорий сайловини ўтказиш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

47⁵-модда. Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига сайланган айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинган ёки бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда янги сайлов ўтказилади»;

23) **48-модда матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар, Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг тегишли қарори асосида Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олади ва бу ҳақда депутатларни хабардор этади.

Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган шахслар Марказий сайлов комиссиясига Қонунчилик палатаси депутатининг мақомига тўғри келмайдиган вазифаларни ўз зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисида ёзма равишда маълум қилиши шарт.

Депутат этиб сайланган шахслар, шу жумладан Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган шахслар Марказий сайлов Комиссияси томонидан рўйхатга олинган пайтдан эътиборан Қонунчилик палатаси депутати мақомига эга бўлади»;

24) **65-моддадаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «**Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида**»ги 350–II-сонли Конституциявий Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 60-модда) **5-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси бир юз эллик депутатдан иборат»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Сиёсий партиялар тўғрисида**»ги 337–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда) **13¹-моддасининг иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида**»ги 613–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 95-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг иккинчи қисмидаги** «ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳининг аъзоси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **5-модданинг:**

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов компанияси бошланганлигини эълон қилади»;

ўн иккинчи хатбошисидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади»;

ўн тўққизинчи хатбошидаги «ва унга қарши» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида**»ги 434–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси (қуйи палата) бир юз эллик депутатдан иборат. Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади»;

2) **23-модданинг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси таркибига сайланган депутатлар депутатлар гуруҳларини тузишга ҳақли»;

3) **25¹-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида**»ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг:**

тўртинчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «сиёсий партиялар ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **9-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси таркибига сайланган депутатлар депутатлар гуруҳларини тузишга ҳақли»;

3) **9¹-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **22-модданинг биринчи ва тўртинчи қисмларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган «**Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайти-**

риш тўғрисида»ги ЎРҚ–88-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 161-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **4-модданинг биринчи ва учинчи қисмларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 818–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда) **4-моддасининг иккинчи ва тўртинчи қисмларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги 1050–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 9-10, 134-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **6-модданинг:**

тўртинчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

олтинчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **11-модданинг 5-бандидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **13-модданинг 1^а ва 1^б-бандлари** чиқариб ташлансин;

4) қуйидаги мазмундаги **17^а-модда** билан тўлдирилсин:

«17^а-модда. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли»;

5) **18-модда** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга»;

6) **20-модданинг:**

биринчи қисмидаги «бевосита фуқаролар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «шунингдек, бевосита фуқаролар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «олти ой» деган сўзлар «тўрт ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **21-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «олти ой» деган сўзлар «тўрт ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **22¹-модда** чиқариб ташлансин;

9) **22²-модда:**

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **23-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар»;

11) **24-модданинг:**

биринчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «ёхуд сайловчилар ташаббускор гуруҳини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12) **25-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда белгиланади. Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вақт, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналар ажратишлари, уларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатишлари шарт»;

тўртинчи қисмидаги иккинчи жумла чиқариб ташлансин;

13) **28-модданинг:**

биринчи қисмидаги «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия фаолиятининг тугатилганлиги депутатликка номзодни шу партиядан сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этади»;

14) **32-модданинг биринчи қисмидаги** «ёхуд сайловчилар ташаббускор гуруҳи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **39-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи — ўнинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиянинг ваколатли вакили иштирок этиши мумкин.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ва сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланадиган баённомада акс эттирилади. Шундан кейин баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйилади. Участка сайлов комиссиясининг баённомаси тегишли округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиянинг ваколатли вакили участка сайлов комиссиясининг баённомаси билан танишиш ҳуқуқига эга»;

16) **49-моддадаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида**»ги 704–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда) **9-моддасининг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Депутат ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқа боғлаб туради, Қонунчилик палатасида уларнинг манфаатларини ифода этади. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар мазкур ҳаракат билан алоқа боғлаб туради ва Қонунчилик палатасида унинг манфаатларини ифода этади».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «**Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида**»ги 708–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 12-модда) куйидаги мазмундаги **7¹-модда** билан тўлдирилсин:

«7¹-модда. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган Қонунчилик палатаси депутатининг чақириб олиниши

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган Қонунчилик палатаси депутатини чақириб олиш ушбу Қонуннинг 1-моддасида назарда тутилган асослар бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган Қонунчилик палатаси депутатини чақириб олиш унинг олий органи томонидан амалга оширилади».

14-модда. Ушбу Қонун 2009 йил 1 июлдан эътиборан кучга кириди.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 25 декабрь,
ЎРҚ–194-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

511 Кутқарув хизмати ва кутқарувчи мақоми тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 23 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Кутқарув хизмати ва кутқарувчи мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Кутқарув хизмати ва кутқарувчи мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг кутқарув хизмати ва кутқарувчи мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

фавқулодда вазият — одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавfli табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш — фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиқни сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг кенгайишига йўл қўймасликка ҳамда хавfli омиллар таъсирини тугатишга қаратилган кутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар комплекси;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш — олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси;

кутқарувчи — муайян дастур бўйича кутқарув ишларига тайёрланган ва белгиланган тартибда аттестациядан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 27 декабрда эълон қилинган.

қутқарув воситалари — қутқарув ишларини олиб бориш учун мўлжалланган техник, илмий-техник ва интеллектуал маҳсулот, шу жумладан махсус алоқа ва бошқарув воситалари, техника, асбоб-ускуналар, аслаҳа-анжомлар, мол-мулк, қутқарув ишларини бажариш технологиясига доир услубий материаллар, видео-материаллар, фотоматериаллар, электрон ҳужжатлар, шунингдек электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базалари, бошқа воситалар;

қутқарув ишлари — фавқулодда вазиятлар зонасида одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкни, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва уларга хос бўлган хавфли омиллар таъсирини йўқотиш ёки имкон қадар камайтиришга қаратилган ҳаракатлар;

қутқарув тузилмаси — фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ишларини олиб бориш учун мўлжалланган, асосини махсус техника, асбоб-ускуналар, аслаҳа-анжомлар ва бошқа қутқарув воситалари билан таъминланган қутқарувчилар бўлинмалари ташкил этган мустақил тузилма ёки қутқарув хизмати таркибига кирувчи тузилма;

қутқарув хизмати — фаолияти бўйича ягона тизимга бирлаштирилган, асосини профессионал қутқарув тузилмалари ташкил этган, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир вазифаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган бошқарув органлари, кучлар ва воситалар мажмуи.

4-модда. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчилар фаолиятининг асосий принциплари

Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчилар фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсонпарварлик ва меҳр-мурувват;

фавқулодда вазиятлар рўй берганда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларининг устуворлиги;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришда асосли таваккалчилик ва хавфсизликнинг таъминланиши;

қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларга яқка-бошчилик асосида раҳбарлик қилиш;

фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга ҳамда уларни бартараф этиш ишларини олиб боришга қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларнинг доимий шайлиги.

5-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг асосий вазифалари

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўз бошқарув органлари, кучлари ва қутқарув воситаларини фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга ҳамда уларни бартараф этиш ишларини олиб боришга доимий шай ҳолатда сақлаб туриш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш юзасидан кечиктириб

бўлмайдиган ишларни амалга ошириш, шунингдек фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

фавқулодда вазиятлар шароитида юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ишларини олиб бориш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни тарғиб қилиш, аҳолини ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ходимларини фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга тайёрлашда иштирок этиш.

6-модда. Қутқарув ишларининг турлари

Қутқарув ишларига авария-қутқарув, кидирув-қутқарув, тоғ-кон қутқарув, сув-қутқарув, газ-қутқарув ишлари, шунингдек ёнғинларни ўчириш ҳамда бошқа табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ ишлар киради.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қутқарув ишларининг турлари конун ҳужжатларига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

2-боб. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари

7-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ташкил этиш

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари қуйидаги асосларда ташкил этилиши мумкин:

доимий штат асосида — қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмалари;

штатсиз асосда — штатдан ташқари қутқарув тузилмалари.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмалари:

республика миқёсида — Ўзбекистон Республикасининг Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан;

ҳудудлар миқёсида — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорига биноан;

объектлар миқёсида — конун ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун ўз қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари бўлиши шартлиги назарда тутилган ташкилотларнинг қарорига биноан ташкил этилади.

Штатдан ташқари қутқарув тузилмалари ташкилотлар томонидан ўз ходимлари орасидан белгиланган тартибда ташкил этилади.

Жамоат қутқарув тузилмалари уставда белгиланган вазифаси фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришда иштирок этишдан иборат бўлган жамоат бирлашмалари томонидан жамоатчилик асосида ташкил этилади.

8-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг таркиби, тузилиши

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг таркиби, тузилиши тегишinchа Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат бошқарув органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда ташкилотлар, шу жумладан жамоат бирлашмалари томонидан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ўз зиммаларига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

9-модда. Кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмалари сафини тўлдириш

Кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмаларининг сафини тўлдириш ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, шу жумладан жамоат бирлашмалари кутқарувчи лавозимига қабул қилиш шартларини белгилайди.

Кутқарув хизматларига, профессионал кутқарув тузилмаларига кутқарувчи лавозимига, шунингдек кутқарувчиларни тайёрловчи таълим муассасаларида ўқишга умумий ўрта маълумотли, тиббий текширувда кутқарувчилик ишига яроқли деб топилган ҳамда касбий, жисмоний тайёргарлиги даражасига ва маънавий-руҳий фазилатларига кўра белгиланган талабларга мос келадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Ўн саккиз ёшга тўлган, кутқарувчиларни тайёрлаш дастури бўйича таълим олган ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ишларини олиб бориш учун белгиланган тартибда аттестациядан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига кутқарув хизматлари ва профессионал кутқарув тузилмаларида кутқарувчи вазифаларини бажаришга рухсат берилади.

10-модда. Кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмаларини аттестациядан ўтказиш

Кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда аттестациядан ўтказилиши керак.

Аттестациядан ўтмаган ёки текширувлар давомида фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга ҳамда уларни бартараф этиш ишларини ўтказишга шайлигини тасдиқлай олмаган кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмаларининг объектлар ва ҳудудларга шартнома асосида хизмат кўрсатишига йўл қўйилмайди ҳамда улар кутқарув ишларини олиб боришга жалб этилмайди.

11-модда. Кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш

Кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмалари ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказилиши керак.

Кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

12-модда. Кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмаларининг фаолияти

Кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмалари ўз фаолиятида ушбу Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Кутқарув хизматларининг, профессионал кутқарув тузилмаларининг раҳбарлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорлар шу хизматлар ва тузилмаларнинг барча ходимлари, шунингдек фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришга жалб этилган штатдан ташқари кутқарув тузилмалари ва жамоат кутқарув тузилмаларининг ходимлари бажариши учун мажбурийдир.

Кутқарув хизматлари ва профессионал кутқарув тузилмалари объектлар ҳамда ҳудудларга хизмат кўрсатиш бўйича ўз фаолиятини шартнома асосида амалга ошириши мумкин.

Фавқулодда вазиятлар таҳдиди бўлганда ва улар рўй берганда ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш чоғида қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларида жамоага доир меҳнат низоларини ҳал этиш воситаси сифатида қутқарув ишларини тугатишга йўл қўйилмайди.

Штатдан ташқари қутқарув тузилмалари ташкил этилган ташкилотларнинг раҳбарлари қутқарувчиларни қутқарув ишлари олиб боришнинг махсус кўникмаларига ўргатиш бўйича мунтазам машғулотлар уюштиради ҳамда уларни махсус аслаҳа-анжомлар билан таъминлайди.

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракатлар қилишга ҳамда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришга шайлиги учун давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларнинг, шу жумладан жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари масъулдир.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг тезкор транспорти махсус товуш ва ёритиш сигнал асбоблари билан таъминланган, шунингдек белгиланган намунадаги рангларга бўялган бўлиши шарт.

13-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқарув органи томонидан қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун зарур бўлган кучлар ва воситаларни тезкор жалб этиш;

қутқарув воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш ишларини олиб боришда иштирок этувчи қутқарувчиларни, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг мансабдор шахсларини тайёрлаш масалаларини ҳал этиш;

тегишли ҳудудларда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришда қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва бошқа кучлар ўртасида ҳамкорликни таъминлаш;

қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини бирхиллаштириш.

14-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини бошқа жойга кўчириш, қайта ихтисослаштириш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини бошқа жойга кўчириш, қайта ихтисослаштириш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш учун улар хизмат кўрсатаётган ташкилотлар фаолиятининг тугатилганлиги ёхуд мазкур хизматлар ва тузилмалар томонидан олди олиниши ҳамда бартараф этилиши мўлжалланган фавқулодда вазиятларнинг рўй бериши хавфи йўқотилганлиги асос бўлади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларини, шунингдек ташкил этилиши шартлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган штатдан ташқа-

ри қутқарув тузилмаларини бошқа жойга кўчириш, қайта ихтисослаштириш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш уларни ташкил этган мансабдор шахслар, органлар ёхуд ташкилотларнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари бошқа жойга кўчирилган, қайта ихтисослаштирилган, қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқарув органига ёзма билдириш юборилиши керак.

15-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари фаолиятини молиялаштириш

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари фаолиятини молиялаштириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари;

қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларига эга бўлган ташкилотларнинг молиявий маблағлари;

аҳоли ва ташкилотларга кўрсатиладиган хизматлардан олинадиган даромадлар;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун белгиланган тартибда ташкил этилган молиявий маблағлар захиралари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар.

3-боб. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишдаги иштироки

16-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш:

хизмат кўрсатилаётган объектлар ва ҳудудларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишга доир ҳаракатлар режасига мувофиқ;

фавқулодда вазиятлар рўй берган ва уларнинг кўлами кенгая бошлаган тақдирда белгиланган тартибда;

мазкур қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари фаолиятига раҳбарлик қилаётган ёки бунинг учун қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларга эга бўлган давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, шу жумладан жамоат бирлашмалари мансабдор шахсларининг қарорига биноан амалга оширилади.

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, шу жумладан жамоат бирлашмаларининг шунга ваколатли мансабдор шахслари қарорига биноан жалб қилиш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган объектлар ва ҳудудларнинг фавқулодда вазиятлардан ҳимояланганлик даражасини таъминлайдиган чора-тадбирлар кўрилиши шарт.

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан амалга оширилади.

17-модда. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига раҳбарлик қилиш

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилинган барча кучлар ва воситаларга раҳбарлик қилиш ҳамда уларнинг ҳамкорликда ҳаракат қилишини ташкил этиш фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларининг раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишлари раҳбарининг ваколатлари: трансчегаравий ва республика миқёсидаги фавқулодда вазиятларда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

маҳаллий миқёсдаги фавқулодда вазиятларда — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан;

локал фавқулодда вазиятларда — давлат бошқарув органлари, ташкилотлар томонидан белгиланади.

Фавқулодда вазиятлар зонасига биринчи бўлиб етиб келган қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг раҳбарлари фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишлари раҳбарларининг ваколатларини ўз зиммаларига олади ҳамда бу ваколатларни фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режаларида белгиланган ёки фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқарув органи, бошқа давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар томонидан тайинланган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишлари раҳбарлари етиб келгунига қадар бажаради.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишлари раҳбарларининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қаратилган қарорлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фавқулодда вазиятлар зоналаридаги барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишлари раҳбарларининг фаолиятига уларни вазифаларини бажаришдан белгиланган тартибда четлаштирмасдан ва раҳбарликни ўз зиммасига олмасдан ёки бошқа мансабдор шахсни тайинламасдан тўриб аралашшига ҳеч ким ҳақли эмас.

Одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита таҳдид бўлганда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларининг раҳбарлари мустақил равишда куйидаги қарорларни қабул қилишга ҳақлидир:

эвакуация тадбирларини ўтказиш тўғрисида;

фавқулодда вазиятлар зоналаридаги объектларда ва ҳудудларда қутқарув ишларини олиб бориш тўғрисида;

фавқулодда вазиятлар зоналарига киришни чеклаш тўғрисида;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун фавқулодда вазиятлар зоналаридаги ташкилотларнинг моддий ресурсларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш тўғрисида;

штатдан ташқари қутқарув тузилмалари ва жамоат қутқарув тузилмаларини, шунингдек қутқарув ишлари олиб боришга бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган тақдирда, мазкур тузилмалар таркибига кирмаган қутқарувчиларни фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришга жалб қилиш тўғрисида;

қутқарувчи бўлмаган айрим фуқароларни кечиктириб бўлмайдиган қутқарув ишларини олиб боришга ихтиёрийлик асосида жалб қилиш тўғрисида;

фавқулодда вазиятлар кўламининг кенгайиб бориши ва уларни бартараф этиш ишларининг бориши тақозо этган бошқа зарур чораларни кўриш тўғрисида.

Одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита таҳдид бўлган тақдирда, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларининг раҳбарлари ўзлари қабул қилган қарорлар ҳақида тегишли давлат бошқарув органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, ташкилотларни дарҳол хабардор қилиш юзасидан барча чораларни кўриши шарт.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларининг раҳбарлари, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари раҳбарлари фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини ташкил қилиш учун фавқулодда вазиятлар тўғрисида зарур бўлган тўлиқ ва ишончли ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Қутқарув ишларини тўлиқ ҳажмда олиб боришнинг технологик жиҳатдан имкони бўлмаган тақдирда, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларининг раҳбарлари биринчи навбатда фавқулодда вазиятлар зоналаридаги одамларни қутқариш бўйича имкони бўлган барча чораларни кўргач, қутқарув ишларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

18-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларига ўз фаолиятини амалга оширишида кўмаклашиш

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ташкилотлар қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларига фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини бажаришда ёрдам кўрсатиши, шу жумладан кейинчалик ўрни белгиланган тартибда қопланиши шарти билан уларга зарур транспорт ва моддий воситаларни тақдим этиши шарт.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини ўтказиш жойига бораётганда қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг тезкор транспорти монеликсиз ўтиш ҳамда аэродромлар, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва дарё портларида ёнилғи-мойлаш материаллари билан биринчи навбатда таъминланиш, шунингдек техник хизмат кўрсатиш станциялари ва устахоналарида техника ҳамда аслаҳа-анжомлар, алоқа воситаларининг биринчи навбатда таъмирланиши ҳуқуқидан фойдаланади.

4-боб. Қутқарувчилар ва уларнинг мақоми

19-модда. Қутқарувчилар

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий текширувдан ўтганидан, жисмоний тайёргарлик бўйича нормативларни бажарганидан, қутқарувчиларни тайёрлаш дастури бўйича ўқувдан кейин аттестация натижалари асосида ваколатли аттестация органининг қарорига биноан қутқарувчи мақомига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қутқарувчи мақоми берилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ваколатли аттестация органи уларга белгиланган намунадаги гувоҳнома, рухсатнома, қутқарувчи дафтарчаси, қутқарувчининг рўйхатдан ўтказилганлик рақами ёзилган нишон беради.

20-модда. Қутқарувчилар аттестацияси

Қутқарувчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда аттестациядан ўтади.

21-модда. Қутқарувчилар фаолиятининг кафолатлари

Қутқарувчилар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш ишлари олиб борилаётганда ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатлари-

га амал қилади ҳамда мазкур ишлар қайси қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари таркибида олиб бориладиган бўлса, ўша қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг раҳбарларига бўйсунди.

Қутқарувчиларни фавқулодда вазиятлардан ташқари, уларнинг вазифаларига тааллуқли бўлмаган ишларни бажаришга жалб этишга ўзларининг розилигисиз йўл қўйилмайди.

22-модда. Қутқарувчиларнинг ҳуқуқлари

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига жалб қилинган қутқарувчилар мазкур ишлар олиб бориладиган жойга бораётганда барча турдаги транспортга навбатсиз чипта олиш ҳуқуқига эга.

Қутқарувчилар фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб бориш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган зарур чоралар қўриш;

ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб бориш учун ташкилотларнинг ҳудудига, бинолари, хоналарига ва ҳар қандай бошқа иморатларига, турар жойларга монеликсиз кириш;

чегара олди зонасига — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари қўмондонлигининг рухсати билан кириш;

режимли объектлар ҳудудига — ушбу объектлар раҳбарларининг рухсати билан кириш;

фавқулодда вазиятлар зоналаридаги барча шахслардан белгиланган хавфсизлик чораларига риоя этишни талаб қилиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб бориш технологиясига мувофиқ махсус аслаҳа-анжомлар билан таъминланиш;

одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш учун ҳамда одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита таҳдид бўлган тақдирда, фавқулодда вазиятлар зонасидаги ташкилотларнинг алоқа воситалари транспорти, моддий ресурслари ва бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб бориш чоғида юридик ёки жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилган тақдирда зарарнинг ўрнини қоплаш фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади, қутқарувчиларнинг айбли ҳаракатлари натижасида зарар етказилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Қутқарувчилар фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб бориш даврида харажатларининг ҳақи қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини таъминлашга ажратилган маблағлар ҳисобидан ёки хизмат кўрсатиладиган ташкилотлар маблағлари ҳисобидан тўланган ҳолда, белгиланган нормалар бўйича озиқ-овқат билан таъминланиш ҳамда жойлаштирилиш ҳуқуқига эга.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишловчилар жумласидан бўлган қутқарувчилари навбатчиликни ўташ чоғида иш берувчиларнинг ҳисобидан харажатлари ҳақи тўланган ҳолда озиқ-овқат билан таъминланиш ёки озиқ-овқатга қилган харажатларининг ўрни белгиланган нормалардан кам бўлмаган тарзда қопланиши ҳуқуқига эга.

Қутқарувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

23-модда. Кутқарувчиларнинг мажбуриятлари

Кутқарувчилар:

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришда иштирок этишга шай туриши;

ўз жисмоний, махсус, тиббий, рухий тайёргарлигини ҳамда кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмалари таркибида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар қилиш кўникмаларини такомиллаштириб бориши;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича кутқарув ишларини олиб бориш технологиясига қатъий риоя этиши;

фавқулодда вазиятлар шароитида жабрланганларни қидириши, уларни кутқариш чораларини кўриши, уларга биринчи тиббий ёрдам ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиши;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб бориш чоғида, кутқарувчилар мазкур ишларни олиб боришда қайси кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмаларининг таркибида иштирок этаётган бўлса, ўша кутқарув хизматлари ва кутқарув тузилмаларининг раҳбарлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни сўзсиз бажариши;

фавқулодда вазиятларга йўл қўймаслик мақсадида фуқароларга бехатар юриштириш қоидаларини ва фавқулодда вазиятлар рўй берган тақдирда бажариладиган ҳаракатлар тартибини тушунтириши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ кутқарувчилар зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

24-модда. Кутқарувчиларнинг иш вақти (хизматни ўташ) режими

Кутқарув хизматлари ва профессионал кутқарув тузилмаларининг меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишловчилар жумласидан бўлган кутқарувчиларининг иш вақти режими кундалик фаолиятда ички меҳнат тартиби қоидалари, навбатчилик жадваллари, махсус тайёргарлик бўйича машғулотлар ёки бошқа тадбирлар жадваллари билан белгиланади.

Кутқарув хизматлари ва профессионал кутқарув тузилмаларининг ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган кутқарувчиларининг хизматни ўташ режими белгиланган тартибда ўрнатилади.

Кутқарув хизматлари ва профессионал кутқарув тузилмаларининг тоифаланган объектларга хизмат кўрсатувчи кутқарувчиларининг иш вақти (хизматни ўташ) режими белгиланган тартибда ўрнатилади.

Кутқарув хизматлари ва профессионал кутқарув тузилмалари кутқарувчиларининг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига чиқишни кутиш ва унга шай бўлиб туриш режимида уйда навбатчилик қиладиган вақти навбатчиликнинг ҳар бир соати учун чорак соат ҳисобида инobatга олинади.

Кутқарув хизматлари ва профессионал кутқарув тузилмалари кутқарувчиларининг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб бориш чоғидаги иш вақти (хизматни ўташ) режими ва иш сменасининг давомийлиги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишлари раҳбарлари томонидан фавқулодда вазиятларнинг хусусияти, уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг ўзига хос хусусиятлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Кутқарув хизматлари ва профессионал кутқарув тузилмаларининг кутқарувчиларига ҳар йили ўттиз иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган таътил берилади.

Нокулай ва ўзига хос бўлган меҳнат шароитларида ишлаганлик учун қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчиларига қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар йили ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

25-модда. Қутқарувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишловчилар жумласидан бўлган қутқарувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнат шартномаси (контракт) шартларига мувофиқ белгиланади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган қутқарувчиларининг пул таъминоти белгиланган тартибда аниқланади.

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг таркибига кирмайдиган қутқарувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича амалга оширилади.

Қутқарувчиларнинг якка муҳофазаланиш воситаларида ишлаганлиги ҳисобга олинади ва белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

26-модда. Қутқарувчиларни уй-жой билан таъминлаш

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчиларига, шунингдек улар билан бирга яшовчи оила аъзоларига қонун ҳужжатларига мувофиқ идоравий уй-жой фонди ҳисобидан турар жойлар берилади.

27-модда. Қутқарувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш чоралари

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари қутқарувчиларининг ҳаёти ва соғлиғи мажбурий суғурта қилиниши керак. Қутқарувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурта қилиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг меҳнат шартномаси (контракт) билан зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш чоғида жабрланган қутқарувчилари иш берувчиларнинг маблағлари ҳисобидан бепул тиббий хизмат кўрсатилиш ва санаторий-курортда даволаниш ҳуқуқига эга.

Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари қутқарувчиларининг ҳамда қутқарувчи бўлмаган фуқароларнинг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини бажариши муносабати билан соғлиғига зарар етказилган ёки улар вафот этган тақдирда, тегишинча шу шахсларга ёки вафот этган шахснинг оиласига зарарнинг ўрни қопланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда бир йўла бериладиган нафақа тўланади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишловчилар жумласидан бўлган қутқарувчилари умумий белгиланган ёш ўн йилга камайтирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга.

Касб касалликларининг олдини олиш мақсадида қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчиларига тегишли рацион ва нормалар бўйича даволаш-профилактика озик-овқати берилади.

Қутқарувчиларнинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия таъминоти қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқаро-

ларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ташкилотлар, шу жумладан жамоат бирлашмалари қарорларига биноан қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчиларини, шунингдек бу хизматлар ва тузилмаларнинг таркибига кирмайдиган қутқарувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг ушбу Қонунга зид бўлмаган қўшимча кафолатлари белгиланиши мумкин.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

28-модда. Низоларни ҳал этиш

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти ва тугатилиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

29-модда. Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

30-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқарув органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

31-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 26 декабрь,
ЎРҚ-195-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

512 Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **17-модданинг иккинчи қисми** «шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» деган сўзлардан кейин «ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилотлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **21-модданинг биринчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Молиявий ижара мол-мулкни (молиявий ижара объектини) эгалик қилиш ва фойдаланишга ўн икки ойдан ортиқ муддатга шартнома бўйича топширишда вужудга келадиган ижара муносабатларидир. Бунда молиявий ижара шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак»;

3) **22-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот** — биргаликдаги фаолият натижаси бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)»;

тўртинчи — ўттиз еттинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи — ўттиз саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошиси «соф фойданинг» деган сўзлардан кейин «ва (ёки) ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойданинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **35-модданинг учинчи қисмидаги** «Солиқ солинадиган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **44-модда:**

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Юридик шахс — солиқ тўловчи қайта ташкил этилаётганда ёки тугатилаётганда, ҳар бир қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган солиқ тўловчига солиқ даври бошланганидан эътиборан қайта ташкил этиш ёки тугатиш тугалланган кунга қадар бўлган давр юзасидан тегишинча топшириш далолатномаси, тақсимлаш баланси ёхуд тугатиш баланси асосида алоҳида-алоҳида солиқ ҳисоботи тузилади. Мазкур ҳисобот топшириш далолатномаси, тақсимлаш баланси ёки тугатиш баланси тасдиқланган кундан эътиборан уч иш кун ичида тақдим этилади. Ушбу қисмининг қоидалари ўзгартириш, шунингдек бошқа юридик шахсни қўшиб олиш орқали қайта ташкил этилаётган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2008 йил 30 декабрда эълон қилинган.

«Тадбиркорлик субъекти — юридик шахс ихтиёрий тугатилган тақдирда, унга солиқ даври бошланганидан то юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган тугатиш тартиб-таомили бошланганлиги ҳақида хабардор қилинган санагача бўлган муддат учун алоҳида солиқ ҳисоботи тузилади»;

тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин;

6) 47-модданинг:

биринчи қисми «давлат солиқ хизмати органларида» деган сўзлардан кейин «ва солиқ тўловчида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

7) 88-модда:

иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «текширувнинг мақсадлари» деган сўзлар «солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширувнинг мақсадлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тугатувчининг ёки юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиши тўғрисидаги ёзма билдириши»;

8) 92-модда:

биринчи қисмининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўз хизмат гувоҳномасини, шунингдек текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномасини кўрсатиши»;

тўртинчи қисмининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«текширувчи мансабдор шахс текширувни тайинлаш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилмаган, ўз хизмат гувоҳномасини ва текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномасини кўрсатмаган бўлса»;

9) 94-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказиётган мансабдор шахслари текшириляётган солиқ тўловчидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ, текширув мақсадларига тегишли ва текшириляётган даврга тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли»;

10) 104-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчи, агар ушбу Кодекс 54-моддасининг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, давлат солиқ хизмати органи қарорининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида қарорда кўрсатилган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиши ҳамда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня суммасини тўлаши шарт»;

бешинчи қисмининг учинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муддат жаримани ихтиёрий равишда тўлаш учун муддат бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан, ушбу Кодекс 54-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса олти ойдан ошмаслиги керак»;

11) 118-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«махсулот етказиб берувчиларга ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Бунда махсулот етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммасини бюджетга тўлаши шарт»;

12) 128-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ солинадиган база жами даромад билан ушбу бўлимда назарда тутилган

чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида, мазкур Кодекс 158-моддасининг иккинчи қисмида, бошқа қонунларда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган имтиёзлар ҳамда ушбу Кодекснинг 159-моддасига мувофиқ солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши суммалари инobatга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади»;

13) **130-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун реализация қилишдан олинадиган тушум белгиланган баҳолар (тарифлар) асосида аниқланади»;

14) **132-модданинг:**

11-бандидаги «иккинчи» деган сўз «биринчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

13-бандидаги «шунингдек чет эл валютасидаги операциялар бўйича олинган даромадлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **133-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Асосий воситалар объектларининг чиқиб кетишидан олинадиган молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда асосий воситалар объектларининг илгари қайта баҳолашлардаги ортган суммасининг ушбу асосий воситалар объекти қийматининг олдинги қайта баҳолашлардаги камайиши суммасидан ортган қисми асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади»;

16) **140-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Баҳолари чет эл валютасида белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ўзаро ҳисоб-китобларни миллий валютада амалга оширадиган солиқ тўловчилар учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинган ёки олинган санадан ушбу товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санагача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдаги ўзгариш муносабати билан юзага келувчи ижобий фарқ товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санадаги жами даромад таркибига бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилади»;

17) **144-модда иккинчи қисмининг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) музей қимматликлари (музей ашёлари)»;

18) **145-модданинг:**

40-банди қуйидаги мазмундаги «**м**» **кичик банди** билан тўлдирилсин:

«**м**) қарз суммаси билан мазкур қарзни юзага келтирган реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) таннархи ўртасидаги фарқдан ошмайдиган сумма доирасидаги қарзни талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечишдан кўрилган зарарлар»;

43-банди бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Баҳолари чет эл валютасида белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ўзаро ҳисоб-китобларни миллий валютада амалга оширадиган солиқ тўловчилар учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинган ёки олинган санадан ушбу товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санагача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курсдаги ўзгариш муносабати билан юзага келувчи салбий фарқ бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўланган санадаги жами даромаддан чегириб ташланади»;

қуйидаги мазмундаги **49-банд** билан тўлдирилсин:

«49) вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар бўйича тўлаш харажатлари»;

19) **150-модданинг 7-банди** чиқариб ташлансин;

20) **152-модданинг 10-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«10) профессионал фаолиятдан олинган бошқа даромадлар»;

21) **155-модданинг:**

иккинчи қисми «банклари» деган сўздан кейин «ва лизинг берувчилари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

саккизинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўққизинчи — йигирманчи қисмлари тегишинча **саккизинчи — ўн тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

ўн учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бунда даромадлар хорижий банкларга тўланган тақдирда, солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи халқаро шартнома мавжуд бўлган давлатда хорижий банкнинг доимий жойлашган жойи борлигини тасдиқлаши, агар бундай жойлашган жой ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот манбаларидаги маълумотлар билан тасдиқланган бўлса, талаб қилинмайди»;

ўн саккизинчи қисмидаги «ўн учинчи, ўн бешинчи, ўн олтинчи ва ўн саккизинчи» деган сўзлар «ўн иккинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн еттинчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **156-модданинг:**

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмидаги «бешинчи» деган сўз «тўртинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

23) **157-модданинг иккинчи қисми иккинчи хатбошидаги** «бошланғич» деган сўз чиқариб ташлансин;

24) **159-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Банкларнинг солиқ солинадиган фойдаси жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлар ҳамда жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмларининг кўпайган суммасига бўшаган маблағларни юқорида кўрсатилган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан камайтиради»;

25) **165-модда тўртинчи қисмининг 1-банди** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Банклар Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига амалга оширилган тўловлар (дивидендлар ва фоизлар тўловидан ташқари) бўйича юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғини тўлов амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунидан кечиктирмай бюджетга ўтказди»;

26) **171-модданинг иккинчи қисми:**

4-банди «вакиллик харажатлари» деган сўзлардан кейин «шаҳар йўловчилар транспортида ходимларнинг хизмат қатновлари учун фойдаланиладиган йўл карточкаларини олиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган, шунингдек вахта усулида ишларни бажаришда ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар)»;

қуйидаги мазмундаги **15-банд** билан тўлдирилсин:

«15) ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари»;

27) **172-модданинг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Меҳнат шартномаларига ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (ушбу Кодекс 169-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган даромадлар бундан мустасно) деб эътироф этилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга қуйидагилар ҳам қиради»;

28) **174-модданинг 5-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) доимий иши йўлда кечадиган, ҳаракатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган ходимларнинг, шунингдек доимий иши ишларни вахта усулида бажарилишини назарда тутадиган ходимларнинг иш ҳақиға қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган устамалар»;

29) **175-модданинг 14-банди** «ушбу Кодекс 178-моддасининг 16-бандида кўрсатилганлар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

30) **177-модда биринчи қисми 1-бандининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«озик-овқат, йўл чипталари қийматини тўлаш ёки озик-овқат, йўл чипталари қийматини қоплаш»;

31) **178-модда:**

1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) пенсиялар ва қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар»;

3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) жисмоний шахсларга хайрия ва экология жамғармаларининг маблағларидан бериладиган нафақалар ҳамда бошқа турлардаги ёрдам»;

10-бандидаги «грантлар» деган сўздан олдин «грант берувчидан олинган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **16-банд** билан тўлдирилсин:

«16) моддий ёрдам тариқасида:

вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар;

фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган тўловлар;

мақсадли хусусиятга эга бўлган ҳамда ходимлар билан юз берган шахсий тусдаги воқеалар, ҳодисалар ва тадбирлар билан боғлиқ бўлган ҳамда бажариладиган иш натижаларига боғлиқ бўлмаган тўловлар»;

32) **179-модданинг:**

1-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдам суммалари — тўлалигича»;

17-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17) депозит сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек банклар ва кредит уюшмаларидаги омонатлар бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар»;

20-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20) меҳнат шартномаси бекор қилинганда энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга қобилиятсиз-

лик нафақалари (шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақаси) мустасно, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан жисмоний шахсларга бериладиган ёрдам тусидаги тўловлар»;

26-банди чиқариб ташлансин;

33) **180-модда иккинчи қисмининг 7 ва 11-бандларидаги** «бошқа турмуш қурмаган» ва «қайта турмуш қурмаганлик» деган сўзлар тегишинча «янги турмуш қурмаган» ва «янги турмуш қурмаганлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) **186-модданинг саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнг ходимга илгариги асосий иш жойида тўловлар амалга оширилган тақдирда, мазкур тўловларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушбу Кодекс 179-моддаси 1-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида, 14-бандида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда солинади. Юридик шахс бу ходимга тўлаган даромаднинг жами суммаси ва ундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси ҳақида бу юридик шахс ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ўттиз кун ичида ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов манбаида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш жами даромад суммасидан ушбу Кодекс 179-моддаси 1-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида, 14-бандида ҳамда 180-моддасида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилмаган ҳолда, белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича амалга оширилади»;

35) **197-модда:**

биринчи қисмининг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) — юридик шахс»;

иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«нотижорат ташкилотлар, бундан тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари, шунингдек ушбу модданинг биринчи қисми 2 ва 3-бандларида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

36) **199-модданинг:**

биринчи қисми:

1-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), шу жумладан юридик шахс ходимларига уларнинг мазкур юридик шахсдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган шахсий эҳтиёжлари учун мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш), агар ушбу модда иккинчи қисмининг 6-бандида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса»;

қуйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) солиқ тўловчининг ўз эҳтиёжлари учун товарлар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, агар ушбу модда иккинчи қисмининг 1-бандида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса»;

иккинчи қисмининг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) солиқ тўловчининг харажатлари сифатида қараладиган, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда чегириладиган, унинг ўз эҳтиёжлари учун товарлар бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш»;

37) **202-модда учинчи қисмининг:**

2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) ишлар, хизматлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган кўчар мулк билан боғлиқ бўлса. Бундай ишларга, хизматларга монтаж қилиш, созлаш, йиғиш, қайта ишлаш, ишлов бериш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш киради»;

4-бандининг:

олтинчи хатбошисидаги «ушбу қисмда» деган сўзлар «ушбу бандда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «чет эллик алоқа операторлари томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

38) **204-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарлар (ишлар, хизматлар) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) паст нархларда реализация қилинган тақдирда, солиқ тўловчига ўз эҳтиёжлари учун ушбу Кодекс 199-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига мувофиқ товарлар берилганда (ишлар ба-жарилганда, хизматлар кўрсатилганда), шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) бепул берилганда солиқ солиш мақсадлари учун солиқ солинадиган база товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархидан ёки товарлар олинган нархдан (товарни олиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинган ҳолда) келиб чиқиб белги-ланади»;

еттинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Импорт қилинган товарлар реализация қилинганда, солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қий-матидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда солиқ солинадиган база мазкур товар импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинган қийматдан паст бўлиши мумкин эмас»;

39) **208-модданинг:**

12-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12) қимматбаҳо металлларни ваколатли давлат органига сақлаб туриш учун топшириш ва уларнинг экспорти»;

13-банди биринчи хатбошисининг биринчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13) тиббий (ветеринария) хизматлари (косметология хизматлари бундан мус-тасно), дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шу жумладан уларни ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинаётган шундай воситалар ва буюмлар»;

40) **211-модданинг 5 ва 6-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва чет эл ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилган қарзлар (кредитлар) маб-лағлари, шунингдек грантлар ҳисобига юридик шахслар томонидан олиб кирилаёт-ган товарлар;

6) дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюм-лар ишлаб чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган хом ашё»;

41) **212-модданинг биринчи қисмидаги** «пахта толаси ва линт» деган сўзлар «қимматбаҳо металллар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

42) **213-модда:**

биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Товарлар экспортга воситачи (ишончли вакил) орқали воситачилик (топширик) шартномаси бўйича реализация қилинганда экспортни тасдиқлаш учун комитент (ишонч билдирувчи) томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

солиқ тўловчи билан воситачи ёки ишончли вакил ўртасидаги воситачилик шартномаси ёки топширик шартномаси (шартноманинг кўчирма нусхаси);

солиқ тўловчининг топшириғига кўра (воситачилик шартномаси ёки топширик шартномасига мувофиқ) экспортга товарлар етказиб беришни амалга ошираётган шахснинг товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига етказиб бериш учун чет эллик шахс билан тузилган контракт (контрактнинг белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);

товарларни экспорт режимига чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг белгиси қўйилган божхона юк декларациясининг кўчирма нусхаси.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатлар белгиланган тартибда текширув ўтказилаётганда назорат қилувчи органларга уларнинг талабига биноан тақдим этилади»;

43) **216-модданинг учинчи хатбошисидаги** «йўловчилар, багажлар ва почтани халқаро йўналишда ташиш» деган сўзлар «йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

44) **218-модда:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарлар экспортида чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан экспорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирма мавжуд бўлса»;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарлар импортида, шунингдек ушбу Кодекснинг 207-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан ишлар (хизматлар) олинганида бюджетга тўланган қўшилган қиймат солиғи ҳақиқатда қайси ҳисобот даврида бюджетга ўтказилган бўлса, ўша ҳисобот даврида ҳисобга олинади»;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Реализация қилинганда ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган экспорт қилинадиган товарларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи товарлар экспортидан валюта тушуми ҳақиқатда тушган даврда валюта тушумининг улушида ҳисобга олинади»;

бешинчи — саккизинчи қисмлари тегишинча **олтинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

45) **222-модданинг ўн иккинчи** ва **ўн учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар келиб тушган ва тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар реестрини юритишлари шарт.

Ҳисобварақ-фактуранинг шакли, уни тўлдириш тартиби, шунингдек келиб тушган ва тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади»;

46) **226-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Импорт қилинадиган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаш бож-

хона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади»;

47) **227-модда тўртинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ушбу Кодекснинг 228-моддасига мувофиқ солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилади»;

48) **228-модда учинчи қисмининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) товарларни экспорт қилишни амалга ошираётган юридик шахслар — ушбу Кодекснинг 213-моддасига мувофиқ ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини, шунингдек чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) экспорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатидан кўчирмаларни»;

49) **229-модданинг иккинчи қисмидаги** «Вазирлар Маҳкамасининг» деган сўзлар «Президентининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

50) **230-модданинг иккинчи қисми 4-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

51) **240-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади»;

52) **248-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Айрим турдаги маҳсулотлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган бошқа шахслар қўшимча фойда солиғи тўловчиси этиб белгиланиши мумкин»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

53) **249-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Реализация қилишдан олинган соф тушум билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳисоб-китоб баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган даромаднинг бир қисми (қўшимча фойда) қўшимча фойда солиғини солиш объектидир»;

54) **250-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ солинадиган база ҳисобот давридаги қўшимча фойда суммасидан келиб чиқиб, қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган соф тушумдан ҳисобланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташланган ҳолда аниқланади»;

55) **256-модданинг биринчи қисми:**

5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ягона ижтимоий тўлов»;

қуйидаги мазмундаги **6-банд** билан тўлдирилсин:

«6) акциз солиғи»;

56) **257-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланишни амалга оширувчи қуйидаги шахслардир: юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;

тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари»;

57) **268-модданинг учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

58) **275-модда биринчи қисмининг 7 ва 8-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёхуд шикастланганлиги оқибатида ёки фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ота-оналарининг ва рафиқаларининг. Имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг беваси (онаси, отаси)» штампи қўйилган ёки пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ёки Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг рафиқаларига имтиёз фақат улар янги турмуш қурмаган тақдирда берилади;

8) муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилари ва улар оила аъзоларининг (хизматни ўташ даврида). Мазкур имтиёз тегишли ҳарбий қисмнинг ёки туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимининг маълумотномаси асосида берилади»;

59) **287-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласидаги** «солиқ ҳисоб-китобларни тақдим этиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

60) **296-модданинг иккинчи жумласи** «олинган» деган сўздан кейин «(олиниши лозим бўлган)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

61) **297-модданинг биринчи қисмидаги** «фойда солиғи тўланганидан кейин» деган сўзлар «ҳисобланган фойда солиғи чегириб ташланган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

62) **305-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини (бундан буён матнда суғурта бадаллари деб юритилади) тўловчилардир»;

63) **308-модданинг 4-банди** чиқариб ташлансин;

64) **310-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суғурта бадалларининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади»;

65) **311-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Якка тартибдаги тадбиркорлар суғурта бадалларини мажбурий тартибда ойига энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда тўлайди.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликларининг аъзолари суғурта бадалларини ихтиёрийлик асосида йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Белгиланган миқдордаги суғурта бадалларининг тўланиши деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиklarининг аъзолари учун суғурта бадалининг миқдори унинг белгиланган миқдорининг камида 50 фоизини ташкил этиши керак.

Суғурта бадалларини тўлаш қўйидагича амалга оширилади:

якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — ҳар ойда кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай;

юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиklarининг аъзолари — ҳисобот йилининг 1 октябрига. Бунда суғурта бадалларининг миқдори тўлов кундаги энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Тўлов топшириқномасида (кирим ордерида) солиқ тўловчининг идентификация рақами ва тўлов тўланаётган давр албатта кўрсатилиши шарт. Агар давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилади ой (деҳқон хўжалиklари аъзолари учун — йил) учун тўланган деб ҳисобланади»;

66) **313-модда иккинчи қисмининг 5-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари учун — агар мазкур модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад»;

67) **317-модда иккинчи қисмининг 5-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) кредит ташкилотлари ва суғурта ташкилотлари учун — агар мазкур модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодекснинг 148 ва 150-моддаларига мувофиқ аниқланадиган даромад»;

68) **323-модданинг иккинчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин: «олинган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари двигателининг от кучидаги қуввати»;

69) **356-модда биринчи қисмининг 6-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) маҳсулот етказиб берувчиларнинг сийлови (скидка) тариқасида ва асосий воситаларни тугатишда уларнинг илгари қайта баҳолашлардаги қийматининг камайиши суммасидан ортган қисми ҳисобига олинган бошқа даромадлар»;

70) **362-модданинг:**

иккинчи қисми биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ушбу модданинг учинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бир вақтнинг ўзида қўйидаги шартларга жавоб берадиган юридик шахслар солиқ солиш мақсадида кишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар жумласига ки-ради»;

учинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этилган кишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ягона ер солиғини тўловчилар бўлади»;

71) **363-модданинг:**

тўртинчи қисми иккинчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчининг ёзма билдиришни белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги унинг умумбелгиланган солиқларни тўлашга розилиги деб ҳисобланади»;

ўнинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона ер солиғини тўловчилар учун ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар бундан мустасно»;

72) **366-модданинг:**

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

73) **367-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «362-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «362-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

74) **369-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ягона ер солиғи суммаси ер участкаларининг норматив қиймати ва ягона ер солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади»;

75) **371-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Асосий фаолият тури бўйича қатъий белгиланган солиқни тўловчилар бўлган юридик шахслар учун ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар, шунингдек ижарадан олинган даромадлар бундан мустасно»;

76) **379-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу бобда назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилаётган ишончли шахс оддий ширкат шартномаси асосида биргаликдаги фаолиятни амалга оширишни бошлаган кундан эътиборан ўн кун ичида ишончли шахснинг солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органида биргаликдаги фаолият доирасида солиқ мажбуриятларини бажарувчи солиқ тўловчи сифатида ҳисобга туриши шарт»;

77) **381-модданинг олтинчи қисмидаги** «ушбу Кодекснинг 382-моддасида назарда тутилган» деган сўзлар «ушбу Кодекснинг 375-моддасида назарда тутилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

78) **382-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ягона солиқ тўлови биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот реализация қилинмасдан, биргаликдаги фаолият шериклари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаб олинган тақдирда ҳам тўланади. Бунда ягона солиқ тўлови суммаси биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш доирасида яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади»;

79) **387-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бозорлар даромадларининг умумий суммасидан, бозорлар даромадидан тўланадиган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар чегириб ташлангандан кейин қолган маблағларнинг 50 фоизи бозорлар жойлашган жойдаги тегишли маҳаллий бюджетларга белгиланган тартибда йўналтирилади. Қолган 50 фоизи бозорлар маъмурияти тасарруфида қолади ва улардан жорий харажатларни қоплаш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш, бозорлар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг рўйхатини кенгайтириш, сифатини яхшилаш учун фойдаланилади».

2-модда. Ушбу Қонун 2009 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга кириди.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 декабрь,
ЎРҚ-196-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

513 Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 223–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 76-модда; 1992 йил, № 9, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **11-моддасининг ўнинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамоат бирлашмаси уставини, унга киритилган кейинги ўзгартишлар ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорда давлат божи ундирилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги 289–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 618–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 99-модда) **11-моддаси иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** ва **учинчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «рўйхатга олиш йиғими» деган сўзлар «давлат божи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 1 январда эълон қилинган.

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги 429–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 80-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **17-моддасининг:**

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи қисми иккинчи қисм деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган **«Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»**ги 846–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 230-модда) **14-моддасининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«коммунал хизматлар ҳақини ва суғурта бадалларини тўлаш бўйича, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёزلардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»**ги 913–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда) **24-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар микдорларини белгилаш, маҳаллий солиқлар бўйича имтиёزلар бериш».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги 915–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган 758–I-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 110-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда) **12-моддаси иккинчи қисмининг йигирма тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тушишига қўмаклашади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги 938–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар) **31-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «**Банкротлик тўғрисида**»ги 1054–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда) **3-моддасининг еттинчи хатбошисидаги** «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар) **184-моддасининг:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«184-модда. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш»;

биринчи қисми диспозициясидаги «солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни» деган сўзлар «солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи қисмлари диспозициясидаги «Солиқ ёки бошқа тўловларни» деган сўзлар «Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «солиқлар ва бошқа тўловлар» деган сўзлар «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-модда-

лар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар):

1) **174-моддасининг:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«174-модда. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш»;

биринчи қисми диспозициясидаги «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **175-моддаси биринчи қисми диспозициясининг** ўзбекча матнидаги «солиқ ёки бошқа тўловларнинг» деган сўзлар «солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «**Концессиялар тўғрисида**»ги 110–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 185-модда) **23-моддасидаги** «бошқа» деган сўз «бошқа мажбурий» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **214-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика мулки республика бюджетига тушадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан, шунингдек қонунларда назарда тутилган асосларга кўра бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади»;

2) **215-модданинг тўртинчи қисмидаги** «солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлардан» деган сўзлар «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **221-модданинг биринчи қисмидаги** «солиқлар, йиғимлар ва бошқа» деган сўзлар «солиқлар ва бошқа мажбурий» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **1007-модданинг иккинчи қисмидаги** «даромад солиғи олинадиган» деган сўзлар «жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги 216–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда) **38-моддасининг олтинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банклар ўз мижозлари бўлган корхоналарнинг операциялари тўғрисидаги зарур маълумотларни улар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлиқ ва тўғри тўлаётганликларини назорат қилиш учун солиқ органларининг сўровига биноан тақдим этади».

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598, 606, 608-моддалар; 2008 йил, № 9, 489-модда) **53-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Дивиденд фойданинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг акциядорлик жамияти ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисмидир».

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Сиёсий партиялар тўғрисида**»ги 337–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда) **8-моддаси иккинчи қисмининг олтинчи хатбошидаги** «рўйхатдан ўтиш йиғими» деган сўзлар «давлат божи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида**»ги 419–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 124-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 490-модда) **17-моддаси** чиқариб ташлансин.

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**»ги 474–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органлари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг (бундан буён матнда солиқлар деб юритилади) бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш мақсадларида тузилади»;

2) **2-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ назорати солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат.

Солиқ назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш, солиқ текширувлари воситасида ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади»;

3) **3-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органлари қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибида ҳудудий бўлинмаларга эга бўлган: солиқ тўловчилар — юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг назорат ҳамда ҳужжат асосидаги текширувини ва молия-хўжалик фаолияти тафтишини амалга оширувчи махсус назорат-тафтиш бўлинмаси, шунингдек давлат солиқ хизмати органларида режим ва ходимлар билан ишлаш бўйича махсус бўлинма тузилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига амал қилади.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз фаолиятини давлат бошқарув органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил тарзда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Давлат солиқ хизмати органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари барча солиқ тўловчилар — юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Давлат солиқ хизмати органлари юридик шахслар бўлиб, республика бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи битилган муҳрга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилмаси, унинг ходимлари чекланган сони билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекцияларининг намунавий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

4) **4-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилишини, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланишини, шунингдек фуқароларнинг шахсий жамғариб борилади-

ган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида киритилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчилари идентификация рақамларининг ягона реестрини юритиш;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришларида ёрдам кўрсатиш;

солиқ сиёсатининг рўёбга чиқарилишида бевосита қатнашиш;

солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш;

солиқларга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш»;

5) 5-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) солиқ тўловчиларда (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғлиқ бўлган субъектлардаги муқобил текширувларда) молиявий ҳужжатлар, шартномалар (контрактлар), режалар, сметалар, даромадлар ҳақидаги декларациялар ҳамда солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини киритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларнинг, шу жумладан электрон ҳужжатларнинг, шунингдек экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларнинг текширувларини ўтказиш;

2) солиқ текшируви ўтказаетганда:

даромадлар олиш учун солиқ тўловчилар томонидан фойдаланилаётган ёхуд солиқ солиш объектларини сақлаб туриш билан боғлиқ ҳудудни, ишлаб чиқариш бинолари, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш;

мол-мулкни инвентаризация қилиш ва бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ҳажмининг назорат ўлчовларини ўтказиш;

кассаларни ҳамда товар-моддий бойликлар ва ҳужжатлар (шу жумладан электрон тарзидаги) сақланадиган жойларни муҳрлаб қўйиш;

солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ҳужжатларни (кўчирма нусхаларни, шунингдек асл нусхаларни), шу жумладан электрон ҳужжатларни, шунингдек предметларни (товарлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларнинг намуналарини) олиб қўйиш, бундан солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга сабаб бўладиган ҳужжатлар ҳамда предметлар мустасно. Солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга сабаб бўладиган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади;

солиқ тўловчидан, шунингдек солиқ тўловчининг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган шахслардан, бошқа моддий жавобгар ходимларидан тушунтиришлар олиш;

таржимонни, экспертни жалб этиш ва экспертиза тайинлаш;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилишини талаб қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

3) савдо, товарларни бериш ва пуллик хизматлар кўрсатиш қоидаларига, шунингдек нақд пул тушумининг банкка ўз вақтида топширилишига риоя этилишини текшириш;

4) солиқ текширувлари ўтказилаётганда фискал хотирали назорат-касса машиналарида сақланаётган маълумотлардан фойдаланиш;

5) солиқ тўловчи томонидан ҳисоб ҳужжатлари йўқотилган ёки йўқ қилинган тақдирда, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилиши лозим бўлган солиқлар суммасини солиқ тўловчи тўғрисидаги, шунингдек унга ўхшаш бошқа солиқ тўловчилар ҳақидаги ўзларида мавжуд бўлган маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилиш орқали мустақил равишда аниқлаш;

6) солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати мобайнида солиқларни ҳисоблаш ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиш;

7) солиқларни ундиришга доир вазифаларни амалга ошираётган давлат органлари ва ташкилотларини солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ундириб олиниши ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўз вақтида ўтказилиши юзасидан назорат қилиш;

8) солиқ текширувини ўтказишга солиқ тўловчи томонидан тўсқинлик қилинган ёхуд давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудлар, бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун кириши рад этилган, шунингдек молиявий ва солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаган ҳолларда солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш юзасидан суд тартибида чоралар кўриш, бундан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг аниқланган ҳоллари мустасно;

9) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

солиқларга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан молиявий жазо чораларини қўллаш. Хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий жазо чоралари суд тартибида қўлланилади, улар содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқрор бўлган ва молиявий жазо чоралари суммаларини ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини қўллаш;

10) солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг аниқланган фактлари бўйича товар-моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда давлат даромадига ўтказиш. Солиқ тўловчилар — юридик шахсларнинг, яқка тартибдаги тадбиркорларнинг товар-моддий бойликларини давлат даромадига ўтказиш суд тартибида амалга оширилади;

11) солиқ тўловчиларнинг ғайриқонуний равишда олган маблағларини давлат даромадига ундириш ҳақида уларга нисбатан судда даъволар қўзғатиш;

12) солиқ тўловчига мажбуриятини бажариши зарурлиги ҳақида ҳамда солиқ қарзини мажбурий ундириш юзасидан кўриладиган чоралар тўғрисида талабнома юбориш;

13) солиқ тўловчи солиқ ҳисоботи тақдим этилган санадан эътиборан ўн кун ичида ёзма ариза бермаган тақдирда, солиқларнинг ортиқча тўланган суммаларини бошқа турдаги солиқлар бўйича солиқ қарзини, пеня ва жарималарни узиш ҳисоби-

га ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида тегишли молия органларига мустақил равишда хулоса тақдим этиш;

14) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган ҳолларда, агар ҳужжатлар чет тилида тузилган бўлса, уларнинг нотариал тартибда тасдиқланган давлат тилидаги таржимасини талаб қилиш;

15) тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, жорий тўловларни юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблаш»;

учинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 1 — 7-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига, 8 — 15-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар эса, фақат давлат солиқ хизмати органлари бошлиқларига ва уларнинг ўринбосарларига берилади»;

б) 6-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органлари:

1) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлиқ ҳамда ўз вақтида тўланиши, шунингдек фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида киритилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириши, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

2) солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиши;

3) солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар, ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини, шунингдек жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибига риоя этишлари юзасидан назоратни таъминлаши;

4) солиқ текширувлари ўтказилаётганда солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини маълум қилиши, шунингдек текширишларни тартибга солишга доир қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

5) солиқ тўловчиларга ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисида маълум қилиши;

6) солиқ тўловчиларга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўз вақтида етказиши;

7) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактларини йиғиши, таҳлил этиши ва баҳолаши ҳамда солиқларга оид ҳуқуқбузарликларга йўл очиб бераётган сабаблар ва шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритиши;

8) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда солиқларга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг узоқ муддатли ва жорий дастурларини ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши;

9) солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги аризаларни, хабарлар ва бошқа ахборотни текшириши;

10) давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мерос ҳуқуқи

бўйича ўтган хазиналар ва мол-мулкнинг ҳисобини юритиши, уларни баҳолаши ҳамда уларнинг ўтказилишини назорат этиши;

11) давлат даромадига ўтказилган мол-мулкнинг реализация қилинишидан олинган пул маблағларининг давлат даромадига тўлиқ ва ўз вақтида тушиши юзасидан назорат олиб бориши, шунингдек давлат органларига текин ўтказилган мол-мулк ҳисобини олиб бориши;

12) масалани ҳал этиш давлат солиқ хизмати органларининг ваколат доирасидан чиққан ҳолларда, қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактларига доир материалларни прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати органларига ва судларга топшириши;

13) валюта ҳамда экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибига солиқ тўловчилар — юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши юзасидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириши;

14) солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ сир тутилишига риоя этиши;

15) ўз бўйсунувидаги бўлинмалар фаолияти устидан назоратни амалга ошириши;

16) солиқ тўловчининг талабига биноан солиқларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятларининг ижро этилишига доир солиштирма далолатнома тузиши;

17) солиқ тўловчининг дебиторига унинг кредиторлик қарзи борлиги ҳақида имзолаш учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини ва кредиторлик қарзи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма билдириш юбориши;

18) ортиқча тўланган солиқ суммасини мазкур солиқ тури бўйича пеня ва жарималарни узиш ҳисобига солиқ тўловчининг аризасисиз мустақил равишда ҳисобга олиши ҳамда бу ҳақда ҳисобга олиш амалга оширилган кундан эътиборан уч кунлик муддатда солиқ тўловчини ёзма равишда хабардор этиши;

19) қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ қарзи суммасини сўзсиз ундириши;

20) ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторларидан ўтказилиши лозим бўлган суммага қаратиши;

21) юридик ва жисмоний шахсларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларини, якка тартибдаги тадбиркорларни ҳисобга қўйиши, шу жумладан давлат мақсадли жамғармаларига ижтимоий сугурта бадаллари тўловчилари сифатида (тегишли давлат мақсадли жамғармалари тўловчилари бўлган субъектлар учун) ҳисобга олиши, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) бериши ҳамда бу рақамни статистика ва рўйхатдан ўтказувчи органларга расман маълум қилиши;

22) давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турмаган солиқ тўловчилар аниқланган тақдирда, уларга белгиланган тартибда ҳисобга туриш тўғрисида талабнома тақдим этиши;

23) жисмоний шахснинг доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, мазкур солиқ тўловчига тааллуқли барча материалларни унинг янги яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига топшириши;

24) солиқ тўловчининг талаби бўйича мазкур солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи маълумотномани, шу жумладан ўзгаришлар киритилган ҳисоб маълумотлари ҳам кўрсатилган ҳолдаги маълумотномани бериши;

25) шахсан олиб бориб бериш тартибида тақдим этиладиган солиқ ҳисоботини қабул қилишда солиқ тўловчининг талабига биноан солиқ ҳисоботининг кўчирма нусхасига ҳисобот қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйиши, солиқ ҳисоботи телекоммуникация тармоқлари орқали электрон ҳужжат тарзида қабул қилиб олинганда эса, солиқ тўловчига электрон тарзидаги ҳисобот қабул қилиб олинганлиги тўғрисида тасдиқнома юбориши;

26) солиқ қарзи бўлган жисмоний шахс вафот этган тақдирда, жисмоний шахс ҳисобга қўйилган ва (ёки) унинг мол-мулки турган жойдаги давлат солиқ хизмати органи вафот этган шахснинг меросхўри (меросхўрлари) тўғрисида ахборот олинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида меросхўрга (меросхўрларга) солиқ қарзи борлигини маълум қилиши шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлади»;

7) **7-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўз ваколатлари доирасида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади»;

8) **9-модда биринчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида давлат солиқ хизмати органларида участка солиқ инспекторлари лавозими ташкил этилади».

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 478–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 373-модда; 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 9, 490-модда) **103-моддасининг 1-бандидаги** «солиқлар, йиғимлар ва давлат бюджетига мажбурий тўловлар» деган сўзлар «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 декабрда қабул қилинган «**Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида**»ги 535–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

4-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳамда давлат кредитларини қайтариш муддатларини санация муддатига узайтириш»;

16-модданинг биринчи қисмидаги «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

19-модда учинчи қисмининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қишлоқ хўжалиги корхонасининг пул мажбуриятлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлари бўйича кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга маторий жорий этилади».

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида**»ги 600–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 84-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **24-моддасидаги** «бюджетга солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни» деган сўзлар «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Фермер хўжалиги тўғрисида**»ги 602–I-сонли Қонуни (2004 йил 26 августда қабул қилинган 662–II-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда):

17-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи хатбошисидаги «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

27-моддасидаги «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Дехқон хўжалиги тўғрисида**»ги 604–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 88-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда) **6-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дехқон хўжалиқларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ундирилмайди».

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Чет эл инвестициялари тўғрисида**»ги 609–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 91-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 179-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди»;

ўнинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ходимларининг пенсия таъминоти Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади»;

2) **14-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эллик инвестор, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона чет эллик ходим доимий яшайдиган мамлакатдаги тегишли фондларга шу ходим учун пенсия таъминоти тўловларини ўтказди».

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида**»ги 611–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 93-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 310-модда) **3-моддаси бешинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чет эллик инвесторга тўланадиган дивидендлар тарзида олинадиган даромадлар бўйича фойда солиғи миқдорининг (ставкасининг) кўпайтирилиши».

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда) **8-моддаси учинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар» деган сўзлар «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

26-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида**»ги 717–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 598-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ текшируви орқали амалга ошириладиган давлат назоратининг ўзига хос хусусиятлари солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **12-модданинг биринчи қисмидаги** «текширув ўтказиш мақсади» деган сўзлар «солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширув ўтказиш мақсади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «**Инвестиция фаолияти тўғрисида**»ги 719–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 10-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда):

9-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

23-моддасининг биринчи қисмидаги «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «**Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида**»ги 763–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 115-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда) **22-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** ва **бешинчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги** «рўйхатга олганлик учун йиғим» деган сўзлар «давлат божи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

29-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»ги 69–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда, № 9, 494-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда):

20-моддасининг иккинчи қисмидаги «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

40¹-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги «йиғимларни» деган сўз «бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

42-моддасининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзларни белгилайди»;

43-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги «йиғимлар» деган сўз «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Бюджет тизими тўғрисида**»ги 158–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 12, 413, 418-моддалар; 2007 йил, № 4, 168-модда, № 9, 420-модда, № 12, 601-модда) **7-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорларини белгилайди, маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар беради».

31-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган «**Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида**»ги 312–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 12-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

14-модда бешинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар»;

20-модданинг:

биринчи қисмидаги «солиқлар, йиғимларни» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Инвестор битимнинг амал қилиш муддати ичида, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ишлар турларини истисно этганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди»;

учинчи — ўнинчи қисмлари чиқариб ташлансин.

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «**Кредит уюшмалари тўғрисида**»ги 355–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 65-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 155-модда) **4-моддаси:**

учинчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги «рўйхатга олиш йиғими» деган сўзлар «давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Кредит уюшмасига лицензия берганлик учун давлат божи ундирилмайди».

33-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Жамоат фондлари тўғрисида**»ги 527–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 141-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 592-модда) **14-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** ва **учинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «рўйхатга олиш йиғими» деган сўзлар «давлат божи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

34-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «**Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида**»ги 554–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 4-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

13-модданинг олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Антидемпинг божи қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилишидан қатъи назар қўлланилади»;

19-модданинг олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Компенсация божи қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилишидан қатъи назар қўлланилади».

35-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 21 сентябрда қабул қилинган «**Солиқ маслаҳати тўғрисида**»ги ЎРҚ–55-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 497-модда) **5-моддасининг иккинчи хатбошисидаги** «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

36-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 майда қабул қилинган «**Ҳомийлик тўғрисида**»ги ЎРҚ–96-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 5, 218-модда) **16-моддасининг иккинчи қисмидаги** «солиқлар, йиғимлар» деган сўзлар «солиқлар» деган сўз билан алмаштирилсин.

37-модда. Ушбу Қонун 2009 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 31 декабрь,
ЎРҚ-197-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

514 Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар) **240-моддасининг иккинчи қисми** «ёки бундан бўйин товлаганлиги учун» деган сўзлардан кейин «шунингдек гувоҳ ўзига қарши кўрсатув беришни рад этганда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 1 январда эълон қилинган.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 46-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **биринчи** ва **иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Айбланувчи: ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш; қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ушбу Кодекс 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; жиноят ишининг терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириш ҳамда суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса, кассация ва назорат инстанциялари судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга.

Судланувчи охириги сўз билан чиқиш ҳуқуқига эга»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 48-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гумон қилинувчи: ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; у ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб

химоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ушбу Кодекснинг 230-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг химояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эга»;

3) **49-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Химоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади»;

4) **50-модда учинчи қисмининг биринчи жумласидаги** «адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **51-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан химоячи таклиф қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг химоячи тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажримига биноан қарор ёхуд ажрим Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт соатдан кечиктирмай жиноят иши бўйича химоячининг иштирокини таъминлаши шарт»;

6) **52-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** «бунда адвокат» деган сўзлардан кейин «ўз химояси остидаги шахс билан холи учрашганидан кейин» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) **53-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Химоячи: манфаатларини химоя қилаётган шахснинг нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини билиш; адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиш; гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинаётганда ҳозир бўлиш ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганда, шунингдек уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш ва гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш; бошқа тергов ҳаракатлари юргизиладиганда суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан иштирок этиш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш; илтимоснома бериш ва рад этиш; ушбу Кодекс 87-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш

ва такдим этиш; гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процесуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; агар ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлса, давлат сирлари, тижорат сири ёки бошқа сирни ўз ичига олган ахборот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш; суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва бу ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлар тўғрисида билиш ҳамда уларга нисбатан эътирозлар билдириш; апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли»;

8) **55-модданинг биринчи қисмидаги** «дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш» деган сўзлар «дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **57-модданинг биринчи қисмидаги** «дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш» деган сўзлар «дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **59-модданинг биринчи қисмидаги** «дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш» деган сўзлар «дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **66-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гувоҳ: адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш; тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга иштирок этиш; сўроқ юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида кўрсатувлар бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; унинг сўроқ қилинишида иштирок этувчи таржимонни рад қилиш; кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб бериш; ўзига қарши кўрсатув бермаслик; сўроқ баённомаси билан танишиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш; кўрсатувлар беришда ёзма белгилар ва ҳужжатлардан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эга»;

12) қуйидаги мазмундаги **66¹-модда** билан тўлдирилсин:

«66¹-модда. Гувоҳнинг адвокати

Гувоҳнинг адвокати белгиланган тартибда гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда унга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Жиноят ишида тарафлар манфаатини ҳимоя қилаётган шахс мазкур иш бўйича гувоҳнинг адвокати бўлиши мумкин эмас.

Гувоҳнинг адвокати ишда иштирок этишга у адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва ордерни тақдим этганидан сўнг, гувоҳ чақирилган пайдан эътиборан қўйилади.

Гувоҳнинг адвокати: ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг қайси жиноят иши бўйича чақирилганлигини билиш; гувоҳнинг сўроқ қилинишида, шунингдек у иштироки билан ўтказилаётган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш, унга қисқа маслаҳатлар бериш; сўроқ қилаётган шахснинг рухсати билан гувоҳга саволлар бериш; гувоҳни сўроқ қилишда иштирок этаётган таржимонни рад қилиш ҳақида қонунда белгиланган тартибда арз қилиш; сўроқ тугаганидан сўнг гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги, сўроқ баённомасига киритилиши лозим бўлган арзларини баён этиш ҳуқуқига эга.

Гувоҳнинг адвокати: гувоҳга зарур юридик ёрдам кўрсатиши; далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар орқали ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя қилиши шарт»;

13) **69-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳимоячининг илтимосномасига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан мутахассис тушунтириш бериш учун чақирилиши мумкин»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

14) **87-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақли.

Ҳимоячининг ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ тўпланган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан албатта қаноатлантирилиши керак»;

15) **95-модданинг учинчи қисми** «Кодекснинг» деган сўздан кейин «88, 90» рақамлари билан тўлдирилсин;

16) **114-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сўроққа ўз адвокати билан ҳозир бўлган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилиш адвокат иштирокида амалга оширилади. Сўроқ тугаганидан сўнг адвокат гувоҳнинг ёки жабрланувчининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги, сўроқ баённомасига киритилиши лозим бўлган арзларини баён этишга ҳақли»;

17) **224-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асослардан биттаси мавжудлигини бевосита кўриб ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа, гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиб ушланганлигини билдиришлари ва ундан яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт. Шу билан бирга, ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шарт. Бунда ушлаётган шахс ўзини таништириши ва ушланаётган шахснинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши шарт»;

18) **225-модда тўртинчи қисмининг биринчи жумласи** «тушунтирилади» деган сўздан кейин «ва танланган ёки тайинланган ҳимоячига танишиб чиқиш учун тақдим этилади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

19) **230-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушлаб турилган шахсга ҳимоячи билан учрашувга ушбу Кодекс 46-моддасининг биринчи қисмида ва 48-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қоидаларга кўра рухсат берилади.

Ушлаб турилган шахсга ҳимоячи билан биринчи холи учрашувга биринчи сўроқ-қача рухсат берилади. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланаётган ушлаб турилган шахснинг ҳимоячи билан учрашувига ушбу Кодекс 226-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган эҳтиёт чораси қўлланилиши лозим бўлган, муддатлар инobatга олинган ҳолда рухсат берилади ҳамда учрашув суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан икки соатга қадар чекланиши мумкин.

Ушлаб турилган шахсга қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувга ушлаб турилган шахслар сақланадиган жойнинг маъмурияти ушлаб туриш тўғрисидаги материаллар қайси терговчи ёки суриштирувчининг иш юритувида бўлса, фақат ўша терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсати асосида ижозат беради, ҳимоячи билан учрашув бундан мустасно»;

20) **353-модданинг биринчи қисмидаги** «238» рақами «239» рақами билан алмаштирилсин;

21) **384-модданинг 10-банди** «барча важлар текширилганлигини ва ҳимоянинг илтимосномалари кўриб чиқилганлигини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

си палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **197¹-модда** билан тўлдирилсин:

«197¹-модда. Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш

Адвокат сўровига жавоб тақдим этмасликда ифодаланган адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, шунингдек адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш ёки ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида адвокатга қандай шаклда бўлмасин таъсир ўтказиш —

энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «197» рақамидан кейин «197¹» рақами билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Адвокатура тўғрисида**»ги 349–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3-модда. Адвокат

Олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) белгиланган тартибда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Адвокат илмий ва педагогик фаолиятдан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги (бундан буён матнда Адвокатлар палатаси деб юритилади) ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас»;

2) қуйидаги мазмундаги **3¹-модда** билан тўлдирилсин:

«3¹-модда. Адвокат мақомига эга бўлиш

Лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан буён матнда адлия органлари деб юритилади) томонидан тегишли малака комиссияларининг қарорлари асосида берилади.

Лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс (бундан буён матнда талабгор деб юритилади) юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши, шу жумладан адвокатлик тузилмасида (адвокатлик бюросида, адвокатлик фирмасида, адвокатлар ҳайъатида, юридик маслаҳатхонада)

камида олти ой муддат стажировка ўтаган бўлиши керак ҳамда малака имтиҳонини топшириши шарт.

Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгор уни такроран топширишга камида бир йилдан кейин қўйилади.

Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор лицензия олиш учун тегишли адлия органига уч ой ичида мурожаат қилиши керак. Бу муддатни ўтказиб юборган талабгор лицензия олиш учун адлия органига малака имтиҳонини такроран топширганидан кейингина мурожаат қилиши мумкин.

Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Белгиланган тартибда лицензия олган талабгор уч ой ичида адвокат қасамёдини қабул қилиши ва якка тартибда ёки лицензияга эга бўлган бошқа шахслар билан биргаликда адвокатлик тузилмасини тузиши ёхуд фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмаларидан бирига кириши шарт.

Талабгорга адвокатлик гувоҳномаси адвокатлик тузилмаси рўйхатдан ўтказилган ёки талабгорнинг фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмасига кирганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар адлия органи томонидан олинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида берилади.

Талабгор адвокатлик гувоҳномаси берилган кундан эътиборан адвокат мақомини олади, Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси адлия органи томонидан бу ҳақда уч кунлик муддатда хабардор қилинади. Шундай хабарнома олинган пайтдан эътиборан адвокат Адвокатлар палатасининг аъзоси бўлади»;

3) **4-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Адвокатура ўз фаолиятини қонун устуворлиги, мустақиллик ва бошқа демократик принциплар асосида амалга оширади.

Белгиланган тартибда лицензия олган шахс адвокатлик фаолиятини ўз адвокатлик бюросини очиб, якка тартибда амалга оширишга ёхуд бошқа адвокатлар (шериклар) билан адвокатлик фирмасини ёки аъзоликка асосланган адвокатлар ҳайъатини тузишга ёхуд фаолият кўрсатаётган шундай адвокатлик тузилмаларидан бирига киришга ёки юридик маслаҳатхонада ишлаган ҳолда адвокатлик фаолиятини амалга оширишга ҳақли. Адвокат ўз фаолиятини фақат битта адвокатлик тузилмасида амалга оширишга ҳақли.

Адвокатлик бюrolари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Адвокатлик тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, тузилмаси, штатлари, вазифалари, маблағларни сарфлаш тартиби, раҳбар органларининг ваколатлари, уларни сайлаш тартиби ҳамда адвокатлик тузилмалари фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар уларнинг уставлари (низомлари), таъсис шартномалари билан тартибга солинади.

Адвокатлик бюrolари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатлари улар рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади. Юридик маслаҳатхона ҳисобга олинган кундан эътиборан ўз фаолиятини амалга оширишга ҳақли.

Адвокатлик тузилмалари фуқаролар ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатганлик учун улардан тушадиган пул маблағлари (даромадлар) ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан таъминот олади.

Адвокатлар қонунда белгиланган тартибда адвокатларнинг жамоат бирлашмаларини тузиши мумкин»;

4) қуйидаги мазмундаги **4¹ — 4⁴-моддалар** билан тўлдирилсин:

«4¹-модда. Адвокатлик бюроси

Адвокатлик бюроси адвокатлик фаолиятини яқка тартибда амалга ошириш учун адвокат томонидан таъсис этилган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмасидир.

Адвокатлик бюросининг таъсис ҳужжати муассис томонидан тасдиқланадиган уставдир.

4²-модда. Адвокатлик фирмаси

Адвокатлик фирмаси шерикликка асосланган ва адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун адвокатлар томонидан таъсис этилган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмасидир.

Адвокатлик фирмасининг таъсис ҳужжати унинг муассислари томонидан тасдиқланадиган уставдир.

Адвокатлик фирмасини таъсис этган адвокатлар оддий ёзма шаклда ўзаро шериклик шартномасини тузади. Шериклик шартномасига кўра адвокатлар — шериклар барча шериклар номидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мажбуриятини олади.

Шериклик шартномасида унинг амал қилиш муддати, шериклар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, бошқарувчи шерикни сайлаш тартиби, унинг ваколатлари ва бошқа муҳим шартлар кўрсатилади.

Адвокатлик фирмасининг умумий ишларини юритиш, агар шериклик шартномасида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, бошқарувчи шерик томонидан амалга оширилади. Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги битим (шартнома) бошқарувчи шерик ёки барча шериклар номидан улар берган ишончномалар асосида бошқа шерик томонидан тузилади. Ишончномаларда ишонч билдирувчи шахслар (ҳимоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар билан битимлар (шартномалар) ҳамда келишувлар тузаётган шерик ваколатларининг барча чекловлари кўрсатилади. Мазкур чекловлар ишонч билдирувчи шахслар (ҳимоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар эътиборига етказилади.

Шериклик шартномаси қуйидаги ҳолларда тугатилади:

шериклик шартномасининг амал қилиш муддати тугаганда;

шериклардан бири бўлган адвокатнинг мақоми тугатилганда ёки тўхтатиб турилганда, агар шериклик шартномасида бошқа шериклар ўртасидаги муносабатларда ушбу шартноманинг кучда қолиши назарда тутилмаган бўлса;

шериклардан бирининг талабига кўра шериклик шартномаси бекор қилинганда, агар шериклик шартномасида бошқа шериклар ўртасидаги муносабатларда ушбу шартноманинг кучда қолиши назарда тутилмаган бўлса.

Шериклик шартномаси тугатилган пайтдан эътиборан унинг иштирокчилари ишонч билдирувчи шахсларга (ҳимоя остидаги шахсларга) ва учинчи шахсларга нисбатан ижро этилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар тартибда жавобгар бўладилар.

Шериклардан бири шериклик шартномасидан чиққанда у ўзи юридик ёрдам кўрсатган барча ишлар бўйича иш юритишни бошқарувчи шерикка топшириши шарт.

Шериклик шартномасидан чиққан адвокат шериклик шартномасида ўзи иштирок этган даврда юзага келган умумий мажбуриятлар бўйича ишонч билдирувчи шахслар (ҳимоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади.

Шериклик шартномаси тугатилганидан кейин адвокатлар янги шериклик шарт-

номасини тузишлари шарт. Агар янги шериклик шартномаси аввалги шериклик шартномасининг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан бир ой ичида тузилмаса, адвокатлик фирмаси адвокатлик тузилмасининг бошқа шаклига ўзгартирилиши ёки тугатилиши керак.

Шериклик шартномаси тугатилган пайтдан эътиборан ва адвокатлик фирмаси адвокатлик тузилмасининг бошқа шаклига ўзгартирилгунига қадар ёхуд янги шериклик шартномаси тузилгунига қадар адвокатлар юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битимлар (шартномалар) тузишга ҳақли эмас.

4³-модда. Адвокатлар ҳайъати

Адвокатлар ҳайъати аъзоликка асосланган ва адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун адвокатлар томонидан таъсис этилган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмасидир.

Адвокатлар ҳайъатининг таъсис ҳужжатлари унинг муассислари томонидан тасдиқланадиган устав ҳамда улар томонидан тузиладиган таъсис шартномасидир.

Таъсис шартномасида муассислар адвокатлар ҳайъатига ўз мол-мулкни ўтказиш шартларини, ушбу ҳайъат фаолиятида иштирок этиш тартибини, адвокатлар ҳайъатига янги аъзоларни қабул қилиш, муассисларнинг (аъзоларнинг) унинг таркибидан чиқиш тартиби ва шартларини, шунингдек адвокатлар ҳайъати муассисларининг (аъзоларининг) ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Адвокатлар ҳайъатлари таркибидаги аъзолар сони ўнтадан кам бўлмаслиги керак.

Адвокатлар ҳайъатида юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимлар (шартномалар) адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузилади ҳамда адвокатлар ҳайъатининг ҳужжатларида рўйхатдан ўтказилади.

Адвокатлар ҳайъати юридик ёрдам кўрсатиш учун ўзи турган ердан ташқарида жойлашган филиаллар тузишга ҳақли.

4⁴-модда. Юридик маслаҳатхона

Юридик маслаҳатхона — адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этиладиган ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган адвокатлик тузилмаси.

Юридик маслаҳатхона тегишли ҳудудда юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжларни қаноатлантириш учун адвокатлик тузилмаларининг сони етарли бўлмаган ҳолларда Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилади.

Тегишли ҳудудлардаги юридик ёрдамга бўлган эҳтиёж Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатаси томонидан тасдиқланадиган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Юридик маслаҳатхонанинг моддий-техника таъминоти тартиби ва шартлари, юридик маслаҳатхоналарга ишлаш учун юборилган адвокатлар учун хизмат хоналари ва зарурат бўлганда, турар жойлар ажратиш билан боғлиқ масалалар Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан туман, шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ҳал қилинади.

Юридик маслаҳатхона Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси томонидан тасдиқланадиган низомга асосан иш олиб боради»;

5) 6-модда:

биринчи қисмининг тўртинчи — саккизинчи хатбошилари қуйидаги мазмундаги **тўртинчи — ўн иккинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини қонун ҳужжатла-

рида белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ҳамда бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумотнома-маслаҳатларини ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) розилиги билан сўраш ва олиш;

ишга тааллуқли ахборотдан хабардор бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ва уларнинг розилиги билан ёзма тушунтириш олиш;

тўпланган материалларни ўз ишонч билдирувчи шахсининг (ҳимоя остидаги шахснинг) иши юзасидан иш юритаётган судларга ва бошқа давлат органларига тақдим этиш;

адвокат юридик ёрдам кўрсатаётган ишдаги зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш, бунда давлат сирлари, тижорат сири ёки бошқа сирни ўз ичига олган ахборотни ошкор қилмаслик;

ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан махфийлик таъминланган шароитларда (шу жумладан уни қамоқда сақлаб туриш даврида), учрашувларнинг сони ва уларнинг давом этиш вақти чекланмаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда холи учрашиш;

мансабдор шахсларга илтимосномалар билдириш ва шикоятлар бериш ҳамда улардан ёзма шаклда асослантирилган жавоблар олиш;

ўзининг касбга оид мулкӣ жавобгарлик хавфини суғурта қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳаракатларни бажариш»;

иккинчи қисми «ёрдамчига» деган сўздан кейин «ва стажёрга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) 7-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Адвокат ўз профессионал фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига, Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасам-ёдига риоя этиши, ўзига юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ҳамда усулларида фойдаланиши шарт.

Адвокат муайян иш бўйича юридик ёрдам кўрсатаётган ёки илгари юридик ёрдам кўрсатган шахсларнинг манфаатлари ишни олиб боришни сўраб мурожаат этган шахснинг манфаатларига зид келган ёки у судья, прокурор, терговчи, суриштирув ўтказувчи шахс, жамоат айбловчиси, суд мажлиси котиби, эксперт, мутахассис, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили, гувоҳ, холис, таржимон сифатида иштирок этган ҳолларда, шунингдек агар ишни дастлабки тергов қилишда ёхуд судда адвокатнинг қариндоши бўлган мансабдор шахс иштирок этган ёки иштирок этаётган бўлса, худди шунингдек агар адвокат бевосита ёки билвосита шу ишдан шахсан манфаатдор бўлса бу ҳол унга ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) манфаатларига зид келса, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни қабул қилишга ҳақли эмас.

Адвокат қайси шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш топшириғини олган бўлса, ўз ваколатларидан шу шахснинг зарарига фойдаланишга ҳамда гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини ҳимоя қилишдан бош тортишга, агар уни бундан ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) ўзи озод этмаса, ҳақли эмас.

Адвокат ўз билимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, Адвокат-

лар палатаси томонидан белгиланган тартибда уч йилда камида бир марта касбий малакасини ошириши шарт.

Жиноят ишида иштирок этишга тайинланган адвокат фуқаронинг тўловга қобилиятсизлигини важ қилиб, унга юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Адвокат давлат хизматида туриши мумкин эмас;

7) **8-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Адвокатлар палатаси билан келишилган ҳолда белгиланади»;

8) қуйидаги мазмундаги **8¹-модда** билан тўлдирилсин:

«8¹-модда. Адвокатнинг стажёри

Камида уч йиллик иш стажига эга бўлган адвокат стажёрга эга бўлишга ҳақли. Олий юридик маълумотга эга бўлган шахс адвокатнинг стажёри бўлиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс адвокатнинг стажёри бўлиши мумкин эмас.

Стажировка адвокатлик тузилмасида ўталади. Адвокатнинг стажёри ўз фаолиятини адвокат раҳбарлигида, унинг алоҳида топшириқларини бажарган ҳолда амалга оширади. Стажёр адвокатлик фаолияти билан мустақил равишда шуғулланишга ҳақли эмас.

Адвокат стажёрининг меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Адвокатлар палатаси билан келишилган ҳолда белгиланади»;

9) **9-модданинг:**

биринчи қисмидаги «мижоз» деган сўз «ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми «адвокат ёрдамчиси» деган сўзлардан кейин «адвокат стажёри» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) қуйидаги мазмундаги **9¹-модда** билан тўлдирилсин:

«9¹-модда. Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)

Адвокатлик фаолияти адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузиладиган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан адвокат ўртасида ишонч билдирувчи шахсининг (ҳимоя остидаги шахсининг) ўзига ёки у тайинлаган шахсга юридик ёрдам кўрсатиш учун оддий ёзма шаклда тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномадан иборатдир.

Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимни (шартномани) бекор қилиш масалалари, агар ушбу Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Адвокат, унга қайси адлия органи томонидан гувоҳнома берилганлигидан қатъи назар, ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимни (шартномани), унинг яшаш жойи ёки жойлашган еридан қатъи назар, тузишга ҳақли.

Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимнинг (шартноманинг) муҳим шартлари қуйидагилардан иборат:

топшириқни бажаришни ишончли вакил сифатида ўз зиммасига олган адвокат ҳақидаги, унинг гувоҳномаси реквизитлари кўрсатилган ҳолдаги маълумотлар;

топшириқнинг предмети;

кўрсатилаётган юридик ёрдам учун ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан ҳақ тўлаш шартлари;

адвокатнинг топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш тартиби ва миқдори;

топшириқни бажаришни ўз зиммасига олган адвокат жавобгарлигининг миқдори ва хусусияти.

Адвокатнинг ҳақ олиши ҳамда топшириқни бажариши билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш ҳуқуқи ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) махсус рухсатисиз учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан адвокатга тўланадиган ҳақ ва адвокатнинг топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимда (шартномада) назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тегишли адвокатлик тузилмасининг кассасига кириш қилиниши ёки адвокатлик тузилмасининг банкдаги ҳисобварағига ўтказилиши шарт»;

11) 11-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Адвокатларнинг меҳнатига жисмоний ва юридик шахслардан уларга юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун адвокатлик тузилмаларига келиб тушган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади. Маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, Адвокатлар палатасининг юридик маслаҳатхонани ташкил этган ҳудудий бошқармаси ушбу юридик маслаҳатхонанинг таъминоти учун қўшимча маблағлар ажратади»;

иккинчи қисмидаги «мижоз» деган сўз «ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) қуйидаги мазмундаги **12¹ — 12⁴-моддалар** билан тўлдирилсин:

«12¹-модда. Адвокатлар палатаси

Адвокатлар палатаси Ўзбекистон Республикаси барча адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган нотижорат ташкилотидир.

Адвокатлар палатаси ўзининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий бошқармалари билан биргалликда адвокатларнинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этади.

Адвокатлар палатаси адвокатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашмаслик принципи асосида фаолият кўрсатади.

Адвокатлар палатасининг вазифалари ва ваколатларига ўхшаш вазифалар ва ваколатларга эга бўлган бошқа ташкилотларни ташкил этишга йўл қўйилмайди.

Адвокатлар Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, адвокатларнинг мажбуриятлари бўйича эса, Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари жавоб бермайди.

Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар учун мажбурийдир.

Адвокатлар палатаси фаолиятини молиялаштириш Адвокатлар палатаси Кон-

ференцияси томонидан миқдори белгиланадиган кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

12²-модда. Адвокатлар палатасининг асосий вазифалари

Адвокатлар палатасининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

адвокатлик тузилмаларининг фаолиятини марказлаштирилган ҳолда мувофиқлаштириб бориш;

адвокатурани янада ривожлантиришга, унинг обрў-эътиборини оширишга, адвокатуранинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ролини кучайтиришга қўмаклашиш;

аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот чора-тадбирларни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлитлигини ҳамда қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлашга доир таклифлар киритиш;

адвокатура фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, улар юзасидан таклифлар тайёрлаш;

адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

адвокатларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ таъқиблардан, чеклашлар ва тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

адвокатларнинг касбий тайёргарлиги ва малака оширишини ташкил этиш;

аҳолининг юридик ёрдамдан фойдалана олиш имкониятини туманлар ва шаҳарларда юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш орқали таъминлаш;

адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, адвокатларнинг ижобий иш тажрибасини оммалаштириш, адвокатлик тузилмаларига услубий ёрдам кўрсатиш;

адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига, Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Адвокатлар палатаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12³-модда. Адвокатлар палатасининг органлари ва мансабдор шахслари

Адвокатлар палатасининг Конференцияси палатанинг юқори органи бўлиб, камида беш йилда бир марта чақирилади.

Адвокатлар палатаси Бошқаруви Адвокатлар палатасининг адвокатлар орасидан сайланадиган ижро этувчи органи бўлиб, палатанинг фаолиятига жорий раҳбарликни амалга оширади.

Адвокатлар палатасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақдимномасига биноан Адвокатлар палатасининг Конференцияси томонидан ушбу Конференция сайлаган Адвокатлар палатаси Бошқаруви аъзолари орасидан беш йил муддатга сайланади.

Адвокатлар палатасининг раисини лавозимидан муддатидан олдин чақириб олиш Адвокатлар палатасининг уставида белгиланган ҳолларда Ўзбекистон Республика-

си Адлия вазирлигининг тақдимномасига биноан Адвокатлар палатасининг Конференцияси томонидан амалга оширилади.

Адвокатлар палатасининг тафтиш комиссияси Адвокатлар палатасининг молиявий назорат органи ҳисобланади ва адвокатлар орасидан сайланади.

12⁴-модда. Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари

Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари юридик шахс бўлиб, Адвокатлар палатаси томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида фаолият кўрсатади.

Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаларининг раҳбарлари Адвокатлар палатасининг раиси томонидан лавозимга (тегишли ҳудудда фаолият кўрсатаётган адвокатлар орасидан) тайинланади ва лавозимдан озод қилинади»;

13) 13-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Зарур билимлар ва касбий малакаларга эга бўлган шахсларга лицензиялар бериш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, адвокат қасамёдини қабул қилиш мақсадида, шунингдек адвокатларга нисбатан интизомий иш юритишни олиб бориш учун Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузурида малака комиссиялари тузилади.

Малака комиссиялари Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаларининг ва адлия органларининг қўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда адлия органлари ходимларидан тенг миқдорда тузилади.

Малака комиссияларининг қарорлари устидан келтирилган шикоятларни кўриб чиқиш, малака комиссияларининг иш тажрибасини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун Адвокатлар палатаси ҳузурида Олий малака комиссияси тузилади. Олий малака комиссиясининг таркиби Адвокатлар палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қўшма қарорлари билан адвокатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимларидан тенг миқдорда тасдиқланади.

Малака комиссияларининг ваколатлари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Адвокатлар палатаси билан келишилган ҳолда белгиланади»;

14) қуйидаги мазмундаги 13¹-модда билан тўлдирилсин:

«13¹-модда. Адвокат мақомини тўхтатиб туриш

Адвокат мақомини тўхтатиб туриш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

адвокат адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бориб бўлмайдиган доимий лавозимга сайланганда ёки тайинланганда — иш даврига;

адвокат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилганда — бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарор суд томонидан бекор қилингунига қадар бўлган даврга;

адвокат ҳарбий хизматга чақирилганда — ҳарбий хизматни ўташ даврига;

суд томонидан адвокатга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинганда, агар суднинг мазкур қарори ушбу Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ лицензиянинг амал қилишини тугатиш учун асос бўлмаса, — тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд томонидан бекор қилингунига қадар ёки ўзгартирилгунига қадар бўлган даврга;

ушбу Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилганда — лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган даврга;

адвокатлик тузилмаси тугатилганда ёки адвокат ундан чиққанида — адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик

тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга.

Адвокатлик мақомини тўхтатиб туриш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан адвокат мақоми тўхтатилади.

Адлия органи уч кунлик муддат ичида адвокатнинг гувоҳномасини олиб қўяди, бундан адвокат бедарак йўқолган деб топилган ҳол мустасно ва Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига адвокат мақоми тўхтатилганлиги ҳақида хабар беради. Адвокат мақомининг тўхтатиб турилиши адвокатнинг Адвокатлар палатасига аъзолиги тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

Адвокат мақомининг тўхтатиб турилиши мазкур адвокатга нисбатан қонунда назарда тутилган қафолатларнинг амал қилиши тўхтатилишига олиб келади, ушбу Қонун 10-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг қафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган қафолатлар бундан мустасно.

Адвокат мақоми тўхтатиб турилган шахс адвокат мақомини тўхтатиб туриш учун асос бўлган ҳоллар тугатилганидан кейин уч ой ичида адвокатлик фаолиятига киришиши керак. Мазкур талабни бажармаслик лицензиянинг амал қилиши ушбу Қонуннинг 16-моддасида белгиланган тартибда тугатилишига сабаб бўлади»;

15) **14 — 16-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14-модда. Адвокатнинг интизомий жавобгарлиги

Адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди бузилганлиги унга нисбатан интизомий чоралар қўлланилишига сабаб бўлади.

Интизомий иш юритиш Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси ёки адвокатга гувоҳнома берган адлия органи томонидан кўзғатилади.

Интизомий иш юритишни кўзғатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сирининг ва адвокат қасамёдининг адвокат томонидан бузилиши Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ёки адлия органи томонидан аниқланганлиги;

адвокатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари;

суднинг адвокатга нисбатан чиқарган хусусий ажрими.

Интизомий иш юритишни кўриб чиқиш натижалари бўйича адвокатга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

огоҳлантириш (малака комиссиясининг қарорига асосан);

лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш (ушбу Қонун 15-моддаси биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларига мувофиқ);

лицензиянинг амал қилишини тугатиш (ушбу Қонун 16-моддаси биринчи қисмининг тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи хатбошиларига мувофиқ).

Малака комиссияси томонидан қарор қабул қилинганга қадар адвокат интизомий иш кўзғатилишига сабаб бўлган шикоятни берган шахс билан ярашув чораларини кўришга ҳақли.

Адвокатлик тузилмалари меҳнат интизомини бузганлик учун адвокатга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли.

15-модда. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

адвокат жиноий жавобгарликка тортилганда, у айбланувчи тариқасида жалб этилган пайтдан бошлаб ва суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар;

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди бузилганлиги аниқланганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармасининг ёки адлия органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган, шу жумладан адвокатнинг зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юклайдиган қарорлари адвокат томонидан бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда (малака комиссиясининг қарорига асосан).

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати олти ойдан ошиши мумкин эмас, адвокат жиноят ишида иштирок этишга айбланувчи тариқасида жалб қилинган ҳол бундан мустасно. Лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни, агар улар бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлмаса, кўрсатилган муддатда бартараф этиши шарт.

Адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокат мақомининг тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

16-модда. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

адвокат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда, агар ишонч билдирувчи шахс (химоя остидаги шахс) бунга талаб қилса, илгари қабул қилинган топшириқни бажариб бўлганидан сўнг;

агар талабгор лицензия бериш учун қарор қабул қилинганлиги тўғрисида билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичида лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни адлия органига тақдим этмаган бўлса;

ушбу Қонун 3¹-моддасининг олтинчи қисмида ва 13¹-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган талаблар бажарилмаганда;

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда;

лицензия бериш тўғрисидаги қарорнинг ғайриқонуний эканлиги аниқланганда; адвокатнинг муомала лаёқати чекланганда ёки у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ҳақидаги айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

касбига доир вазифаларини уч ой ичида узрсиз сабабларга кўра бажармаганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди мунтазам

равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганда, адвокатнинг шаъни ва кадр-ким-матига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган муддатларда бартараф этмаганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

адвокат Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

адвокат вафот этганда ёки суднинг уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирганда.

Лицензиянинг амал қилиши суднинг қарорига кўра ҳам тугатилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан амалга оширилади.

Адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш адвокат мақомининг тугатилишига сабаб бўлади.

Адлия органи уч кунлик муддатда Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасини адвокат мақомининг тугатилганлиги ҳақида хабардор қилади, шунингдек тегишли хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Адвокат мақомининг тугатилиши адвокатнинг Адвокатлар палатасига аъзолиги тугатилишига сабаб бўлади.

Ушбу модда биринчи қисмининг ўнинчи ва ўн биринчи хатбошларида назарда тутилган асосларга кўра лицензиясининг амал қилиши тугатилган шахс уч йил мобайнида талабгор бўлишга ҳақли эмас»;

16) **17-модданинг** матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

адвокатлик тузилмалари ва Адвокатлар палатасининг фаолиятига кўмаклашади;

адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни ўрганади;

адвокатларнинг малакасини оширишга доир тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади;

адвокатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек адвокатлик тузилмалари томонидан таъсис ҳужжатларига, уставда белгиланган фаолиятига, қайта рўйхатдан ўтиш ва тугатиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

адвокатлик гувоҳномасининг шаклини ва уни бериш тартибини тасдиқлайди; ордер шаклини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳаммининг фойдаланиши учун очик бўлган Адвокатларнинг йиғма давлат реестрини юритади. Адлия органлари адвокатларнинг тегишли давлат реестрларини юритади. Адвокатларнинг йиғма давлат реестрини ҳамда адвокатларнинг давлат реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотно-

маси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда) **10-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«10-модда. Юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш

Маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан холи учрашувлар маҳкумларга уларнинг аризасига ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра берилади.

Адвокат билан учрашувни маҳкумнинг ўзи рад этганлиги сабабли адвокатнинг маҳкум юридик ёрдам олиши учун у билан учрашув берилиши тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилганлиги адвокат маҳкум билан холи суҳбатлашганидан кейин тасдиқланиши керак, бу ҳақда баённома тузилиб, у маҳкум, адвокат ва жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг вакили томонидан имзоланади.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари ушбу Кодексда белгиланган учрашувлар сони ҳисобига кирмайди, бундай учрашувлар сони ва муддати чекланмайди.

Юридик ёрдам кўрсатилаётганда адвокат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг, прокурорнинг, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят бериш;

жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятдан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраб олиш.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлар ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги 721–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 12-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модданинг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига қатъий риоя этиш»;

2) **4-модданинг:**

тўртинчи қисми:

тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

олтинчи қисми тўртинчи хатбошисидаги «ваколат берувчининг, ўз ҳимоясидаги шахснинг» деган сўзлар «ишонч билдирувчи шахснинг (ўз ҳимояси остидаги шахснинг)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **6-модда:**

учинчи қисмидаги «ёки қамоққа олиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси адвокатга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг илтимосномасига кўра жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланилиши мумкин»;

тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **7-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «унинг ёрдамчисидан» деган сўзлар «унинг ёрдамчисидан ва стажёридан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Адвокатлик фаолиятини амалга оширишда бирон-бир махсус рухсатнома (ордер ва адвокат гувоҳномасидан ташқари) талаб қилиш ёки бошқа тўсиқлар вужудга келтириш ман этилади»;

тўртинчи қисмидаги «ваколат берувчининг ёхуд ўз ҳимоясидаги шахснинг» деган сўзлар «ишонч билдирувчи шахснинг (ўз ҳимояси остидаги шахснинг)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **10-модданинг:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10-модда. Адвокатнинг ҳаётини ва соғлигини муҳофаза қилиш»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

6) **12-модданинг иккинчи қисмидаги** «республика адвокатлар жамоат бирлашмаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин».

7-модда. Ушбу Қонун кучга кирган кунда фаолият кўрсатаётган адвокатлик бюролари, ҳайъатлари ва фирмалари, шунингдек уларда ишлаётган адвокатлар адвокатлик бюролари, ҳайъатлари ва фирмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, лицензияларини ҳамда адвокат мақомларини олти ой ичида ушбу Қонунга мувофиқлаштириши шарт.

Ушбу Қонун кучга кирган кунда адвокатлик бюролари, ҳайъатлари ва фирмаларида адвокат бўлиб ишламаётган шахслар томонидан олинган лицензияларнинг амал қилиши тугатилган ҳисобланади.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 31 декабрь,
ЎРҚ-198-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**515 Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий
макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети
параметрлари тўғрисида****[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети тўғрисида» 2008 йил 4 декабрдаги 570-1-сон қарорига мувофиқ:

1. Куйидагилар:

2009 йилда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети асосий параметрлари 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг, Республика йўл жамғармасининг, бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг 2009 йилги асосий параметрлари 3 — 6-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2009 йилги Давлат бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,0 фоиз миқдорида белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш республика бюджети маблағларининг 2009 йил бошидаги бўш қолдиқлари ва бошқа қадрсизланмайдиган манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. 2009 йил учун:

юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкалари 7-иловага* мувофиқ; жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари 8-иловага* мувофиқ;

ягона солиқ тўлови ставкалари 9-1, 9-2 ва 9-3-иловаларга* мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича юридик ва жисмоний шахсларга белгилаб қўйилган солиқ ставкалари 10-иловага* мувофиқ;

юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар)га белгилаб қўйилган солиқ ставкалари 11-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси резидентларига дивидендлар ва фоизлар тарзида тўланадиган даромад солиғи ставкалари 10 фоиз миқдорида;

қўшилган қиймат солиғи ставкалари 20 фоиз миқдорида;

* 1—6-иловалар берилмайди.

** 7—11-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

республикада ишлаб чиқариладиган ва рўйхат бўйича четдан келтириладиган товарларга акциз солиғи ставкалари 12-1 ва 12-2-иловаларга* мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 13-иловага* мувофиқ;

ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 14-иловага* мувофиқ;

айрим турдаги маҳсулотлар бўйича ортиқча фойдадан солиқ ставкалари 15-иловага* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи ставкалари 16 ва 17-иловаларга* мувофиқ;

юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари 18-иловага* мувофиқ;*

ягона ер солиғи ставкалари 19-иловага* мувофиқ;

маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари 20-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар ставкалари 21 ва 22-иловаларга* мувофиқ;

23-иловада* белгиланган солиққа тортиш объектларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари бир фоиз миқдорида;

маблағларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида 24-иловада* келтирилган нормативларга мувофиқ тақсимлаган ҳолда ягона ижтимоий тўлов ставкаси 24 фоиз миқдорида;

фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига уларнинг меҳнат ҳақи даромадларидан мажбурий суғурта бадаллари ставкаси 3,5 фоиз миқдорида тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Республика йўл жамғармасининг прогностдан ортиқ даромадларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига йўналтириш ҳуқуқи берилсин.

5. Қўйидагилар:

жисмоний шахсларнинг микрофирма ва кичик корхоналарни таъсис этишдан олинадиган дивиденд тарзидаги даромадлари;

юридик шахсларнинг капиталлаштиришга, инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилган маблағлари 5 йил муддатга солиққа тортишдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда мазкур имтиёزلарни қўллаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Белгилансинки:

ягона солиқ тўловидан тушумлар Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган миқдорларда тақсимланади;

Ўзбекистон Республикасининг инвесторлар билан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битим доирасида маҳсулотни сотишдан олинадиган даромадлари Давлат бюджетига ўтказилади;

* 12-2 —24-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

хўжалик юритувчи субъектларга, истисно тариқасида, 2009-2010 йилларда амортизация ажратмаларини белгиланган нормалардан паст бўлган ҳолда, қўшиш, улар ишлаб чиқараётган» маҳсулотнинг жаҳон нархлари таннархдан ҳам тушиб кетган ҳолларда эса — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда амортизация ажратмаларини 6 ой муддатга тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилади;

ўзлари ишлаб чиқарган товарларни таннархдан паст нархда эркин алмаштириладиган валютага экспорт қиладиган корхоналар учун, солиққа тортиш мақсадида сотишдан тушадиган тушум миқдори экспорт товарлари сотилган ҳақиқий нархдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7. Ягона ижтимоий тўловлар тўлиқ тушишини таъминлаш учун 2009 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра ягона ижтимоий солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш меҳнат ҳақи фондининг 24 фоизи, лекин:

барча хўжалик юритувчи субъектлар учун (фермер хўжаликлари бундан мустасно) ҳар бир ходим ҳисобига энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

фермер хўжаликлари учун ҳар бир ходим ҳисобига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органларига белгиланган тартибга риоя қилинмаган тақдирда тўловчининг ихтиёрида қолаётган фойда ҳисобидан ягона ижтимоий тўловни унинг белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўлиқ ундириб олиш ҳуқуқи берилсин.

8. 2009 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ аввал хусусийлаштирилган корхоналар — сотилган товралари (ишлар, хизматлар) ҳажми сўнгги икки чоракда объектив сабабларсиз, солиқ органлари томонидан белгиланган тартибда жорий этилган мулк ва ер солиғининг мўлжалдаги ўн карра миқдоридан камроқ суммани ташкил этган ягона солиқ тўловчилар солиқ органи билдиришномаси орқали умумжорий этилган солиққа тортиш режимига ўтадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда мазкур корхоналарни умумжорий этилган солиққа тортиш режимига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

9. Валюта тушумидан 50 фоизини мажбурий сотишнинг амалдаги тартиби газ экспорти ва транзитини амалга оширувчи барча корхоналарга (маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим доирасида ўз фаолиятини амалга оширувчи инвесторлар бундан мустасно) татбиқ этилсин, олинadиган маблағлар биринчи навбатда бюджетга, мақсадли давлат жамғармаларига ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига тўловлар бўйича қарзларни тўлашга йўналтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ўн кун муддатда Газ экспорти ва транзитидан тушган валюта тушумларини сотишдан олинган маблағларни тақсимлаш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

13. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг барча даражалардаги маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларнинг Давлат бюджетдаги улушини кўпайтириш мақсадида қўйидаги умумдавлат солиқлари:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ;

юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ;

республикада ишлаб чиқариладиган пиво ва ўсимлик ёғига акциз солиғи бўйича тушумлар тўлиқ миқдорда маҳаллий бюджетлар даромадларига ўтказилсин.

14. 2009 йил учун:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромад ва харажат ҳажмлари, республика бюджетидан дотациялар ва мақсадли субвенцияларнинг чекланган миқдорлари 25-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига умумдават солиқлари тушумларидан ажратмалар нормативлари 26-иловага* мувофиқ;

республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг нақд пул касса айланмасининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 27-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда жойларда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва амалда ишлаб турганларини ривожлантириш, кичик ва хусусий бизнес ривожлантирилишини рағбатлантириш йўли билан аҳоли бандлигини ошириш, шунингдек бюджет ташкилотларининг харажатлари ва тармоқларини мақбуллаштиришни назарда тутган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг дотацияга муҳтожлигини камайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни давом эттирсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

тегишли бюджетларга дотациялар, мақсадли субвенциялар ва бюджет ссудалари (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) ажратишда уларнинг миқдорларини ҳудудлар бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек Давлат бюджетининг биринчи навбатдаги харажатларини (ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи, стипендиялар, нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловларни) сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштириш;

республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва Андижон, Жиззах, Самарқанд ҳамда Хоразм вилоятлари маҳаллий бюджетларига бериладиган даромадларнинг тасдиқланган ҳажмларига ушбу ҳудудларда шаклландиган солиқ тушумларини ҳисобга олиб, даромадлар ва харажатлар ўртасида вужудга келадиган касса бўйича тафовутларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш орқали тартибга солган ҳолда аниқлаштиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

16. 2009 йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари миқдорлари 28-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

17. Белгилансинки, 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси номидан ёки унинг кафолати остида жалб қилинган хорижий кредитлар ҳажми 2008 йилдаги хорижий кредитлар бўйича асосий қарзни тўлаш ҳажмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2009 йилда бир нафар ўқувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача тарбия болалар муассасалари, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларининг бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартиби, ихчам мактабгача тарбия умумтаълим муассасала-

* 25 — 28-иловалар берилмайди.

рини қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда, Наманган, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари муассасаларига татбиқ этилсин ҳамда бюджетни режалаштириш ва харажатларни молиялаштиришнинг янги тартиби билан қамраб олинмаган ҳар бир бюджет ташкилотига молиялаштириш меъёрлари етказилиши таъминлансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фанлар академияси, Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитаси, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2009 йилги Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган бюджет маблағлари ҳисобидан илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда, 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб, ходимларнинг аниқ илмий ва меҳнат ҳиссасига қараб, олий таълим тизими ходимлари учун белгиланган иш ҳақи миқдорларини ҳисобга олган ҳолда илмий ходимларнинг иш ҳақи оширилишини таъминласин.

22. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб болаликдан ногиронларга нафақаларни, уларнинг жойлардаги ижтимоий таъминот органлари орқали тайинланиши ва тўланиши тартибини сақлаб қолган ҳолда республика бюджетидан молиялаштирилишини таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2009 йилдан бошлаб 29-иловадаги* рўйхатга мувофиқ давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар даромадлари ва харажатларининг фазначилик ижроси механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

24. 2008 йилги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети асосий параметрларини қуйидаги ҳажмларда аниқлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

Давлат бюджети даромадлари 8559,7 млрд. сўм, харажатлари — 8196,1 млрд. сўм миқдориди (шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига дотациялар 194,5 млрд. сўм миқдориди), бюджет профицити ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,0 фоиз бўлган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг касса айланмаси нақд суммаси нормативлари 2009 йилнинг 1 январигача республика бюджети маблағлари ҳисобига 160,0 млрд. сўм миқдориди бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлигининг Фазначилиги бюджет ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда 2009 йилнинг январь ойида, ўтказилган операцияларни 2008 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирган ҳолда 2008 йилги Давлат бюджети ижроси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда якуний операциялар ўтказсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ҳар чоракда бажарилишини ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йилги ижросини таҳлил этиш натижалари бўйича, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети асосий параметрларини Давлат бюджетининг белгиланган тақчиллиги доирасида аниқлаштиришга доир таклифлар киритсин.

26. Белгилансинки, 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсияларни ҳисоблаб чиқиш учун мавжуд бўлган узилишлардан қатъи назар, меҳнат фаолиятининг охириги

* 29-илова рус тилидаги матнда берилган.

ўн йили мобайнидаги исталган кетма-кет беш йилнинг (пенсияга муружаат қилганинг танловига кўра) амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини пенсияларни тайинлашдаги самарасиз имтиёزلарни мақбуллаштириш ва пенсия тўлашни тартибга солишни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2009 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 31-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

28. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ҳафта муддатда илгари чиқарилган норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

29. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 декабрь,
ПҚ-1024-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги
ПҚ-1024-сон қарорига
30-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўз кучини
йўқотган қарорлари**

1. 2009 йил 1 январдан — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 майдаги ПҚ-350-сон қарори 3-бандининг бешинчи хатбоши.

2. 2009 йил 1 сентябрдан:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий хизматлари учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 2 октябрдаги 417-сон қарори 2-бандининг иккинчи хатбоши;

Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент Ислон университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1999 йил 6 майдаги 224-сон қарорининг 4-банди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги
ПҚ-1024-сон қарорига
31-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига
2009 йил 1 январдан бошлаб киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлариди, чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалигида қорамол ўстириш билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга пенсиялар тайинлашда меҳнат стажи улар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари бир йилда энг кам ойлик иш ҳақининг камида тўрт ярим баравари миқдориди тўланган тақдирда ҳисоблаб чиқилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон қарори билан тасдиқланган Пахта толасини сотиш ва ташқи савдо компанияларининг «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 35-бандига қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Истисно тариқасида, 2008 йил 1 декабрдан 2009 йил 31 декабргача бўлган даврда тўқимачилик корхоналари узил-кесил ҳисоб-китобларни пахта толаси етказиб берилган санадан бошлаб 120 кун мобайнида амалга оширадилар»;

иккинчи ва учинчи хатбоши тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Жамғарма даромадлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ Жамғармага тўланадиган мажбурий тўловлар (ажратмалар ва йиғимлар) ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар, шу жумладан ихтиёрий бадаллар, хорижий инвестициялар ва кредитлар маблағлари ҳисобига шакллантирилади.

Бунда Жамғарманинг вақтинчалик бўш маблағларини молиявий бозорларда жойлаштиришдан фоизлар тарзида олиннадиган даромадлар солиққа тортилмайди»;

V бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«V. Жамғармага мажбурий ажратмаларни тўлаш, ортиқча
тўланган суммаларни ҳисоблаб қўшиш ва қайтариш тартиби»;**

31-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«31. Мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш, ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ амалга оширилади»; куйидаги тахрирдаги 32-1-банд қўшилсин:

«32-1. Жамғармага мажбурий ажратмаларнинг ортиқча тўланган суммаси тўловнинг ушбу тури бўйича келгусидаги мажбурий ажратмалар ҳисобига қўшилади ёхуд тўловчининг ёзма аризаси асосида тўловчига қайтарилади ёки Жамғармага тўловнинг бошқа тури бўйича боқимандани тўлаш ҳисобига ўтказилади.

Жамғармага мажбурий ажратмалар бўйича ортиқча тўланган суммаларни қайтариш туман (шаҳар) молия органи билан келишилган ҳолда давлат солиқ хизматининг тегишли туман (шаҳар) органи томонидан тўловчининг ҳисоб-китоб рақамига, унинг Жамғармадан бошқа тўловлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, ариза берилган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказишда йиғимлар бўйича ортиқча тўланган суммани қайтариш давлат солиқ хизматининг тегишли туман (шаҳар) органи томонидан, тўловчининг аризаси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тегишли органининг маълумотномаси асосида амалга оширилади. Қайтариш давлат солиқ хизматининг тегишли туман (шаҳар) органининг тўловчининг маблағи ҳисоблаб киритилган транзит ҳисоб рақамидан тўловчининг ҳисоб-китоб рақамига, давлат солиқ хизмати тегишли органининг туман (шаҳар) молия органи билан келишилган ҳулосаси асосида, ариза берилган кундан бошлаб ўттиз кун муддат мобайнида амалга оширилади.

Хорижий автоташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришда ва транзитда йиғимлар бўйича ортиқча тўланган суммасини қайтариш Жамғарма томонидан тўловчининг ҳисоб-китоб рақамига тегишли божхона органининг қўшимча тўлов тўғрисидаги ва йиғим тўланган хизмат кўрсатувчи банкнинг маълумотномаси билан тасдиқланган тўловчи аризаси асосида амалга оширилади.»

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджети ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон қарорида:

3-банднинг иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси молия вазирига, зарур ҳолларда, Ҳазначиликнинг марказий аппарати ва унинг бўлинмалари тузилмасига Ҳазначилик ходимларининг чекланган умумий сони ва молия органлари бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин»;

6-бандда:

иккинчи хатбошига «ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга киради» сўзлари қўшилсин;

куйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«ташкilotлар номидан ва уларнинг топшириғига кўра Ҳазначилик томонидан тўловларни амалга оширишда хизмат кўрсатувчи банкларга воситачилик ҳақларини ҳисоб-китобнинг аккредитив шаклидан фойдаланган ҳолда тўлаш уларнинг харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 21 майдаги ПҚ–640-сон қарорининг 6-банди иккинчи хатбошидаги «2010 йил 31 декабр» сўзлари «2012 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокида «Женерал Моторс Ўзбекистон» корхонасини барпо этиш тўғрисида» 2008 йил 21 февралдаги ПҚ–800-сон қарори 8-бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, «Женерал Моторс Ўзбекистон» ёпиқ акциядорлик жамияти расмий дилерларининг автомобилларни таъмирлаш ва уларга сервис хизматлари кўрсатиш, жумладан ушбу хизматларни кўрсатиш вақтида ўрнатиладиган эҳтиёт қисмлар, узеллар, агрегатлар ва материалларнинг нархлари, шунингдек эҳтиёт қисмлар, узеллар, агрегатлар ва материалларни уларнинг савдо тармоқлари орқали сотиш қўшилган қиймат солиғисиз амалга оширилади».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 мартдаги 124-сон қарори билан тасдиқланган Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисидаги Низом III бўлимининг 5-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки реабилитация қарзидан фойдаланиш ва ҳамкорлик дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 4 майдаги 160-сон қарорининг 1-банди қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«1. Қўйидагилар:

160 млн. АҚШ доллари миқдорига 20 йил муддатга, жумладан беш йиллик имтиёзли давр билан бериладиган реабилитация қарзи Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши;

асосий қарз, фоизлар ва комиссияларни тўлаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин».

9. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган Нархлар (тарифлар)ни шакллантириш ва уларнинг қўлланилишини назорат қилиш тартиби 26-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) 4-бандининг учинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«белгиланган муддатлари ўтгандан кейин хорижий валюта тушуми тушишини 30 банк кунидан кўпроқ (2009 йилда — 60 банк кун) кечикишига йўл қўйган юридик шахс-резидентлар, республика бюджети фойдасига тушмаган валюта маблағлари суммасига нисбатан 100 фоиз эквивалентида жарима тўлайдилар;

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналарни харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги низомга:

қўйидаги мазмундаги 5-1 ва 5-2-бандлар қўшилсин:

«5-1. Қўйидаги ҳолларда тендер (танлов) ўтказмасдан товар етказиб берувчилар (бажарувчилар, пудратчилар) билан контрактлар тузилиши мумкин:

1) товарлар етказиб бериш, табиий монополиялар субъектлари фаолияти соҳасига тегишли бўлганда;

2) товарлар биржа орқали харид қилинганда;

3) шартнома тузиш вақтида энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ошмаган суммада товарлар сотиб олинганда;

4) тарих ва маданият ёдгорликлари сифатида давлат муҳофазасига олинган ҳамда давлат музей, кутубхона, архив фондларини, кинофотофондини ва бошқа шунга ўхшаш фондларни тўлдириш учун мўлжалланган тарихий, бадиий ёки бошқа маданият аҳамиятига молик маданий бойликлар (картиналар, скульптуралар, адабий асарлар ва бошқалар), шу жумладан музей предметлари ва музей коллекциялари, шунингдек нодир ва қимматли нашрлар ва қўлёзмалар, архив ҳужжатлари, жумладан уларнинг нусхаларини етказиб беришни амалга оширганда;

5) товарларни сотишга алоҳида ҳуқуқи бўлган фақат битта етказиб берувчидан товарлар харид қилиш мумкин бўлганда;

6) тузилган контрактнинг шартлари дастлабки контракт умумий суммасининг 20 фоизидан ошмайдиган суммага тенг қўшимча ишларни бажариш мақсадида ўзгарганда;

7) бажариш ёки хизмат кўрсатишни амалга ошириш фақат давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ёки уларга бўйсунувчи давлат муассасалари ва корхоналари томонидан уларнинг ваколатларига мувофиқ мумкин бўлган ишлар ёки хизматларга эҳтиёж туғилганда;

8) энгиб бўлмас кучлар (табiiй офатлар, ёнғинлар, фалокатлар, авариялар ва ҳоказолар) оқибатларини бартараф этиш (олдини олиш) учун зарур бўлган муайян товарларга тезкор эҳтиёж туғилганда, бунинг натижасида вақтнинг йўқотилиши талаб қилинадиган бошқа буюртмани жойлаштириш усулларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаганда (тегишли молия органлари келишуви бўйича);

9) етказиб берувчиларнинг ёки контрактда уларнинг манфаатдорлиги йўқлиги сабабли буюртмачи томонидан тендер (танлов) бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаш натижасида, агар буюртмачи узоқ туманларда жойлашган бўлса, буюртмачининг фаолият кўрсатиш ҳудудида ва яқин жойлашган туманларда фақат битта етказиб берувчи мавжуд бўлса, шунингдек бошқа жойлардан нарх котировкаларини олиш ҳеч қандай фойда олиш ёки иқтисод қилиш аниқланганда ва транспорт харажатлари учун нархлар ошиб кетишига олиб келганда. Бунда ягона етказиб берувчига буюртмаларни жойлаштириш тегишли молия органлари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

5-2. Енгиб бўлмас кучлар оқибатларини бартараф этиш (олдини олиш) учун товарларга шошилиш эҳтиёж вужудга келган тақдирда ёки контрактда уларнинг манфаатдорлиги йўқлиги сабабли тендер (танлов)ни бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаш натижасида буюртмачи тендер (танлов) ўтказмасдан ягона етказиб берувчига буюртмани жойлаштириш тўғрисидаги қарорни келишиш учун тегишли молия органларига ёзма мурожаат юборади.

Ягона етказиб берувчига буюртмани жойлаштириш тўғрисидаги қарорнинг келишиш муддати тегишли молия органига келишиш тўғрисида мурожаат келиб тушган кундан бошлаб ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

Буюртмачи томонидан тендер (танлов) бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаш натижасида ягона етказиб берувчига буюртмани жойлаштириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда уни келишиш учун тегишли молия органига мурожаатдан ташқари, шунингдек тендер (танлов) ўтказиш ва уни бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаш тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхалари тақдим қилинади.

Бунда контракт ягона етказиб берувчи билан фақат тендер (танлов) ҳужжатларида назарда тутилган шартларда тузилиши мумкин, тузилган контракт баҳоси

тендер (танлов) ўтказиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган контрактнинг дастлабки баҳосидан ошмаслиги керак»;

13-банднинг иккинчи хатбошида «қабул қилади» сўзларидан кейин «сотиб олинadиган товарларнинг энг юқори баҳосини белгилайди» сўзлари қўшилсин;

20-бандда:

қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«сотиб олинadиган товарнинг энг юқори нархи»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

55-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бунда, агар тендерда хорижий етказиб берувчилар билан бирга мамлакатимиз корхоналари — ишлаб чиқарувчилари иштирок этса, бу корхоналарга товарлар ва хизматлар давлат хариди (Давлат бюджети, Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси ва ижтимоий соҳа муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари), шунингдек давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналар маблағлари ҳисобига харид қилиш доирасида амалга ошириладиган тендер савдоларида иштирок этганда 20 фоизгача миқдорда нарх имтиёзлари берилади».

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 3 мартдаги «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 108-сон қарори 4-бандининг бешинчи хатбошига қўйидаги мазмундаги ибора қўшилсин:

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизимига кирадиган корхоналар ўртасида мол-мулкни бепул беришда даромад солиғи ва қўшилган қиймат солиғи бўйича марказлашган тартибдаги ҳисоб-китобларда қабул қилувчи ва берувчи томонлар фойда солиғи ва қўшилган қиймат солиғи солиш объекти ҳисобланмайди».

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 351-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 50-модда) билан тасдиқланган Дехқон хўжаликлари аъзоларини ижтимоий суғурталаш ва уларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги низомда:

6-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган суғурта бадалларининг энг кам миқдори бир йилда энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт ярим баробаридан кам бўлмаган миқдорни ташкил этиши керак»;

7-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Суғурта бадаллари ҳисобот йилининг 1 октябрга қадар тўланади. Бунда суғурта бадаллари миқдори тўлов кунига белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади».

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон 69-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисидаги низомда:

7-банд йигирма учинчи хатбошидан «бюджетдан маблағ олувчиларнинг харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархини сунъий равишда ошириб юборишни» сўзлари чиқариб ташлансин;

8-банд ўн тўртинчи хатбошидан «бюджетдан маблағ олувчиларнинг харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархини сунъий равишда ошириб юборишни» сўзлари чиқариб ташлансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика тўқимачилик тармоғига инвестиция-

лар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 27 январдаги 38-сон қарори 5-бандидаги «2009 йил» сўзлари «2012 йил» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 апрелдаги 67-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 4-сон, 27-модда) билан тасдиқланган Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқаётган ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотаётган фуқароларнинг бандлиги тўғрисидаги низомда:

2-банд учинчи хатбошидаги «ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорда» сўзлари «бир йилда энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт ярим баробаридан кам бўлмаган миқдорда» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банддаги «энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган» сўзлари «бир йилда энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт ярим баробаридан кам бўлмаган миқдорда» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банддаги «ҳар ойда, жисмоний шахсларнинг даромад солиқларини тўлаш учун белгиланган муддатларда» сўзлари «ҳисобот йилининг 1 октябрига қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банднинг учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«бадаллар тўланмаган олдинги даврлар учун бир йилда энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт ярим баробаридан кам бўлмаган суммада, тўлов кундаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда суғурта бадалларини тўлашга йўл қўйилади».

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг сақланиши устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 35-модда) 4-бандига қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизими таркибига кирадиган, дон, давлат ресурсидаги донни дастлабки қайта ишловдан кейинги қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндиларни саноат йўли билан қайта ишлаш учун сотишни амалга оширувчи корхоналар учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиладиган маҳсулот айланмаси миқдори устама нарх суммасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда бошқа ташкилотларга, шу жумладан спирт ишлаб чиқариш учун, дон сотиш айланмаси умумий белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортилади».

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 13 июлдаги 143-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан берилган институционал кредитига хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандидаги «ҳақиқий тўлов санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки» сўзлари «ҳақиқий тўлов санасидаги банклараро савдо сессияларида белгиланган» сўзлари билан алмаштирилсин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

516 Табiiй монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни тартибга солиш тўғрисида

«Табiiй монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, табiiй монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларни ҳамда уларга товарлар сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Табiiй монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчилар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Табiiй монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарлар сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Р. Шоисматов ва Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 24 декабрь,
277-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий
хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчилар
РЎЙХАТИ**

1. Электр таъминоти соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг бўлинмалари;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бўлинмалари;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бўлинмалари;

аэропортлар ва «Ўзаэронавигация» марказининг объектлари — ёруғлик сигнализацияси асбоб-ускуналари, радиотехника воситалари (навигация, локация ва алоқа ускуналари), парвозларни бошқариш пунктлари;

темир йўлларнинг ташиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган ва поездлар харақати хавфсизлигини таъминлайдиган инфратузилма объектлари;

узлуксиз энергия таъминотининг биринчи категорияси бўйича шаҳар электр транспорти (шу жумладан метрополитен);

касалхона муассасалари, тез ва шошилиш тиббий ёрдам муассасалари, қон хизмати муассасалари, кексалар ва ногиронлар учун интернат уйлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар;

республика бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган амбулатория-поликлиника муассасалари;

койка фондига эга бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари, койка фондига эга бўлган диспансерлар, шу жумладан туғруқхоналар, чақалоқлар уйлари;

Давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари объектлари — вакциналар сақланадиган омборлар, алоҳида хавfli инфекциялар лабораториялари, бактериологик ва вирусологик тадқиқотлар лабораториялари;

Республика карантин ва алоҳида хавfli инфекциялар профилактикаси маркази, унинг патогенлик ва биохавфсизлик бўйича I ва II гуруҳларга тегишли деб топилган микроорганизмлар билан ишлайдиган филиаллари ва бўлимлари;

мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хуна, олий таълим объектлари, шунингдек болалар уйлари;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг телерадио маҳсулотларини шакллантириш, узатиш ва эфирга тарқатиш объектлари; умумий фойдаланиладиган телекоммуникациялар тармоқлари объектлари;

иссиқлик таъминоти, газ таъминоти ва сув-канализация корхоналари;

гидротехник иншоотлар;

ядро ёқилғиси ва ядро материалларидан фойдаланадиган корхоналар ва ташкилотлар;

техноген жараён узиб қўйилиши техноген оқибатларга ва аварияларга олиб келиши мумкин бўлган алоҳида хавfli ва узлуксиз технологик жараёнли саноат корхоналари;

давлат ресурслари ҳисобига ажратиладиган ундан қолипланган нон ишлаб чиқарувчилар (қолипланган нон пишириш учун электр энергиясидан фойдаланувчилар).

2. Газ таъминоти соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари;
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бўлинмалари;
иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш корхоналари;
касалхона муассасалари, тез ва шошилич тиббий ёрдам муассасалари, қон хизмати муассасалари, кексалар ва ногиронлар учун интернат уйлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар;
республика бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган амбулатория-поликлиника муассасалари;
койка фондига эга бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари, койка фондига эга бўлган диспансерлар, шу жумладан туғруқхоналар, чақалоқлар уйлари;
мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим объектлари, шунингдек болалар уйлари;
техноген жараён узиб қўйилиши техноген оқибатларга ва аварияларга олиб келиши мумкин бўлган алоҳида хавfli ва узлуксиз технологик жараёнли саноат корхоналари, шу жумладан Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига 5-иловага киритилган стратегик корхоналар;
давлат ресурслари ҳисобига ажратиладиган ундан қолипланган нон ишлаб чиқарувчилар (қолипланган нон пишириш учун табиий газдан фойдаланувчилар).

3. Иссиқлик таъминоти соҳасида:

касалхона муассасалари, тез ва шошилич тиббий ёрдам муассасалари, қон хизмати муассасалари, кексалар ва ногиронлар учун интернат уйлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар;
республика бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган амбулатория-поликлиника муассасалари;
койка фондига эга бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари, койка фондига эга бўлган диспансерлар, шу жумладан туғруқхоналар, чақалоқлар уйлари;
мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим объектлари, шунингдек болалар уйлари.

4. Сув таъминоти соҳасида:

иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш корхоналари;
касалхона муассасалари, тез ва шошилич тиббий ёрдам муассасалари, қон хизмати муассасалари, кексалар ва ногиронлар учун интернат уйлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар;
республика бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган амбулатория-поликлиника муассасалари;
койка фондига эга бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари, койка фондига эга бўлган диспансерлар, шу жумладан туғруқхоналар, чақалоқлар уйлари;
мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим объектлари, шунингдек болалар уйлари;
ядро ёқилғиси ва ядро материалларидан фойдаланадиган корхоналар ва ташкилотлар;
сув таъминоти тўхтатилиши техноген оқибатларга ва аварияларга олиб келиши мумкин бўлган алоҳида хавfli ва узлуксиз технологик жараёнли саноат корхоналари.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий
хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга
товарлар сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар
кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарлар сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш (кейинги ўринларда товарлар деб аталади) тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадлари учун истеъмолчилар тушунчаси остида — табиий монополиялар субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни оладиган корхоналар ва ташкилотлар тушунилади.

**II. Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий
хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларни белгилаш**

3. Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчилар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда давлат монополияга қарши органи деб аталади) таклифи бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчилар рўйхатига (кейинги ўринларда рўйхат деб аталади) давлат монополияга қарши органининг таклифи бўйича белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

4. Давлат монополияга қарши органи табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида мунтазамлилик асосида истеъмолчиларнинг табиий монополияларнинг товарлари билан таъминланмаганлиги мамлакатнинг миллий манфаатларига ва аҳолининг нормал ҳаёт фаолиятига реал хавф туғдириши мумкин бўлган истеъмолчиларни аниқлаш учун уларнинг табиий монополиялар субъектларининг товарлари билан таъминланганлигини таҳлил қилади.

5. Таҳлил қилишда қуйидагилар эътиборга олинади:

истеъмолчиларнинг стратегик ёки ижтимоий аҳамияти, уларнинг табиий монополиялар субъектларининг товарлари билан таъминланмаслигининг мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлигига ҳамда унинг муҳофаза қилинишига, аҳолининг ҳаёт фаолиятига, шу жумладан алоҳида ҳудудга эҳтимоли бўлган оқибатлари; корхоналарнинг тўхтовсиз фаолиятини таъминлаш имконини берадиган эҳтиёжларни қондиришнинг муқобил усуллари мавжудлиги; табиий монополиялар субъектларининг имкониятлари.

6. Зарурият бўлганда, амалга оширилган таҳлил натижалари бўйича давлат

монополияга қарши органи белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига рўйхатга тегишли вазирликлар, идоралар ва табиий монополиялар субъектлари билан келишилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф киритади.

**III. Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий
хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарларни
сотиш тартиби**

7. Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарларни сотиш қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом талабларига мувофиқ улар ўртасида тузиладиган шартномаларда қайд этиладиган ҳажм ва сифат бўйича белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

8. Табиий монополиялар субъектлари томонидан тўлиқ ҳажмда хизмат кўрсатиш учун қувватлар етарли бўлмаган тақдирда товарлар мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга асосий фаолиятни ёки асосий функцияларни амалга ошириш учун зарур бўлган энг кам даражада сотилади.

9. Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларни таъминлашнинг энг кам даражалари (кейинги ўринларда таъминлашнинг энг кам даражаси деб аталади) товарни сотиш учун улар ўртасида тузиладиган шартномаларда назарда тутилади.

10. Таъминлашнинг энг кам даражаси фаолиятнинг ўзига хослигидан, асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмидан (кўрсатиладиган хизматлар кўрсаткичлари) ва кўрсатиб ўтилган истеъмолчилар томонидан фойдаланиладиган асбоб-ускуналарнинг тавсифидан келиб чиқиб белгиланади.

Бунда истеъмолчиларнинг асосий фаолиятига ва функцияларига таъсир кўрсатмайдиган ноишлаб чиқариш тусидаги объектлар ҳисобга олинмайди.

11. Мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларни табиий монополиялар субъектларининг товарлари билан таъминлашни тўхтатиш қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган тартибда амалга оширилади.

**IV. Мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга
товарларни сотиш тартибига табиий монополиялар субъектлари
томонидан риюя қилинишини назорат қилиш**

12. Мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарларни сотиш тартибига табиий монополиялар субъектлари томонидан риюя қилинишини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат монополияга қарши органи томонидан амалга оширилади.

Ушбу Низом талаблари бузилиши ҳолатлари аниқланганда давлат монополияга қарши органи томонидан айбдорларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоратадбирлар кўрилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**518 Хорижий инвестициялар иштирокидаги куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «Дженерал Моторс Пауэртрейн — Ўзбекистон» корхонаси қурилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «Дженерал Моторс Пауэртрейн — Ўзбекистон» корхонасини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 16 декабрдаги ПҚ-1020-сон қарорини бажариш юзасидан ва куч агрегатлари ишлаб чиқариш қувватларининг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикасида куч агрегатлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳаси бўйича:

кейинчалик буюртмачи функцияларини янгидан ташкил этиладиган «Дженерал Моторс Пауэртрейн — Ўзбекистон» ёпиқ акциядорлик жамиятига берадиган «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси — заводни лойиҳалаштириш ва қуриш буюртмачиси этиб;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги «Ўзоғирнефтвергазкимёлойиҳа» институти — лойиҳаолди ҳужжатларни (лойиҳанинг техник-иқтисодий асослашини) ишлаб чиқиш босқичидаги бош лойиҳаловчи этиб;

«Ўзоғирсаноатлойиҳа» очик акциядорлик жамияти — иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш босқичидаги бош лойиҳаловчи этиб;

«12-трест» очик акциядорлик жамияти — бош пудрат қурилиш ташкилоти этиб белгилансин.

Бош лойиҳаловчига, истисно тариқасида, танлов савдолари ўтказмасдан «Ўзпўлатқурилишлойиҳа» ёпиқ акциядорлик жамиятини, «Ўртаосиёэнерготармоқлойиҳа» очик акциядорлик жамиятини, «Тошкентбошрежа» режалаштириш илмий-тадқиқот институтини, «Боштранслоийиҳа» акциядорлик жамиятини, «Ўзгазлойиҳа» масъулияти чекланган жамиятни, «Ўзсувлойиҳа» очик акциядорлик жамиятини субпудрат асосида жалб қилишга рухсат этилсин.

2. Лойиҳани амалга ошириш муддатларининг қисқалигини, шунингдек уни молиялаштиришнинг тасдиқланган манбалари мавжудлигини ҳисобга олиб «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг лойиҳани техник-иқтисодий асослашни олдиндан ишлаб чиқмасдан амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

«Ўзоғирнефтвергазкимёлойиҳа» институти «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси билан биргаликда икки ой муддатда лойиҳанинг техник-иқтисодий асослашини ишлаб чиқсин ва ваколатли экспертиза органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан келишиб олсин ва уни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ваколатли экспертиза органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси лойиҳанинг техник-иқтисодий асослаши «Ўзоғирнефтвергазкимёлойиҳа» институти томонидан тақдим этилган вақтдан бошлаб икки ҳафта муддатда уни экспертизадан ўтказсинлар.

«Ўзбекистон Республикасида куч агрегатлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш»

лойиҳасининг яқуний чекланган қиймати, молиялаштириш манбалари ва механизми лойиҳанинг техник-иқтисодий асослаши тасдиқлангандан кейин аниқланади.

3. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва «Дженерал Моторс Пауэртрейн — Ўзбекистон» ёпиқ акциядорлик жамиятига истисно тариқасида:

заводни лойиҳа ва иш ҳужжатларини 2009 йил охиригача ишлаб чиқиш билан бир вақтда қуришга;

асбоб-ускуналарни тендер савдолари ўтказмасдан, лойиҳанинг бизнес-режаси параметрлари доирасида, контрактларни босқичма-босқич тузиш йўли билан «Дженерал Моторс» корпорациясининг харидлар глобал тизими орқали сотиб олишга рухсат этилсин.

4. Бош пудратчи ва субпудрат қурилиш ташкилотлари куч агрегатлари заводи-ни қуриш даври мобайнида лойиҳа доирасида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари бўйича қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин.

5. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ишлаб чиқариш объектларига ташқи муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш бўйича буюртмачилар, лойиҳаловчилар ва пудратчиларни, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан «Дженерал Моторс» корпорацияси, «Дженерал Моторс Интернейшнл Холдингс» компанияси ва «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ўртасида тузилган Инвестиция битими шартларига мувофиқ лойиҳаолди, лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишларини молиялаштириш манбаларини аниқлаш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг куч агрегатлари ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш масалаларида тажриба ва нуфузга эга бўлган соҳага оид хорижий лойиҳалаш ташкилотини жалб этиш йўли билан, қабул қилинган лойиҳа-техник ечимларнинг ишончлилигини ва корхонадан фойдаланишнинг хавфсизлигини аниқлаш юзасидан мустақил экспертиза ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси «Дженерал Моторс Пауэртрейн — Ўзбекистон» ёпиқ акциядорлик жамияти билан биргаликда экспертиза ўтказиш учун соҳага оид хорижий лойиҳалаш ташкилотини икки ой муддатда аниқласин ва у билан тегишли битим тузсин.

7. Куч агрегатлари ишлаб чиқариш заводи қурилишида лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишлари сифатини назорат қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган комиссия таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ишлаб чиқиладиган иш ҳужжатлари ва тасдиқланадиган лойиҳа-техник ечимларга экспертиза ҳужжатлари илова қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишлари сифати, қурилиш норма ва қоидаларига риоя қилиниши, қўлланаётган қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларнинг давлат стандартлари, нормалари ва техник шартларга мувофиқлиги устидан мунтазам назорат ўрнатиш.

Комиссияга, зарурат бўлганда, ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун мамлакатимиздаги ва хорижий экспертларни жалб этишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирли-

* Илова берилмайди.

ги, Адлия вазирлиги, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва «Дженерал Моторс Пауэртрейн — Ўзбекистон» ёпиқ акциядорлик жамияти билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишган ҳолда уч ой муддатда:

куч агрегатлари ишлаб чиқариш учун компонентлар тайёрловчи Ўзбекистон етказиб берувчилари — норезидентларига «Дженерал Моторс Пауэртрейн — Ўзбекистон» ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан молиялаштириладиган ва етказиб бериладиган технологик жиҳозлар ва асбоб-ускуналарни божхонада расмийлаштириш, тақдим этиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартибини;

юқорида кўрсатиб ўтилган операцияни корхонанинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибини тасдиқласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розуқулов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 26 декабрь,
279-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

519 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ижтимоий тадқиқотлар институтини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 30 июлдаги ПҚ–930-сон қарорини бажариш юзасидан ва Ижтимоий тадқиқотлар институти фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, «Галла-банк» акциядорлик-тижорат банки ва «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг:

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 13 «а» манзилидаги бинони, кадастр ҳужжатларига мувофиқ «Галла-банк» акциядорлик-тижорат банкининг Тошкент вилоят филиали учун белгиланган чегаралар доирасида туташ ҳудуд билан бирга «Галла-банк» акциядорлик-тижорат банки балансидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти (кейинги ўринларда Институт деб аталади) балансига бериш;

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 53 «б» манзилидаги бинони (кейинги ўринларда олинаётган бино деб аталади), ушбу бинога мулкчилик

ҳуқуқини «Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат банкига расмийлаштирган ҳолда туташ ҳудуд билан бирга «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси билан «Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат банки билан балансига бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ҳафта муддатда:

банк режим талабларини таъминлаш учун ер қўшиб берилиши ҳисобга олинган ҳолда олинаётган бинога туташ ҳудуд билан бирга ер участкаси чегараларини белгиласин ва «Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат банкига ажратиб берсин;

олинаётган бино бўйича тармоқларни ривожлантиришда улушли қатнашишсиз «Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат банкнинг лойиҳа эҳтиёжларига мувофиқ шаҳар муҳандислик коммуникацияларига уланишга техник шартлар берилишини таъминласин;

олинаётган бинога жойлашган Ўзбекистон Республикаси жангчи-фахрий-байналмилалчилар республика бирлашмаси қайта жойлаштирилишини таъминласин.

3. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ «Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат банки олинаётган бинодаги хоналарга «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси билан «Ритер» сервис ва ўқув маркази фирмаси (Швейцария) ўртасида тузилган ижара шартномаси бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. Институт икки ҳафта муддатда:

Институтнинг штат жадвалини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишсин;

Институт биносини жорий таъмирлашни лойиҳалаштиришга шартнома тузсин ва бир ой муддатда белгиланган тартибда пудрат ташкилотни танлаш бўйича танлов ўтказсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Институт фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган мебель, ташкилий техника, алоқа воситалари билан жиҳозлашга, иккита енгил автомобиль сотиб олиш ва уларни сақлашга, ахборот босма нашрларига, шу жумладан хорижий нашриётларнинг босма нашрларига обуна бўлишни ташкил этишга, Институтнинг биносини жорий таъмирлаш бўйича харажатларга Институтнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағ ажратсин.

6. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси 2008 йил охиригача Институт учун биттадан «Нексия» маркали ва «Дамас» маркали автомобиль ажратсин.

7. «Файз» холдинг компанияси Институт буюртмаси олингандан кейин бир ой муддатда офис мебели, шунингдек инвентарь тайёрланиши ва етказиб берилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 26 декабрь,
280-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAᖘKAMACINING
ҚАРОРИ**521 Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида**

Параллел ишлайдиган энерготизимларнинг Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган электр энергиясини сертификатлаштириш тартиботининг асосий принципларини рўёбга чиқариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулот турлари рўйхати 24-позициясининг «Номи» устунига «электр энергияси (импорт қилинадиган электр энергиясидан ташқари)» сўзлари қўшилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шоисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 27 декабрь,
282-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAᖘKAMACINING
ҚАРОРИ**522 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сон Фармони)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сон Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сон Фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 декабрь,
283-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 29 декабрдаги 283-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция ва Хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сон қарорига:

а) 2-илованинг (Инвестиция фондлари тўғрисида) 13-банди биринчи хатбошидаги «50» рақами «400» рақами билан алмаштирилсин;

б) 3-илованинг (Хусусийлаштириш инвестиция фондлари тўғрисида) 11-бандидаги «50» рақами «400» рақами билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 18 апрелдаги 188-сон қарорига:

а) 4-бандда:

учинчи — олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қарздор корхона банкрот деб эълон қилинганда ва тугатиш ишлари бошланганда, агар қарздор кредитори кредиторлар талабномалари реестрига киритилган, кредитор қарзи бўйича қарздор кредитор қарзининг умумий суммасидан 70 ва ундан кўп фоизи талабига эга тижорат банки ҳисобланган тақдирда тугатиш иши очилганда, ушбу кредитор, гаров предмети ҳисобланган мол-мулкдан ташқари, банк томонидан:

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган сарф-харажатларни тўлашни ва талабларни қондиришни ва иш ҳақи бўйича қарзларни тўлашни;

тижорат банклари томонидан банкрот корхона сотилгандан кейин банкрот корхонанинг бошқа кредиторлик қарзини тўлашни назарда тутадиган мажбуриятлар қабул қилинганда қарздор корхонаси (мол-мулки)ни тугатиш қиймати бўйича ўз мулкига ўтказиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Тижорат банки томонидан «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 134-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган сарф-харажатлар ва талабларни қондириш ва иш ҳақи бўйича қарздорликни тўлаш хўжалик суди томонидан кредиторлик қарзи таркибида банк кредитлари бўйича 70 ва ундан кўп фоиз қарздорликка эга бўлган банкрот корхонанинг мол-мулкани кредитор банкнинг мулкига тугатиш қиймати бўйича бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган пайтдан бошлаб бир ойдан ошмаслиги керак.

Ушбу банднинг учинчи хатбошига мувофиқ тижорат банкининг мулки қилиб берилган банкрот корхонанинг кредиторлари билан узил-кесил ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича ҳисоблаб чиқилган қўйилган маблағлар бўйича фоиз даромади ва сотиш суммасининг 10 фоизи миқдоридagi маржа ҳисобга олинган ҳолда илгари банкрот корхонага берилган кредитлар бўйича қарздорлик, фаолиятни тиклашга банкнинг харажатлари чиқариб ташланган ҳолда кейинчалик корхонани бозор қиймати бўйича стратегик инвесторларга сотишдан тушган маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган маблағлар фойда сифатида банкка юборилади. Маблағлар етарли бўлмаганда кредиторлар билан ҳисоб-китоблар «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 134-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ушбу банднинг тўртинчи хатбошида кўрсатиб ўтилган шартлар банк томонидан бажарилганда, қарздорнинг мол-мулки суд бошқарувчиси томонидан суд ҳужжатлари асосида тижорат банкининг мулкига ўтказилади;

еттинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 1-иловада (Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкани баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисида):

1-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ушбу Низом:

Ўзбекистон Республикаси ташқарисида жойлашган Ўзбекистон Республикаси мулки бўлган объектлар бўйича битишувларни амалга оширишда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сон Фармойиши билан тасдиқланган Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибига мувофиқ банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотишда қўлланилмайди, ушбу Низомнинг 3 — 12-бандлари бундан мустасно»;

12-банднинг олтинчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Айрим банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотишда балансни ташкил этиш учун зарур бўлган сотиб олиш тўловлари ва бошқа мажбуриятлар миқдорлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади»;

13-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«биржа савдолари (фақат таркибий ўзгартириладиган корхоналарга нисбатан қўлланилади)»;

27-бандда «83-моддасининг тўққизинчи қисмига» сўзлари «134-моддасининг саккизинчи ва тўққизинчи қисмларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари тўғрисидаги низомнинг 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ BAZИPЛAP MAХҚAMACИНИНГ
ҚАРОРИ**523 «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида**

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини самарали амалга оширишни таъминлаш ва қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчиларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2009 йил 1 январдан бошлаб қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчилари ўз маблағларининг энг кам миқдорини 1-иловага мувофиқ белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатаётган профессионал қатнашчилари 2010 йил 1 январгача бўлган муддатда ўз маблағлари миқдорининг ушбу банд талабларига мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

2. Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш Ягона давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлаштириш ва муомалага чиқаришга рухсат бериш ва улар бўйича квоталар белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 декабрь,
284-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 29 декабрдаги 284-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчилари
ўз маблағларининг 2009 йил 1 январдан бошлаб
белгиланадиган энг кам
МИҚДОРИ***

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари	(минг евро)
	Ўз маблағларининг энг кам миқдори (эквивалентда)
Инвестиция маслаҳатчилари	10,0
Трансфер-агентлар	20,0
Инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари	50,0
Инвестиция воситачилари (брокерлар, дилерлар)	50,0
Депозитарийлар	100,0
Ҳисоб-китоб-клиринг палаталари	100,0
Қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдолари ташкилотчилари	200,0

* Инвестиция фондлари учун ўз маблағларининг энг кам миқдори белгиланмайди.

+

-

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 29 декабрдаги 284-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш Ягона давлат
реестрини юритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш Ягона давлат реестрини (кейинги ўринларда Реестр деб юритилади) юритиш ва ундаги маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари эмиссиявий қимматли қоғозларга татбиқ этилади.

2. Реестр қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича давлат ваколатли органининг марказий аппарати — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази (кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказувчи орган деб юритилади) ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан шакллантирилади ва юритилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган марказий аппаратининг унинг ҳудудий бошқармалари реестрни шакллантириш ва юритиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш регламенти белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказувчи орган марказий аппарати раҳбарининг буйруғи билан белгиланади.

3. Реестрда:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

1) давлат рўйхатидан ўтказилиши рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқаришлар (қўшимча чиқаришлар) тўғрисидаги;

2) «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмайдиган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқаришлар (қўшимча чиқаришлар) тўғрисидаги;

3) бекор қилиш тўғрисидаги қарор рўйхатдан ўтказувчи орган ёки давлат қимматли қоғозлар эмитентлари томонидан қабул қилинган эмиссиявий қимматли қоғозларни қўшимча чиқаришларнинг бекор қилинган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақамлари (идентификация тартиб рақамлари) тўғрисидаги ахборотлар мавжуд бўлиши керак.

4. Реестр электрон шаклда (маълумотларнинг электрон базасидан фойдаланган ҳолда) ва қоғозли манбада юритилади.

II. Реестрдаги мавжуд маълумотлар

5. Реестрда эмитент ва унинг томонидан чиқарилган эмиссиявий қимматли қоғозлар тўғрисида қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак:

1) эмиссиявий қимматли қоғозлар эмитентининг унинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ ва қисқартирилган номи;

2) эмиссиявий қимматли қоғозлар эмитентининг ташкилий-ҳуқуқий шакли;

3) юридик шахсларнинг давлат реестрига эмиссиявий қимматли қоғозлар эмитентини ташкил этиш тўғрисида ёзув киритилган давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб рақами ва бундай ёзув киритилган сана;

4) эмиссиявий қимматли қоғозлар эмитентининг солиқ тўловчининг идентификация тартиб рақами;

5) эмиссиявий қимматли қоғозлар эмитентининг жойлашган жойи (почта манзили), эмитентнинг хат-хабарларни олиш учун бошқа манзиллари мавжуд бўлган тақдирда, ушбу манзиллар ҳам кўрсатилади;

6) эмиссиявий қимматли қоғозлар эмитентининг рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан бериладиган ягона коди;

7) эмиссиявий қимматли қоғозлар эмитентини тугатиш тўғрисидаги маълумотлар;

8) эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча чиқариш)га берилган давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб рақами ва унинг берилган санаси, рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча чиқариш) давлат рўйхатидан ўтказилмайдиган ҳолларда эса, бундай эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча чиқариш)нинг рўйхатдан ўтказиш (идентификация) тартиб рақами ва унинг берилган санаси, шунингдек рўйхатдан ўтказиш (идентификация) тартиб рақами берган органнинг номи;

9) эмиссиявий қимматли қоғозларнинг тоифаси (типи), серияси, шакли ва бошқа идентификация белгилари;

10) ушбу чиқариш (қўшимча чиқариш)нинг эмиссиявий қимматли қоғозлари сони;

11) ушбу чиқариш (қўшимча чиқариш)нинг ҳар бир эмиссиявий қимматли қоғозининг номинал қиймати;

12) номинал қиймат бўйича эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқаришнинг (қўшимча чиқаришнинг) умумий ҳажми;

13) ушбу чиқаришнинг (қўшимча чиқаришнинг) эмиссиявий қимматли қоғозлари ҳолати;

14) эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш усули.

III. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг рўйхатдан ўтказувчи орган билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар ой тугагандан кейин ўн кун мобайнида унинг томонидан чиқарилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўйича ахборотни ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича шакллантиради ва рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этади.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳар ой тугагандан кейин ўн кун мобайнида унинг томонидан чиқарилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўйича ахборотни ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича шакллантиради ва рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этади.

8. Ушбу Низомнинг 6 ва 7-бандларида кўрсатилган маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи органга ёзма ва электрон шаклларда тақдим этилади.

Электрон шаклдаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан рўйхатдан ўтказувчи орган тақдим қилган электрон почта манзилига ёзма шаклда юборилади.

9. Ушбу Низомнинг 6 ва 7-бандларида кўрсатилган маълумотларни тақдим этиш санаси иш кунидан бошқа кунга тўғри келган ҳолларда тақдим этиш санаси ундан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

10. Тақдим этилган маълумотларда номувофиқлик аниқланган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкни аниқланган номувофиқликлар тўғрисида хабардор қилади, улар номувофиқликларни бартараф этиш учун белгиланган тартибда зарур чора-тадбирлар кўради.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзаро ҳамкорлиги бепул асосда амалга оширилади. Бунда тақдим этиладиган ахборотдан фақат ушбу Низомда назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланилади.

IV. Ёзувларни Реестрга киритиш

12. Қуйидагилар Реестрга тегишли ёзувларни киритиш учун асос ҳисобланади:

1) рўйхатдан ўтказувчи органнинг:

эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча чиқариш)ни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги;

илгари рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча чиқариш)га ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги;

эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқаришни Реестрдан чиқариш ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча чиқариш)га илгари берилган давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб рақамини бекор қилиш тўғрисидаги;

Реестрдаги мавжуд маълумотларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори;

2) суднинг:

эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча чиқариш)ни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги;

эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча чиқариш)нинг давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб рақамини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш, илгари рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча чиқариш)га ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги;

эмиссиявий қимматли қоғозлар эмитентини ва/ёки облигациялар бўйича таъминлашни тақдим этган шахсни банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори;

3) қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳоллар.

13. Реестрга ёзув рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан, ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган ўзгартиришлар киритиш учун асослар пайдо бўлгандан кейин уч иш куни мобайнида киритилади.

V. Реестрдан ахборотлар тақдим этиш

14. Реестрдаги мавжуд ахборотлар ҳар қандай манфаатдор шахс учун очик ҳисобланади ва мазкур шахс улардан фойдалана олади.

Реестрдаги мавжуд ахборотдан фойдаланиш рўйхатдан ўтказувчи органнинг Интернет тармоғидаги сайтга ушбу ахборотни жойлаштириш орқали амалга оширилади, у Реестрга тегишли маълумотларни киритилишига қараб мунтазам равишда янгилаб борилади.

15. Реестрдаги мавжуд ахборот эмиссиявий қимматли қоғозлар эмитенти (унинг ҳуқуқий вориси) ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахслар, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ёзма сўровномасига биноан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан, ушбу Низомга 3, 3а, 3б-иловалардаги намунага мувофиқ, Реестрдан кўчирма шаклида ёки сўралаётган ахборотнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома шаклида тақдим этилади.

16. Реестрдан кўчирма (сўралаётган ахборотнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома) рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилган шахсларга тегишли сўровнома олингандан кейин беш иш куни мобайнида берилади (юборилади).

17. Рўйхатдан ўтказувчи орган сўровнома бўйича Реестрдан кўчирмани ушбу банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилганлардан бошқа ҳолларда тўлов асосида беради. Реестрдан кўчирма берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдоридаги тўлов рўйхатдан ўтказувчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Реестрдан кўчирма давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш
 Ягона давлат реестрини юритиш тартиби
 тўғрисидаги низомга
 1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан
 чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисида
 МАЪЛУМОТЛАР**

Т/р	Кўрсаткич номи	Кўрсаткич мазмуни
1.	Эмиссиявий қимматли қоғознинг тўлиқ ва қисқартирилган номи	
2.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш учун асослар	
3.	Рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами	
4.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқаришнинг умумий ҳажми (сўм)	
5.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқаришнинг умумий сони (та)	
6.	Эмиссиявий қимматли қоғоз номинали (сўм)	
7.	Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиш муддати (ой)	
8.	Кимошди савдоси ўтказиш санаси (йил, сана, ой)	
9.	Эмиссиявий қимматли қоғозларни қайтариш санаси (йил, сана, ой)	
10.	Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг фоиз ставкаси	
11.	Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш шакли (ҳужжатлар асосида ва/ёки ҳужжатларсиз)	
12.	Бошқа маълумотлар	

 (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
 масъул шахсининг лавозими)

 (имзо)

 (Ф.И.О.)

М.Ў.

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш
 Ягона давлат реестрини юритиш тартиби
 тўғрисидаги низомга
 2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан
 чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисида
 МАЪЛУМОТЛАР**

Т/р	Кўрсаткич номи	Кўрсаткич мазмуни
1.	Эмиссиявий қимматли қоғознинг тўлиқ ва қисқартирилган номи	
2.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш учун асослар	
3.	Идентификация тартиб рақами	
4.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқаришнинг умумий ҳажми (сўм)	
5.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқаришнинг умумий сони (та)	
6.	Эмиссиявий қимматли қоғоз номинали (сўм)	
7.	Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиш муддати (ойлар)	
8.	Кимошди савдоси ўтказиш санаси (йил, сана, ой)	
9.	Эмиссиявий қимматли қоғозларни қайтариш санаси (йил, сана, ой)	
10.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар фоиз ставкаси	
11.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш шакли (ҳужжатлар асосида ва/ёки ҳужжатларсиз)	
12.	Бошқа маълумотлар	

 (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
 масъул шахсининг лавозими)

 (имзо)

 (Ф.И.О.)

М.Ў.

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш
Ягона давлат реестрини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

**Эмитентлар томонидан чиқарилган эмиссиявий қимматли
қоғозлар чиқариш Ягона давлат реестридан
КЎЧИРМА**

Эмиссиявий қимматли қоғозлар реестридан ушбу кўчирма тузилган ҳолат санаси	
Эмиссиявий қимматли қоғозлар реестридан кўчирма берган рўйхатдан ўтказувчи орган номи	

I. Эмиссиявий қимматли қоғозлар эмитенти тўғрисидаги маълумотлар

1.1	Тўлиқ фирма номи	
1.2	Қисқартирилган фирма номи	
1.3	Ташкилий-ҳуқуқий шакли	
1.4	Солиқ тўловчининг идентификация тартиб рақами	
1.5	Жойлашган жойи (почта манзили)	
1.6	Хат-хабарлар олиш учун бошқа манзиллар	
1.7	Эмитентнинг рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган ягона коди	

II. Акциялар тўғрисидаги маълумотлар*

2.1	Чиқаришнинг (қўшимча чиқаришнинг) рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами (идентификация тартиб рақами) ва унинг берилган санаси	
2.2	Имтиёзли номли акцияларнинг умумий сони (та)	
2.3	Оддий номли акцияларнинг умумий сони (та)	
2.4	Номинал қиймати (сўм)	
2.5	Чиқаришнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича, сўм)	

III. Корпоратив облигациялар тўғрисидаги маълумотлар*

3.1	Чиқаришнинг (қўшимча чиқаришнинг) рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами (идентификация тартиб рақами) ва унинг берилган санаси	
3.2	Облигацияларнинг умумий сони (та)	
3.2.1	Облигациялар тури**	
3.3	Номинал қиймати (сўм)	
3.4	Чиқаришнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича, сўм)	
3.5	Облигацияларнинг муомалада бўлиш муддати	
3.6	Облигацияларни қайтариш санаси	
3.7	Облигациялар бўйича фоиз ставкаси	

IV. Эмитент опционлари тўғрисидаги маълумотлар

4.1	Чиқаришнинг (қўшимча чиқаришнинг) рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами	
-----	---	--

4.2	Кўрсаткич номи	Кўрсаткич мазмуни (миқдори)
-----	----------------	--------------------------------

V. Қимматли қоғозлар юзасидан фьючерслар тўғрисидаги маълумотлар		
5.1	Чиқаришнинг (қўшимча чиқаришнинг) рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами	
5.2	Кўрсаткич номи	Кўрсаткич мазмуни (миқдори)

* Маълумотлар ҳар бир чиқариш бўйича алоҳида тўлдирилади.

** Маълумотлар ҳар бир тур бўйича алоҳида тўлдирилади.

_____ (рўйхатдан ўтказувчи орган масъул шахсининг лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш
Ягона давлат реестрини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
За-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан
чиқарилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш
Ягона давлат реестридан
КЎЧИРМА**

Эмиссиявий қимматли қоғозлар реестридан ушбу кўчирма тузилган ҳолат санаси	
Эмиссиявий қимматли қоғозлар реестридан кўчирма берган рўйхатдан ўтказувчи орган номи	

Молия вазирлиги томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотлар		
1.	Эмиссиявий қимматли қоғознинг тўлиқ ва қисқартирилган номи	
2.	Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш учун асослар	
3.	Рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами	
4.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқаришнинг умумий ҳажми (сўм)	
5.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқаришнинг умумий сони (та)	
6.	Эмиссиявий қимматли қоғоз номинали (сўм)	
7.	Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиш муддати (ойлар)	
8.	Кимошди савдоси ўтказиш санаси (йил, сана, ой)	
9.	Эмиссиявий қимматли қоғозларни қайтариш санаси (йил, сана, ой)	

10.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар фоиз ставкаси	
11.	Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш шакли (хужжатлар асосида ва/ёки хужжатларсиз)	
12.	Бошқа маълумотлар	

_____ (рўйхатдан ўтказувчи орган масъул шахсининг лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш
Ягона давлат реестрини юритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
36-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан
чиқарилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш
Ягона давлат реестридан
КЎЧИРМА**

Эмиссиявий қимматли қоғозлар реестридан ушбу кўчирма тузилган ҳолатдаги санаси	
Эмиссиявий қимматли қоғозлар реестридан кўчирма берган рўйхатдан ўтказувчи орган номи	

**Марказий банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги
маълумотлар**

1.	Эмиссиявий қимматли қоғознинг тўлиқ ва қисқартирилган номи	
2.	Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш учун асослар	
3.	Идентификация тартиб рақами	
4.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқаришнинг умумий ҳажми (сўм)	
5.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқаришнинг умумий сони (та)	
6.	Эмиссиявий қимматли қоғоз номинали (сўм)	
7.	Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиш муддати (ойлар)	
8.	Кимошди савдоси ўтказиш санаси (йил, сана, ой)	
9.	Эмиссиявий қимматли қоғозларни қайтариш санаси (йил, сана, ой)	
10.	Эмиссиявий қимматли қоғозлар фоиз ставкаси	
11.	Эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш шакли (хужжатлар асосида ва/ёки хужжатларсиз)	
12.	Бошқа маълумотлар	

_____ (рўйхатдан ўтказувчи орган масъул шахсининг лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 29 декабрдаги 284-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2.10-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Кўрсатиб ўтилган реестрга устав жамғармасини қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида шакллантирмаган акциядорлик жамияти шаклидаги корхона тўғрисида ёзувлар киритишда рўйхатдан ўтказувчи орган бундай ёзувлар киритилган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда бу тўғрида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат ваколатли органини хабардор қилади»;

б) 3.2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.2. Корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган хўжалик суди бу ҳақда корхонани давлат рўйхатидан ўтказган органга, махсус комиссияга, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат ваколатли органига (агар корхона акциядорлик жамияти бўлса) ёзма равишда хабар бериши шарт. Бунинг асосида:

рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг давлат реестрига корхона тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади;

махсус комиссия корхонани тугатишни амалга оширишга киришади;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат ваколатли органи Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш Ягона давлат реестрига тегишли ёзувларни киритади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 9 июлдаги 308-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «кўрсатиб ўтилган фаолият турларини» сўзлари «қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолиятни» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «кўрсатилган фаолият турини» сўзлари «қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолиятни» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банднинг учинчи хатбошидаги «касбий фаолиятнинг қўшиб олиб бориладиган қисмларидан бири учун энг кўп даражада» сўзлари «қонун ҳужжатларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 9-бандга қуйидаги мазмундаги «л» кичик банди қўшилсин:

«л) Ички назорат тўғрисидаги низомнинг нусхаси»;

г) 10-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) 11-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбоши тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

е) 12-банднинг еттинчи хатбошидаги «инвестиция институтлари» сўзлари «қим-

матли қоғозлар бозори профессионал қатнашчилари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-банди иккинчи хатбошига «акциядорлик жамиятлари ҳисобланадиган юридик шахслар бўйича эса — шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат ваколатли органига» сўзлари қўшилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**525 Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази
фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида**

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳузуридаги Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази этиб қайта ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2009 йилдан бошлаб Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг жорий таъминотиغا уни молиялаштиришнинг амалдаги шартлари сақланган ҳолда алоҳида сатрда республика бюджетидан маблағлар ажратилишини таъминласин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 7 сентябрдаги 419-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 91-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 31 декабрь,
287-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 31 декабрдаги 287-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Республика болалар ижтимоий
мослашуви марказини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил
7 сентябрдаги 419-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 2-бандида:

биринчи хатбошидаги «Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази» сўзларидан кейин «(кейинги ўринларда Марказ деб юритилади)» сўзлари қўшилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгилаб қўйилсинки, Марказ директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва ўз фаолияти тўғрисида унга ҳисобот беради».

3. 3-банднинг олтинчи хатбошидан «жумладан эълон қилинган Меҳр ва муруват йили доирасида» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. 7 ва 8-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. 1-иловада:

а) 1-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) жисмоний имкониятлари чекланган (ногиронлар, жисмоний нуқсонли бўлган ҳамда асаб ва руҳияти бузилган болалар, сурункали оғир касалликлардан азоб чекувчи болалар), шунингдек ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли бошқа гуруҳларга кирадиган болаларни (етимлар, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қаровисиз қолган болалар, нотинч оилалар болалари) ижтимоий мослаштириш муаммоларини ишлаб чикувчи ташкилот ҳисобланади»;

б) 10-банднинг тўққизинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 11-бандидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 14-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 15-бандидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 16-бандда:

олтинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 22-банддан «шунингдек Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг тафтиш комиссияси» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. 2-иловадан «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси» устуни чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

526 Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармони билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашینی таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурининг 1.5 ва 3.1-бандлари ижросини таъминлаш, шунингдек корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг инвестицион фаоллиги ўсишینی рағбатлантириш ва модернизациялаш, аҳоли бандлигини оширишга кўмаклашиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармони билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашینی таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурини амалга оширишни мониторинг ва назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳнинг кичик гуруҳи (кейинги ўринларда кичик гуруҳ деб аталади) 1-иловага* мувофиқ;

Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар кичик гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилда қабул қилинган ҳужжатларига мувофиқ банкларнинг капиталлашувини ошириш учун бюджет маблағларидан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларидан ва бошқа акциядорларнинг маблағларидан ажратилган мақсадли маблағлар (кейинги ўринларда мақсадли маблағлар деб аталади) ҳисобига иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги фаолиятини мувофиқлаштириш;

мақсадли маблағлардан берилган кредитлар ҳисобига корхоналар томонидан янги

* 1-илова берилмайди.

қурилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, товарларни реализация қилиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)-нинг прогноз параметрларига эришилишига кўмаклашиш.

3. Кичик гуруҳ (Саидова) бажарилган ишлар тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурини амалга оширишни мониторинг ва назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳга кўриб чиқиш учун киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 31 декабрь,
288-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 31 декабрдаги 288-сон қарорига
2-ИЛОВА

— **Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ** +

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилда қабул қилинган ҳужжатларига мувофиқ банкларнинг капиталлашувини ошириш учун бюджет маблағларидан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларидан ва бошқа акциядорларнинг маблағларидан ажратилган мақсадли маблағлар (кейинги ўринларда мақсадли маблағлар деб аталади) ҳисобига иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Вақтинчалик низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Ишчи гуруҳ — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармони билан ташкил этилган Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурини амалга оширишни мониторинг ва назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳ;

Кичик гуруҳ — иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалалари бўйича Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбир-

лари дастурини амалга оширишни мониторинг ва назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳнинг кичик гуруҳи;

ишчи орган — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги;

корхона — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган, ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) экспорт қиладиган, шунингдек янги қурилишни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга оширадиган, вақтинча молиявий қийинчиликларга дуч келаётган корхона;

банклар — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки, Ўзбекистон Республикаси Халқ банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банки, «Пахта-банк» акциядорлик-тижорат банки, «Ғалла-банк» акциядорлик-тижорат банки, «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банки, шунингдек уларнинг корхоналарга хизмат кўрсатадиган бўлимлари ва филиаллари.

II. Кичик гуруҳнинг асосий функциялари

3. Юкланган вазифаларни бажариш учун Кичик гуруҳ куйидаги функцияларни амалга оширади:

корхоналарнинг мақсадли маблағлардан фойдаланиш бўйича ҳужжатларини ва корхоналарнинг мақсадли маблағлари ҳисобига корхоналарга банкларнинг кредитларини бериш бўйича бошқа масалаларни кўриб чиқиш;

тегишли вазирликлар, идоралар томонидан корхоналарнинг кредит ҳужжатлари белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини назорат қилиш;

банкларнинг инвестицион фаоллигини кенгайтиришга ва корхоналарнинг кредитлар олишига тўсқинлик қиладиган омилларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

III. Мақсадли маблағлар ҳисобига кредитлар бериш тартиби

4. Мақсадли маблағлар ҳисобига кредитлар банклар томонидан корхоналарга куйидаги мақсадларда берилади:

экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, саноат тузилмасида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга ва салмоқли ўринга эга бўлган корхоналар учун айланма маблағларни тўлдириш, шунингдек аҳоли бандлигини таъминлаш;

биринчи навбатда, тасдиқланган тармоқ дастурларини амалга оширишда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, машинасозлик, нефть-газ, кимё, электр энергетикаси, электротехника тармоқлари ва саноат, агросаноат комплексининг бошқа етакчи тармоқлари корхоналарининг локализация даражасини ошириш ҳамда шу асосда янги, рақобатбардошли, ташқи ва ички бозорларда талаб қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва кенгайтириш, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилган товарлар билан барқарор тўлдириш;

ишлаб чиқариш, ижтимоий, транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича ижтимоий аҳамиятли давлат дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан замонавий асбоб-ускуналар ва мини-тех-

нологиялар сотиб олиш, кейинчалик қайта ишлаш мақсадида хом ашё ва материаллар харид қилиш учун уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, ички бозорни мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш, шунинг ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш.

5. «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки учун ажратилган мақсадли маблағлар белгиланган тартибда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит бериш учун йўналтирилади.

6. Мақсадли маблағлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида банкларнинг махсус ҳисоб рақамларида жамланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида банкларнинг махсус ҳисоб рақамларидан маблағларни сарфлаш фақат Ишчи гуруҳнинг ва банкнинг кредит қўмитаси (ёки Кенгаши)нинг тегишли баённомалар билан расмийлаштирилган ижобий қарорлари мавжуд бўлган тақдирда ушбу Вақтинчалик низомнинг 4-бандида кўрсатилган мақсадларга кредитлар бериш учун амалга оширилади.

8. Мақсадли маблағлар ҳисобига кредитдан фойдаланиш учун фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш амалдаги ставкасидан ошиши мумкин эмас.

Мақсадли маблағлар ҳисобига кредитлар ажратиш, қоидага кўра:

корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдиришга — 12 ойгача;

инвестиция мақсадларига — камида 1 йиллик имтиёзли давр билан камида 3 йил муддатга кредит берилган ҳолда имтиёзли шартларда амалга оширилади.

Экспорт қилувчи корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдиришга кредитлар Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставка бўйича ажратилади.

Ушбу Вақтинчалик низомнинг 4-бандида кўрсатилган мақсадларга имтиёзли кредитлар ажратиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда амалга оширилади.

9. Ушбу Вақтинчалик низомнинг 4-бандида кўрсатилган мақсадларга кредитлар олиш учун корхона:

айланма капитални тўлдириш учун назарда тутилган кредитлар, шунингдек эквивалентда 500 минг АҚШ долларигача қийматли инвестиция мақсадлари бўйича — банкларга;

агар инвестиция мақсадлари учун сўралаётган кредит суммаси эквивалентда 500 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлса — Кичик гуруҳга мурожаат қилади.

10. Банклар ҳар ойда ойнинг 10-кунигача Кичик гуруҳга мақсадли маблағлардан корхоналар ва фойдаланиш йўналишлари бўйича улардан фойдаланишнинг прогност параметрларини киритади.

Кичик гуруҳ уч кун муддатда банкларнинг мақсадли маблағлардан фойдаланиш йўналишлари тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқади ва уларни тасдиқлаш учун Ишчи гуруҳга киритади.

Ишчи гуруҳ томонидан тасдиқланган рўйхатга кирмаган корхоналарга кредит бериш учун банкларнинг мақсадли маблағлардан фойдаланишига йўл қўйилмайди.

IV. Банкларнинг мақсадли маблағлардан фойдаланиш учун берилган буюртманомаларини кўриб чиқиш тартиби

11. Мақсадли маблағлар ҳисобига кредит олиш учун корхона банкларга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

корхонага хизмат кўрсатадиган банк кўрсатилган ҳолда мақсадли маблағлар ҳисобига кредит олиш учун ариза;

олиш мақсадлари ва фойдаланиш йўналишлари, шунингдек мўлжалланаётган сумма, кредитнинг муддати ва фоиз ставкаси, корхонанинг банк ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг прогноз оқими, ишлаб чиқарилаётган товарлар (ишлар, хизматлар)га буюртмалар портфели таркиби ва уларни сотиш бозори, шунингдек кредитни ўзлаштиришга тегишли бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда бизнес-режа;

белгиланган тартибда тасдиқланган янги қурилишни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асосланиши (техник-иқтисодий асослаш) ёки дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китоб (техник-иқтисодий ҳисоб-китоб), шунингдек ушбу инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ахборот (фақат инвестиция лойиҳалари бўйича);

корхонанинг охириги 3 йилдаги молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳужжатлар, шу жумладан давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл), молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумотнома (2а-шакл);

кредитнинг мўлжалланаётган таъминланиши бўйича маълумотлар (мол-мулк гарови, кафолат, кафиллик, суғурта полиси ва бошқалар);

корхоналарни бошқариш органлари томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан маъқулланган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини, шу жумладан ишлаб чиқаришнинг материаллар ва энергия сарфини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ва фойда кўришини ошириш, молиявий оқимларни бошқаришни такомиллаштириш ва ортиқча штат бирликларини қисқартириш бўйича молиявий режа, шунингдек ушбу молиявий режа амалга оширилиши тўғрисидаги ахборот, янгидан ташкил этилаётган корхоналар ва/ёки ишлаб чиқаришлар бундан мустасно.

12. Банклар мақсадли маблағлар ҳисобига кредит беришнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқишда ушбу Вақтинчалик низомнинг 11-бандида назарда тутилмаган қўшимча маълумотларни корхонадан сўрашга ҳақлидир.

13. Банклар томонидан корхонанинг расмий ёзма аризасини рўйхатдан ўтказиш мурожаат қилинган пайтдан бошлаб бир кун муддатда амалга оширилади.

14. Банк мақсадли маблағлар ҳисобига кредит бўйича ҳужжатларни қонун ҳужжатларига ва банкнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ кўриб чиқади.

15. Банклар мақсадли маблағлар ҳисобига кредит бўйича ҳужжатларни қуйидаги мезонларга алоҳида эътиборни қаратган ҳолда кўриб чиқадилар:

республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадлари учун лойиҳани амалга оширишнинг аҳамияти, минтақавий ва жаҳон иқтисодиёти ривожланиши динамикасини, ички ва ташқи бозорлар конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда корхоналар ва тармоқларни янада ривожлантириш истиқболлари;

лойиҳанинг бизнес-режаси иқтисодий ҳисоб-китоблари (техник-иқтисодий асослаш, техник-иқтисодий ҳисоб-китоб)нинг асосланганлиги, корхонада рақобатбардошли, ташқи ва ички бозорларда талаб қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва кенгайтириш истиқболлари;

маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ва фойда кўришини ошириш бўйича молиявий режа бажарилишини, корхонанинг молиявий аҳволини, бюджет олдигаги, банкларнинг кредитлари, коммунал хизматлар, иш ҳақи бўйича қарзлар, шунингдек дебиторлик-кредиторлик қарзлар мавжудлиги ва ҳоказолар таҳлили.

16. Мақсадли маблағлар ҳисобига кредит беришнинг мақсадга мувофиқлиги (мақсадга мувофиқ эмаслиги) тўғрисида банк томонидан хулоса бериш муддати корхонанинг расмий ёзма аризаси рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 10 кундан ошмаслиги керак.

17. Мақсадли маблағлар ҳисобига кредит беришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса берилган тақдирда банк рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатган ҳолда ариза берувчини кредит бериш рад этилганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши керак.

18. Мақсадли маблағлар ҳисобига кредит беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ижобий хулоса берилган тақдирда банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига маблағларни банкнинг вакиллик ҳисоб рақамига ўтказиш учун банкнинг кредит қўмитаси (ёки Кенгаши) баённомасини юборadi.

19. Маблағлар вакиллик ҳисоб рақамига тушгандан кейин банк корхона билан кредит шартномаси тузади.

V. Мақсадли маблағлардан фойдаланиш учун берилган бююртманомаларни Кичик гуруҳ томонидан кўриб чиқиш тартиби

20. Мақсадли маблағлар ҳисобига кредит олиш учун корхона Ишчи органга корхонага хизмат кўрсатадиган банкни кўрсатган ҳолда мақсадли маблағлар ҳисобига кредит олиш учун ариза тақдим этади.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 1-бандида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлган лойиҳалар бўйича корхона томонидан Ишчи органга юқорида кўрсатиб ўтилган Низомга мувофиқ тасдиқланган лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши (техник-иқтисодий ҳисоб-китоби) ҳам тақдим этилади.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 1-бандида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлмаган лойиҳалар бўйича корхона Ишчи органга ушбу Вақтинчалик низомнинг 11-бандида назарда тутилган ҳужжатларни ҳам тақдим этади.

23. Ишчи орган томонидан корхонанинг расмий ёзма аризасини рўйхатдан ўтказиш мурожаат қилинган пайтдан бошлаб бир кун муддатда амалга оширилади:

24. Ишчи орган мақсадли маблағлар ҳисобига кредит олиш учун корхонанинг аризасини илова қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда бир кун муддатда кўриб чиқиш учун Кичик гуруҳ аъзоларига ва банкка юборadi.

25. Кичик гуруҳ аъзолари мақсадли маблағлар ҳисобига кредит беришнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқишда корхонадан ушбу Вақтинчалик низомнинг 11-бандида назарда тутилмаган қўшимча ҳужжатларни сўрашга ҳақлидир.

26. Ишчи гуруҳ аъзолари қўйидаги мезонларга алоҳида эътиборни қаратган ҳолда мақсадли маблағлар ҳисобига кредит бўйича юборилган ҳужжатларни кўриб чиқади:

республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадлари учун лойиҳани амалга оширишнинг аҳамияти, миллий ва жаҳон иқтисодиёти ривожланиши динамикасини, ички ва ташқи бозорлар конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда корхоналар ва тармоқларни янада ривожлантириш истикболлари;

маҳсулот таннархини камида 20 фоизга пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ва фойда кўришини ошириш бўйича молиявий режа бажарилишини,

корхонанинг молиявий аҳволини, бюджет олдидаги, банкларнинг кредитлари, коммунал хизматлар, иш ҳақи бўйича қарзлар, шунингдек дебиторлик-кредиторлик қарзлар ва ҳоказолар таҳлили;

иктисодийни барқарор, мувозанатли ривожлантиришни таъминлаш, ишлаб чиқариш кучларини мақбул жойлаштириш, ишлаб турган қувватлардан фойдаланиш, шунингдек хом ашё бозори конъюнктураси ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нуқтаи назаридан лойиҳани амалга оширишнинг умумий иқтисодий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш.

27. Кичик гуруҳ аъзолари томонидан лойиҳанинг мақсадли маблағлар ҳисобига кредит бериш мақсадларига мувофиқлиги (номувофиқлиги) тўғрисидаги хулосаларни ишчи органга юбориш муддати корхонанинг расмий ёзма аризаси рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 7 кундан ошмаслиги керак.

28. Ишчи орган хулосалар олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида мақсадли маблағлар ҳисобига кредит бериш мақсадларига лойиҳанинг мувофиқлиги (номувофиқлиги) тўғрисида қарор қабул қилиш учун Кичик гуруҳ мажлиси ўтказилишини ташкил этади.

29. Кичик гуруҳнинг қарори тегишли баённома билан расмийлаштирилади ва узил-кесил қарор қабул қилиш учун бир кун муддатда ишчи гуруҳга киритилади.

30. Ишчи гуруҳ уч кун муддатда Кичик гуруҳнинг қарорини кўриб чиқади.

Ишчи гуруҳнинг қарори тегишли баённома билан расмийлаштирилади ҳамда қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир кун муддатда банкка ва корхонага юборилади.

31. Ишчи гуруҳнинг лойиҳанинг мақсадли маблағлардан фойдаланиш мезонларига мувофиқлиги тўғрисидаги қарорини олишда кредит бўйича ҳужжатлар тегишли қарор қабул қилиш учун банкнинг кредит қўмитаси (ёки Кенгаши)нинг кўриб чиқиши учун киритилади.

32. Банк қонун ҳужжатларига ва банкнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ корхонадан кредит қўмитасининг қарорини қабул қилиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни сўрашга ҳақлидир.

33. Банкнинг кредит қўмитаси (ёки Кенгаши) кўриб чиқиш учун кредит бўйича ҳужжатлар киритилган кундан бошлаб 2 кун мобайнида мақсадли маблағлар ҳисобига кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

34. Банкнинг кредит қўмитаси (ёки Кенгаши) томонидан мақсадли маблағлар ҳисобига кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда банк банкнинг кредит қўмитаси (ёки Кенгаши) томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб 2 кундан кечикмай рад этишнинг асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда Кичик гуруҳни ва корхонани ёзма равишда хабардор қилади.

35. Мақсадли маблағлар ҳисобига кредит бериш масаласи ижобий ҳал этилган тақдирда банк бир кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига маблағларни банкнинг вакиллик ҳисоб рақамига ўтказиш учун Ишчи гуруҳнинг қарорини ва банкнинг кредит қўмитаси (ёки Кенгаши) баённомасини юборади.

36. Маблағлар вакиллик ҳисобварағига тушгандан кейин банк бир кун муддатда корхона билан кредит шартномаси тузади.

VI. Мақсадли маблағлардан фойдаланиш мониторингини олиб бориш тартиби

37. Банк банк ҳақидаги қонун ҳужжатларига, кредит шартномасига ва банкнинг кредит сиёсатига мувофиқ мақсадли маблағлар ҳисобига берилган кредитлар мониторингини олиб боради.

38. Берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланилган тақдирда банк кредитнинг бошқа мақсадда фойдаланилган қисмини кредит шартномасида назарда тутилган тартибда корхонанинг банкдаги талаб қилиб олинган депозит ҳисоб рақамидан муддатидан олдин ундириб олишга ҳақлидир.

39. Банк ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига дастлаб берилган кредит суммасини, кредит бўйича қарз қолдиғини, ҳисобланган ва тўланган фоиз тўловлари суммасини, кредит мониторинги амалга оширилганлиги тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда корхоналар бўйича мақсадли маблағлар ҳисобига берилган кредитлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

40. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳар ойда Кичик гуруҳга банклар бўйича мақсадли маблағлардан йўналишлар бўйича фойдаланиш тўғрисидаги ахборотни ҳамда маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳоллари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

527 Экспорт қилувчи корхоналар қарзини таркибий ўзгартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармони билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурининг 1.9-банди ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек экспорт қилувчи корхоналарнинг кредиторлик қарзини таркибий ўзгартириш бўйича асосланган таклифларни тезкорлик билан кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш учун Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармони билан ташкил этилган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳнинг экспорт қилувчи корхоналарнинг 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра қарзини таркибий ўзгартиришга ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига, етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқаришга йўналтирилган таклифлар тайёрлаш бўйича кичик гуруҳи (кейинги ўринларда Кичик гуруҳ деб аталади) таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Экспорт қилувчи корхоналарнинг қарзини таркибий ўзгартириш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига, етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича пеняларни ҳисобдан

* 1-илова берилмайди.

чиқариш юзасидан таклифлар тайёрлаш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳужжатларнинг тегишли пакетлари ҳамда экспорт қилувчи корхоналар бўйича асослашларнинг қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда сифатли тайёрланишини ва уларнинг 2009 йил 15 февралгача Кичик гуруҳга тақдим этилишини таъминласинлар.

3. Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясига (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра экспорт қилувчи корхоналарга етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун қарзларни тўлаш муддатини кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини бериш ҳамда кўрсатиб ўтилган қарзлар бўйича ҳисобланган пеняларни ҳисобдан чиқариш ҳуқуқи берилсин.

4. Кичик гуруҳ (Гуськова) 2009 йил 1 мартгача Республика комиссиясига экспорт қилувчи корхоналар мурожаатлари юзасидан тайёрланган бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича, 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун қарзларни таркибий ўзгартириш ҳамда кўрсатиб ўтилган қарзлар учун ҳисобланган пеняларни ҳисобдан чиқариш бўйича хулосаларни белгиланган тартибда тақдим этсин.

5. Республика комиссияси Кичик гуруҳ хулосаларини ҳисобга олган ҳолда экспортчи корхоналарга бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига, етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўлов муддатини кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини бериш тўғрисида қарор қабул қилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 31 декабрь,
289-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 31 декабрдаги 289-сон қарорига
2-ИЛОВА

**2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра экспорт қилувчи
корхоналарнинг қарзини таркибий ўзгартириш ҳамда
бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига, етказиб
берилган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган
коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича пеняларни
ҳисобдан чиқариш юзасидан таклифлар тайёрлаш
тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1. Ушбу Вақтинчалик низом 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра экспорт қилувчи корхоналарнинг қарзини таркибий ўзгартириш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига, етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқариш юзасидан таклифлар тайёрлаш тартибини белгилайди.

Экспорт қилувчи корхоналарнинг қарзларини таркибий ўзгартириш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига, етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқариш юзасидан ҳулосалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармони билан ташкил этилган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш бўйича Ишчи гуруҳнинг 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра экспорт қилувчи корхоналарнинг қарзини таркибий ўзгартиришга ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига, етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқаришга йўналтирилган таклифлар тайёрлаш бўйича Кичик гуруҳи (кейинги ўринларда Кичик гуруҳ деб аталади) томонидан тайёрланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Кичик гуруҳнинг ишчи органи ҳисобланади.

2. Экспорт қилувчи корхоналар Кичик гуруҳнинг ишчи органига қуйидаги ариза берувчилар:

ўзларининг таркибига кирувчи экспорт қилувчи корхоналар бўйича — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари орқали;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари таркибига кирмайдиган экспорт қилувчи корхоналар бўйича — муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича минтақавий комиссиялар орқали мурожаат қиладилар.

3. Ариза берувчилар 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига, етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўлов муддатини кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини бериш ҳамда пеняларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги мурожаатни юбориш билан бир вақтда 2009 йил 15 февралгача бўлган муддатда Ишчи органга экспорт қилувчи корхоналар фаолиятига тааллуқли қуйидаги ҳужжатлар ва асослашларни тақдим этадилар:

2008 йил учун махсулотлар экспорт қилишнинг прогноз ва амалдаги ҳажмла-

ри ҳамда физик ва қиймат ифодасидаги экспортнинг молиявий натижалари (чораклар бўйича тақсимлаган ҳолда), шунингдек 2009 йил учун прогноз;

2008 йил учун корхонанинг молиявий ресурслари баланси ва 2009 йил ҳамда тўлов муддатини кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) сўралаётган давр учун прогноз;

2008 йил бошидан бошлаб дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг, шу жумладан электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, сув таъминоти ва канализация хизматлари учун қарзларнинг динамикаси, уларнинг ҳаққонийлиги таққослаш далолатномалари билан тасдиқланади;

2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларнинг давлат солиқ хизмати органлари билан таққослаш далолатномалари;

хизмат кўрсатувчи банкнинг ҳисоб рақамларининг (ҳисоб-китоб, валюта ҳисоб рақамларининг) ҳолати тўғрисидаги маълумотномаси;

молиявий ҳисоботнинг корхона жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органларида тасдиқланган нусхалари, уларга 2008 йил 1 январдаги, 2008 йил 1 октябрдаги ва 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг барча ҳужжатлари ва изоҳлари илова қилинади;

экспорт қилувчи корхонани молиявий соғломлаштириш дастури, унда маҳсулот таннархини камида 20 фоизга пасайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсатилади;

корхонанинг 2008 йил учун ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичларининг прогнози ва амалда бажарилишининг қиёсий жадвали.

4. Тақдим этиладиган ҳисоб-китоблар, бошланғич ҳужжатлар ва бошқа материалларнинг ҳаққонийлиги ва асосланганлиги учун жавобгарлик экспорт қилувчи корхонанинг раҳбари ва бош бухгалтери зиммасига юкланади.

5. Ишчи орган мурожаат, шунингдек ушбу Вақтинчалик низомнинг 3-бандида кўрсатилган ҳужжатлар ва асослашлар олинган кундан бошлаб 2 кун мобайнида уларни хулоса тайёрлаш учун Кичик гуруҳга тақдим этади.

6. Кичик гуруҳ мурожаат тушган кундан бошлаб икки ҳафта муддатда тақдим этилган ҳужжатлар пакетини кўриб чиқади ва хулоса тайёрлайди, унда қуйидагилар акс эттирилган бўлиши керак:

тўлов муддатини кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти ва/ёки ҳисобдан чиқариш сўралаётган қарзларнинг тавсифи ва вужудга келиши сабабларининг объективлиги, қарзни тўлаш жадвалининг мавжудлиги ва унинг асосланганлиги;

корхоналар молиявий ҳисоботларининг давлат солиқ хизмати органлари томонидан уларни қабул қилиб олганлиги тўғрисида белги қўйилган нусхалари мавжудлиги.

7. Қуйидагилар экспорт қилувчи корхоналарга қарзни тўлаш муддатини кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини беришнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

2009 йил учун экспорт, шу жумладан фьючерс контрактларининг мавжудлиги;

2009 йилда маҳсулот таннархини камида 20 фоизга камайтириш бўйича аниқ тадбирларнинг мавжудлиги;

кредиторлик қарзларнинг асосан жаҳон нархларининг ноқулай конъюнктураси билан боғлиқ ҳолда вужудга келганлиги.

8. Кичик гуруҳнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасидаги аъзолари имзолаган экспорт қилувчи корхоналарга қарзни тўлаш муддатини кечиктириш (бўлиб-бўлиб) тўлаш имкония-

тини бериш ва пеняни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги хулосаси тегишли идораларнинг қўшма хулосасига тенглаштирилади.

Кичик гуруҳ 2009 йил 1 мартгача Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш Республика комиссиясига (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) 2009 йил 1 январдаги ҳолатига кўра бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни, етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун қарзларни таркибий ўзгартириш ҳамда кўрсатиб ўтилган қарзлар юзасидан ҳисобланган пеняларни ҳисобдан чиқариш бўйича хулосани, тегишли хулосаларни илова қилган ҳолда, белгиланган тартибда киритади.

9. Ариза берувчилар томонидан ушбу Вақтинчалик низомнинг 3-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати тақдим этилмаганда, шунингдек мазкур ҳужжатлар ушбу Вақтинчалик низомнинг 6-бандида назарда тутилган мезонларга мувофиқ бўлмаганда Кичик гуруҳ экспорт қилувчи корхонага қарзни тўлаш муддатини кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини бериш ҳамда пеняни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлидир, у кейинчалик бу ҳақда Республика комиссиясига тегишли ахборот тақдим этади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAᖘKAMACINING
ҚАРОРИ

528 **Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармони билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурининг 1.6-банди ижросини таъминлаш, шунингдек экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлаш чоратadbирларини амалга ошириш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг инвестицион фаоллиги ўсишини рағбатлантириш ва модернизациялаш, аҳоли бандлигини оширишга қўмаклашиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилган Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясига (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) экспорт қилувчи корхоналарнинг банкларнинг кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ҳуқуқи берилсин.

2. Экспорт қилувчи корхоналарнинг банкларнинг кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш бўйича мурожаатларини Комиссия томонидан кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Комиссияга:

банкларнинг илгари берилган кредитлари бўйича экспорт қилувчи корхоналарнинг муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш масалалари бўйича тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилда қабул қилинган ҳужжатларига мувофиқ банкларнинг капиталлашувини ошириш учун бюджет маблағларидан, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларидан ва бошқа акциядорларнинг маблағларидан ажратилган мақсадли маблағлардан берилган кредитлар ҳисобига корхоналар томонидан янги қурилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, товарларни реализация қилиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)нинг прогноз параметрларига эришилишига кўмаклашиш;

ишчи органнинг амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини ҳар ойда кўриб чиқиш юклансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

+

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

-

Тошкент ш.,
2008 йил 31 декабрь,
290-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 31 декабрдаги 290-сон қарорига
ИЛОВА

**Экспорт қилувчи корхоналарнинг банкларнинг кредитлари
бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари
суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари
ва пеняларни ҳисобдан чиқариш бўйича мурожаатларини
Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш
бўйича Республика комиссияси томонидан кўриб чиқиш
тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сон Фармонида мувофиқ ташкил этилган Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан экспорт қилувчи корхоналарнинг банк-

ларнинг кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш бўйича муурожаатларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Вақтинчалик низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишчи орган — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси;

экспорт қилувчи корхона — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган, ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) экспорт қиладиган, янги қурилишни, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга оширадиган ҳамда экспорт қилинадиган маҳсулотга экспорт нархлари ва талаб пасайиши муносабати билан вақтинча молиявий қийинчиликларга дуч келаётган корхона;

банк — экспорт қилувчи корхонага кредит берган тижорат банки;

муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш — кўрсатиб ўтилган экспорт қилувчи корхонанинг молиявий ҳолати вақтинча ёмонлашганлиги муносабати билан кредитни қайтариш ва фоизлар тўлаш муддатларини узайтириш, кредит бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзларни қайтариш бўйича кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) юзасидан экспорт қилувчи корхонага берилган кредит бўйича шартноманинг бирламчи ёки илгари қайта кўриб чиқилган шартларини ўзгартириш;

кредитлар бўйича жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш — экспорт қилувчи корхонанинг банк олдидаги қарзларини кўрсатиб ўтилган экспорт қилувчи корхонанинг молиявий ҳолати вақтинча ёмонлашганлиги муносабати билан асосий қарз ўз вақтида қайтарилмаганлиги учун қўлланилган жарима санкциялари ва ҳисобланган пеня суммасига камайитириш;

экспорт қилувчи корхонанинг муурожаати — экспорт қилувчи корхонанинг банкларнинг кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларини ҳисобдан чиқариш бўйича расмий ёзма муурожаати (илтимосномаси).

3. Ушбу Вақтинчалик низомнинг амал қилиши қуйидагилар:

маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини камида 20 фоизгача пасайитириш бўйича асосланган молиявий режа, шу жумладан ишлаб чиқаришнинг материаллар ва энергия сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ва фойда кўришини ошириш, молиявий оқимларни бошқаришни такомиллаштириш ва ортиқча штат бирликларини мақбуллаштириш;

илгари амалга оширилган ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни барқарор экспортга етказиб беришни ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг камида 30 фоизи ҳажмида бўлиши ва жаҳон молия танглигининг таъсири натижа-сида экспорт маҳсулотга нарх-наво ва талаб пасайгунгача амал қилган экспорт контрактларга эга бўлиш мавжуд бўлганда фақат эквивалентда 500 минг АҚШ долларидан ортиқ қийматли янги қурилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини назарда тутадиган экспорт қурувчи корхоналар фаолиятига жорий этилади.

4. Комиссия Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва банкларнинг экспорт қилувчи корхоналарнинг кредитларини таркибий ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

II. Комиссиянинг асосий функциялари

5. Комиссия юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

банкларнинг экспорт қилувчи корхоналарга берилган кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш масалалари бўйича банклар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг хулосаларини кўриб чиқиш;

банкларнинг экспорт қилувчи корхоналарга берилган кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш бўйича ҳужжатларнинг белгиланган муддатларда банклар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан кўриб чиқилишини назорат қилиш;

қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва экспорт қилувчи корхоналарнинг муддати ўтказиб юборилган қарзлари ҳосил бўлишига олиб келадиган омилларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

III. Кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлар суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш бўйича экспорт қилувчи корхоналарнинг муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби

6. Банкларнинг кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлари суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқариш учун экспорт қилувчи корхона ишчи органга муурожаат қилишнинг ҳолисона сабабларини, юзага келган вазиятдан чиқиш ва тўлов қобилиятини тиклашнинг асосланган йўлларини кўрсатган ҳолда расмий ёзма муурожаатни тақдим этади.

7. Экспорт қилувчи корхонанинг расмий ёзма муурожаатини Ишчи орган томонидан рўйхатдан ўтказиш муурожаат қилинган пайтдан бошлаб бир кун муддатда амалга оширилади.

8. Экспорт қилувчи корхона айна бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ва банкка қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда муурожаатни тақдим этади:

белгиланган тартибда тасдиқланган янги қурилишни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳасининг дастлабки техник-иқтисодий асосланиши (техник-иқтисодий асослаш) ёки дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китоб (техник-иқтисодий ҳисоб-китоб), шунингдек ушбу инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ахборот;

экспорт қилувчи корхонани бошқаришнинг ваколатли органлари томонидан тасдиқланган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини камида 20 фоизгача пасайтириш бўйича молиявий режа, шу жумладан ишлаб чиқаришнинг материаллар ва энергия сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ва фойда кўришини ошириш, молиявий оқимларни бошқаришни такомиллаштириш ва ортиқча штат бирликларини мақбуллаштириш, шунингдек ушбу молиявий режани амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ахборот;

2006 — 2008 йиллар мобайнида тузилган экспорт контрактлари ҳамда ўзи иш-

лаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг экспортга етказиб берилиши ва экспорт бўйича валюта тушуми тўғрисидаги ахборот;

банкнинг экспорт контрактлари бўйича валюта маблағлари рўйхатдан ўтказилиши ва ҳаракати ҳақидаги, шунингдек давлат божхона хизмати органларининг — экспортга юклаб жўнатиш тўғрисидаги ёзма тасдиқномалари;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан тасдиқланган 2008 йилда нарх-наво ва талабнинг энг яхши ва энг ёмон кўрсаткичлари даврида экспорт маҳсулотга нархлар ва талабнинг динамикаси тўғрисидаги ахборот.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва банк кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлар суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқаришнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқишда экспорт қилувчи корхонадан қўшимча маълумотларни сўрашга ҳақлидир.

10. Экспорт қилувчи корхонанинг мурожаатини банк, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан кўриб чиқиш муддати 10 кундан ошмаслиги керак.

11. Экспорт қилувчи корхонанинг мурожаатини кўриб чиқиш:

банк томонидан — экспорт қилувчи корхонанинг мурожаати қондирилган ва шартлар ўзгармаган тақдирда, шунингдек экспорт қилувчи корхонанинг мурожаати қондирилган тақдирда илгари берилган кредитлар қайтарилишини таъминлаш учун экспорт қилувчи корхона томонидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда кредит шартномасида назарда тутилган экспорт маҳсулотга нарх-наво ва талабнинг пасайиши ҳамда кредитнинг қайтарилиши, тўлай олиши ва муддатлилиги ўртасидаги сабабли ўзаро алоқани аниқлаш, экспорт қилувчи корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини қиёсий баҳолаш ва илгари берилган кредитларни қайтариш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан — янги қурилишни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шунингдек корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда экспорт қилувчи корхонани янада ривожлантириш истиқболлари бўйича инвестиция лойиҳаси амалга оширилишини баҳолаш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан — маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини пасайтириш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллилигини ва фойда кўришини ошириш, шунингдек корхонани молиявий соғломлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар бўйича экспорт қилувчи корхонанинг молиявий режаси бажарилишини таҳлил қилиш юзасидан амалга оширилади.

12. Экспорт қилувчи корхонанинг мурожаатини кўриб чиқиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан ишчи органга кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарзлар суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги (мақсадга мувофиқ эмаслиги) тўғрисида хулоса киритилади.

13. Ишчи орган бир кун муддатда экспорт қилувчи корхонага ва Комиссияга банкнинг, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг хулосасини юборади.

14. Комиссия икки ҳафта муддатда тақдим этилган хулосаларни кўриб чиқади ва банкка илтимоснома юбориш ёки экспорт қилувчи корхонанинг мурожаатини қондиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

15. Комиссиянинг қарори тегишли баённома билан расмийлаштирилади ҳамда банкка ва экспорт қилувчи корхонага юборилади.

16. Комиссиянинг экспорт қилувчи корхонанинг мурожаатини қондириш тўғрисидаги илтимосномаси тўғрисидаги қарорини олишда кредитни таркибий ўзгартириш бўйича тўпланиб қолган ҳужжатлар бир ҳафта муддатда тегишли қарор қабул қилиш учун банкнинг кредит қўмитаси кўриб чиқиши учун киритилади. Банк қонун ҳужжатларига ва банкнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ кредит қўмитасининг қарорини қабул қилиш учун зарур қўшимча ахборотни экспорт қилувчи корхонадан сўрашга ҳақлидир.

17. Банкнинг кредит қўмитаси ҳужжатлар киритилган кундан бошлаб 2 кун мобайнида кредит бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарздорлик суммасини таркибий ўзгартириш ва/ёки жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги (мақсадга мувофиқ эмаслиги) тўғрисида қарор қабул қилади.

18. Кредит қўмитаси томонидан кредит бўйича муддати ўтказиб юборилган ва жорий қарздорлик суммасини таркибий ўзгартириш ҳамда жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқаришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда банк банкнинг кредит қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинган кундан бошлаб 2 кундан кечикмай рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатган ҳолда Комиссияни ва экспорт қилувчи корхонани ёзма шаклда хабардор қилади.

19. Кредит қўмитасининг қарори ижобий бўлган тақдирда банк қонун ҳужжатларига ва банкнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ экспорт қилувчи корхона билан кредит бериш шартларига киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида кредит шартномасига қўшимча тузади, кредит бўйича жарима санкциялари ва пеняларни ҳисобдан чиқаради ҳамда таркибий ўзгартирилган кредитни қайтаришнинг янги жадвалини тасдиқлайди.

20. Банк банк тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва банкнинг кредит сиёсатига мувофиқ экспорт қилувчи корхоналарнинг таркибий ўзгартирилган кредитлари мониторингини амалга оширади.

21. Таркибий ўзгартирилган кредитни қайтариш жадвали бузилган тақдирда банк кредитнинг муддатида қайтарилмаган қисмини экспорт қилувчи корхонанинг банкдаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақамидан кредит шартномасида назарда тутилган тартибда муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**529 Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисида-
ги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
15 декабрда 1882-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 25 декабрдан кучга киради)

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 1992 йил, 11-сон, 37-модда) **буюраман:**

1. Илова қилинаётган Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Суғурталовчилар 2008 йилнинг 31 декабригача бўлган муддатда огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси тўғрисидаги низомларини юқорида кўрсатилган Низомга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2006 йил 8 февралдаги 11-сонли «Суғурталовчилар томонидан суғурта захираларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2006 йил 6 май, рўйхат рақами 1571 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 19-сон, 166-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 20 ноябрь,
107-сон

Молия вазирининг
2008 йил 20 ноябрдаги 107-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1992 йил, 11-сон, 37-модда) мувофиқ суғурталовчилар томонидан суғурта захираларини ҳисоблаш услуби ҳамда шакллантириш ва жойлаштириш тартибига талабларни белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом давлат ижтимоий суғурта ташкилотларига нисбатан қўлланилмайди.

2. Мазкур Низом мақсадларида қўлланиладиган асосий тушунчалар:

ажратилган активлар — суғурталовчининг суғурта захиралари суммасига мувофиқ келувчи активлари;

бартараф этилмаган даъво — суғурта ходисасининг юз бериши муносабати билан вужудга келган, ҳисобот санасига у бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари ҳали бажарилмаган ёки тўлиқ бажарилмаган, хабар қилинган зарар;

боғлиқ шахслар — суғурталовчи билан алоҳида муносабатларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахслар, яъни:

суғурталовчининг Кузатув кенгаши ёки бошқа ваколатли органи таркибидаги ҳар қандай шахс, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари;

суғурталовчининг устав капиталида 20 фоиздан ортиқ улушга эга ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс, ёки ушбу юридик шахснинг ҳар қандай раҳбари ёки йирик акциядорлари (таъсисчилари), шунингдек уларнинг яқин қариндошлари;

суғурталовчининг фаолиятини қонунчиликка мувофиқ назорат қилувчи юридик шахслар ва уларнинг бошқарувчилари;

суғурталовчининг улуши устав капиталида 20 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, ушбу юридик шахсларнинг мансабдор шахслари ва уларнинг яқин қариндошлари.

Юқорида кўрсатилган шахслардан бири билан боғлиқ шахс уларнинг ҳар бири билан боғлиқ шахс бўлиб ҳисобланади;

Давсуғуртаназорат — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси;

диверсификация — суғурта захиралари маблағлари ёки улардан олинadиган даромадларнинг эҳтимол тутилган йўқотишлар таваккалчилигини пасайтириш мақсадида суғурталовчининг ушбу маблағларининг турли қўйилма объектлари ўртасида тақсимланиши;

зарарларни бартараф этиш бўйича харажатлар — суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг мулкий манфаатларига етказилган зарар (зиён) ҳажмини баҳолаш ва камайтириш билан боғлиқ эксперт ва маслаҳат ёки бошқа хизматлар учун ҳақ тўлашга йўналтирилган пул маблағлари суммаси;

маблағларнинг ликвидлиги — суғурталовчининг ўз мажбуриятларини бажариши учун суғурта захираларининг номинал қийматини сақлаб қолган ҳолда уларни пул маблағларига тезлик билан конверсиялаш имконияти;

маблағларнинг қайтарилиши — суғурталовчининг суғурта захиралари маблағларини жойлаштиришнинг аниқ шароитларида инвестицион таваккалчиликни энг паст даражага келтириш орқали имкон қадар юқори хавфсизлигини таъминлаш. Ушбу ҳолатда инвестицион таваккалчилик деганда инвестициялардан олинган ҳақиқий фойда мўлжалланган фойдадан паст бўлиши эҳтимоли тушунилади;

маблағларнинг фойдалилиги — суғурталовчининг суғурта захиралари маблағларидан давлат қимматли қоғозларининг иккиламчи бозордаги даромадлилигидан кам бўлмаган даражада даромад олиш;

наф олувчи — суғурта қилдирувчи томонидан суғурта товонини ёки суғурта пулини олувчи сифатида тайинланган ва суғурта қилинмаган жисмоний ёки юридик шахс;

суғурта қилдирувчи — суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузувчи, суғурта шартномаси бўйича ҳисобланган суғурта мукофотини тўловчи ҳамда суғурталовчилар билан муайян суғурта муносабатларига кирувчи ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс ёки тўлиқ фуқаролик лаёқатига эга бўлган жисмоний шахс;

суғурта қилинган — суғуртада иштирок этувчи, мулкӣ манфаатлари суғурта ҳимоясининг объекти бўлган, жисмоний ёки юридик шахс. Суғурта қилинган, агар ўзига нисбатан суғурта шартномасини тузса ва ҳисобланган суғурта мукофотини тўласа, айни пайтда суғурта қилдирувчи ҳам бўлиши мумкин. Агар суғурта шартномаси бошқа шахсга нисбатан тузилса, у ҳолда суғурта қилдирувчи ва суғурта қилинганлар суғуртада иштирок этувчи турли шахслар ҳисобланадилар;

суғурта мукофотлари (суғурта брутто-мукофотлар) — сўм ёки чет эл валютасида тўланадиган, ҳисоблаш тартиби ва миқдори суғурта шартномаси билан белгиланадиган, суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчига тўланадиган бадаллар;

суғурта захиралари — суғурта қилдирувчи томонидан сўм ёки хорижий валютада тўланган суғурта мукофотлари ҳисобига суғурталовчи томонидан шакллантириладиган ҳамда суғурталовчининг балансида актив ёки мажбурият кўринишида ҳисобга олинадиган, суғурта тўловлари бўйича молиявий мажбуриятларни бажариш, зарарларни бартараф этиш бўйича харажатлар ва огоҳлантириш чора-тадбирларини молиялаштириш учун зарур бўлган маблағлар;

суғурта зарари — суғурта ходисасининг юз бериши натижасида суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурта қилинган шахснинг мулкӣ манфаатларига етказилган ва суғурта шартномасининг шартларига мувофиқ суғурталовчи томонидан қопланадиган зарар (зиён) миқдорининг пулдаги ифодаси;

техник захиралар — ҳисобот санасига алоҳида суғурта шартномаси ва/ёки умумий суғурта портфели бўйича ҳисобланган, суғурталовчи томонидан суғурта тўловлари бўйича молиявий мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган маблағлар суммаси;

фалокат — муайян жойда бир вақтнинг ўзида содир бўлувчи ҳамда бунинг натижасида бир неча суғурталанган объектларга жуда йирик зарар етказувчи битта воқеа ёки ўзаро боғлиқ воқеалар кетма-кетлиги;

хабар қилинган зарар — суғурта ходисасининг юз бериши тўғрисида қонун ёки суғурта шартномасида белгиланган тартибда суғурталовчига хабар қилинган ҳамда бунинг натижасида суғурта қилдирувчи, наф олувчи ёки суғурталанган шахснинг мулкӣ манфаатларига етказилган зиённинг (шикастнинг) пулдаги ифодаси;

юз бериши мумкин бўлган энг юқори зарар — бир ёки бир неча суғурта шартномалари шартлари бўйича уларда белгиланган суғурта ходисалари натижасида суғурталовчи ёки қайта суғурталовчи кўриши мумкин бўлган суғурта зарарининг баҳоланган энг юқори ҳажми;

ялпи ҳисобланган суғурта мукофоти — ҳисобот санасига қадар олдинги ўн икки ой мобайнидаги, кирувчи қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотларини қўшилган, ушбу даврда қайтарилган суғурта мукофотларини чегирган ҳолдаги, бироқ қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича мукофотларни чегиргунга қадар ҳисобланган суғурта мукофотларининг умумий миқдори;

ҳисобланган суғурта мукофоти — пул маблағлари қачон олинганлигидан қатъи назар, ҳисобот даврида ҳисобланган суғурта мукофотлари;

ҳисобот даври — 1 январдан 31 декабргача бўлган календарь йил. Бунда мазкур Низомга мувофиқ ҳисоб-китоблар ва маълумотлар тузиладиган ҳисобот даври деб, ҳисобот йилининг 1 январидан ҳар бир чорагининг охири календарь кунигача бўлган давр қабул қилинади;

ҳисобот санаси — мазкур Низомга мувофиқ ҳисоб-китоблар ва маълумотлар тузиладиган ҳисобот даврининг охири календарь куни.

II. Суғурта захираларини ҳисоблаш услуби ва шакллантириш тартибига талаблар

3. Суғурта захиралари суғурталовчи томонидан суғуртанинг ҳар бир тури (класси) бўйича суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш назарда тутилган валютада шакллантирилади.

Суғурталовчи бухгалтерия ҳисоботини тузишда ҳисобот санасига суғурта фаолиятини амалга оширишдан олинган молиявий натижаларини аниқлашда суғурта захиралари ҳажмини ҳисоблайди. Суғурта захиралари ҳисоб-китоби суғурталовчининг ҳисоб ва ҳисобот маълумотларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

4. Ҳар бир ҳисобот санасига ҳар бир суғурта шартномаси бўйича суғурта захираларини ҳисоб-китоб қилиш учун зарур маълумотларни ўз ичига олувчи ҳужжатлар суғурталовчи томонидан ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган санадан бошлаб, 3 йилдан кам бўлмаган муддатда сақланиши лозим. Хусусан, қуйидаги маълумотларни ўз ичига олувчи ҳужжатларнинг сақланиши лозим:

шартнома (полис, гувоҳнома, квитанция) рақами;

шартноманинг кучга кирган санаси (суғуртанинг амал қилишининг бошланиш санаси);

шартноманинг амал қилиш муддати;

суғурта пули (пуллари) миқдори (миқдорлари);

ҳисобланган суғурта мукофоти (бадаллари) миқдори;

суғурта мукофоти (бадаллари) ҳисобланган сана;

суғурта мукофотининг (бадалларининг) миқдори (миқдорлари) ва тўланган санаси (саналари);

шартнома тузганлик учун ҳисобланган мукофот миқдори;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда суғурта мукофотидан (бадалларидан) ажратмалар миқдори;

шартномани муддатидан олдин тугатиш санаси;

шартнома шартларини ўзгартириш санаси (саналари);

шартноманинг муддатидан олдин тугатилиши (шартларининг ўзгартирилиши)

муносабати билан суғурта қилдирувчиларга (қайта суғурта қилдирувчиларга) қайтарилган суғурта мукофоти (бадаллари) миқдори;

суғурта мукофотини (бадалларини) қайтариш санаси;

суғурта ҳодисаси (ҳодисалари) тўғрисида ариза тушган сана (саналар);

суғурта ҳодисаси (ҳодисалари) юз берган сана (саналар);

хабар қилинган зарар (зарарлар) миқдори (миқдорлари), шунингдек, уни бартараф этиш жараёнида хабар қилинган зарар (зарарлар) миқдорининг (миқдорларининг) ўзгариши тўғрисида маълумот;

суғурта тўлови (тўловлари) санаси (саналари);

суғурта тўлови (тўловлари) миқдори (миқдорлари);

суғурта тўловини (тўловларини) тўлашни рад этиш санаси (саналари).

Кўрсатилган маълумотлар электрон маълумотлар базаси, шунингдек, Тузилган суғурта шартномаларини ҳисобга олиш журнали, Зарарлар ва муддатидан олдин тугатилган суғурта шартномаларини ҳисобга олиш журнали, Қайта суғурта қилишга қабул қилинган шартномаларни ҳисобга олиш журнали, Қайта суғурта қилишга қабул қилинган шартномалар бўйича зарарларни ҳисобга олиш журнали учун ҳам мажбурий реквизитлар ҳисобланади. Суғурталовчи суғурта захиралари ҳисоб-китобини кўрсатилган регистрларда мавжуд бўлган маълумотлар асосида амалга оширади.

5. Мазкур Низомга мувофиқ суғурталовчи ўзининг балансида (ҳолатга кўра) мажбурийят ёки активлар сифатида ҳисобга олинувчи қўйидаги техник захираларни шакллантириши шарт:

а) ишлаб топилмаган мукофот захираси (умумий суғурта (қайта суғурта қилиш) бўйича фаолиятни амалга оширишда);

б) мукофотлар захираси (хаётни суғурта қилиш бўйича фаолиятни амалга оширишда);

в) кейинги йилларда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун мўлжалланган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захираси (ФЖМС БЗ) (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолиятни амалга оширишда);

г) суғурта ҳодисасининг юз бериши билан келиб чиқувчи ҳамда суғурта шартномаси шартлари бўйича қопланиши лозим бўлган зарар (зиён) ҳажмига мувофиқ ҳолда аниқланадиган ва қўйидагилардан таркиб топган зарарлар захираси:

хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси (ХЗЗ);

содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси (СХЗЗ).

6. Суғурталовчи Давсуғуртаназорат билан келишилган ҳолда қўшимча равишда: огоҳлантириш чора-тадбирлари захирасини (ОЧЗ);

фалокатлар захирасини (ФЗ);

зарарлиликнинг тебраниши захирасини (ЗТЗ);

активларнинг номувофиқлиги захирасини (АНЗ);

суғурта фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа турдаги суғурта захираларини ташкил этиши мумкин.

7. Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ва транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захирасидан ташқари, техник захираларни ҳисоб-китоб қилиш базаси сифатида базавий суғурта мукофоти — ҳисобот даврида суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаларини тузиш бўйича воситачилик хизматларини кўрсатил-

ганлик учун ҳисобланган комиссия мукофоти ва огоҳлантириш чора-тадбирлари захирасини шакллантиришга йўналтирилган маблағлар суммаси чегирилган, ҳисобланган суғурта брутто-мукофоти қабул қилинади.

8. Фойдани аниқлашда техник захиранинг камайиши суғурталовчининг даромадини, техник захиранинг кўпайиши эса зарарини, намоён этади.

9. Ишлаб топилмаган мукофот захираси (ИМЗ) — бу суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси бўйича ҳисобланган, кейинги ҳисобот даврларида амалга оширилиши мумкин бўлган, келгуси тўловларни таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажариш учун мўлжалланган ҳисобот даврининг чегараларидан чиқувчи шартноманинг амал қилиш даврига тегишли суғурта мукофотининг қисми.

ИМЗ маблағлари ҳисобидан суғурта қилдирувчиларга (қайта суғурта қилдирувчиларга) муддатидан олдин тугатилган суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича суғурта мукофотларини қайтариш амалга оширилади.

10. ИМЗни ҳисоблаш учун суғурта фаолияти тўртта ҳисоб гуруҳларига бўлинади:

а) 1-ҳисоб гуруҳи:

бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш (1-класс);

касаликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш (2-класс);

ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш (3-класс);

ҳаракатланадиган темир йўл таркибини суғурта қилиш (4-класс);

авиация суғуртаси (5-класс);

денгиз суғуртаси (6-класс);

йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш (7-класс);

мол-мулкни оловдан, табиий офатдан (8-класс) ва зарардан суғурта қилиш (9-класс);

автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш (10-класс);

авиация (11-класс) ва денгиз (12-класс) суғуртаси доирасида жавобгарликни суғурта қилиш;

умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш (13-класс) (қарз олувчиларнинг кредитни тўламаганлиги учун жавобгарлигини суғурта қилишдан ташқари);

ҳуқуқий химоя билан боғлиқ харажатларни суғурта қилиш (17-класс);

нопропорционал қайта суғурта қилиш шартномалари (ҳар бир қайта суғуртага қабул қилинган шартнома (шартномалар) бўйича қайта суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш доирасига тушувчи зарарнинг содир бўлиши борасида суғурталовчи томонидан амалга ошириладиган ҳар бир суғурта тўловидаги олдиндан ўрнатилган улушни қоплаш бўйича қайта суғурталовчининг мажбурияти пайдо бўлувчи шартларга эга бўлган қайта суғурта қилиш шартномаларидан ташқари қайта суғурта қилиш шартномалари);

б) 2-ҳисоб гуруҳи:

кредитларни суғурта қилиш (14-класс);

кафилликни (кафолатларни) суғурта қилиш (15-класс);

бошқа молиявий таваккалчиликлардан суғурта қилиш (16-класс) (қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилини суғурта қилишдан ташқари);

қарз олувчиларнинг кредитни тўламаганлиги учун жавобгарлигини суғурта қилиш (13 класс);

в) 3-ҳисоб гуруҳи:

суғурта шартномасининг амал қилиш муддати бошланишининг ва тугашининг ноаниқ («очик») саналарига эга бўлган суғурта шартномаларини тузиш имкониятини назарда тутувчи суғурта турлари;

г) 4-хисоб гуруҳи:

қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилини суғурта қилиш (16 класс).

Суғурта захираларини ҳисоблаш учун суғурталовчи мазкур бандда назарда тутилган ҳар бир ҳисоб гуруҳи ичида суғурта шартномасининг шартлари, суғурта объектлари, суғурта объектларининг жойлашуви ва суғурта таваккалчиликлари рўйхатига боғлиқ ҳолда қўшимча ҳисоб гуруҳларини киритиши мумкин.

Ҳар бир қайта суғуртага қабул қилинган шартнома (шартномалар) бўйича қайта суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш доирасига тушувчи зарарнинг содир бўлиши борасидаги суғурталовчи томонидан амалга ошириладиган ҳар бир суғурта тўловидаги олдиндан ўрнатилган улушни қоплаш бўйича қайта суғурталовчининг мажбурияти пайдо бўлувчи шартларга эга бўлган пропорционал қайта суғурта қилиш шартномалари тегишли суғурта шартномаларига оид ҳисоб гуруҳларига киритилади.

11. Суғурталовчи томонидан мазкур Низомнинг 10-бандида белгиланган гуруҳланиш бўйича бир нечта ҳисоб гуруҳларига тааллуқли бўлган шартнома тузилган тақдирда, суғурта захираларини ҳисоблаш мақсадида кўрсатилган шартноманинг муайян ҳисоб гуруҳига тўғри келувчи ҳар бир қисми тегишли ҳисоб гуруҳига тааллуқли алоҳида шартли шартнома сифатида ҳисобга олинади.

12. Шартноманинг кучга кириш санаси (суғуртанинг амал қилишининг бошланиш санаси) шартнома бўйича суғурта мукофотини (бадалларини) ҳисоблаш санасидан кечроқ бўлса ва суғурта захираларининг ҳисоб-китоби шартноманинг кучга кириш санасига (суғуртанинг амал қилишининг бошланиш санасига) қадар амалга оширилган тақдирда, ишлаб топилмаган мукофот захирасини ҳисоблаш мақсадида ишлаб топилмаган мукофот захираси шартнома бўйича ҳисобланган суғурта мукофоти (бадаллари) (суғурта брутто-мукофоти) миқдорига тенг деб қабул қилинади.

13. Биринчи ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган мукофот ҳар бир суғурта шартномаси бўйича алоҳида «pro rata temporis» усули — ишлаб топилмаган мукофотни ҳисобот санасига суғурта шартномасининг тугамаган амал қилиш муддатига пропорционал ҳолда ҳисоблаш орқали ҳисобланади. Ҳар бир суғурта шартномаси бўйича ишлаб топилмаган мукофот ҳисоб-китоб учун қабул қилинган базавий суғурта мукофотининг ҳисобот санасига суғурта шартномасининг тугамаган амал қилиш муддатининг (кунларда) суғурта шартномасининг бутун амал қилиш муддати (кунларда) нисбатига кўпайтмаси сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{Ими} = \text{Бми} \times \frac{\text{Тi} - \text{Ми}}{\text{Тi}}, \text{ бу ерда:}$$

Ими — i-шартнома бўйича ишлаб топилмаган мукофот;

Бми — i-шартнома бўйича базавий суғурта мукофоти;

Тi — i-шартноманинг кунлардаги амал қилиш муддати;

Ми — i-шартноманинг кучга киришидан бошлаб ҳисобот санасигача бўлган кунлар сони.

Бутун ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган мукофот захираси ҳар бир шартнома бўйича «pro rata temporis» усули орқали ҳисобланган ишлаб топилмаган мукофотларни қўшиш йўли билан аниқланади.

Биринчи ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган мукофот захираси «1/24» усули бўйича ҳам ҳисобланиши мумкин.

14. Ишлаб топилмаган мукофотни (ишлаб топилмаган мукофот захирасини) «1/24» усули орқали ҳисоблаш учун битта ҳисоб гуруҳига тааллуқли бўлган шартномалар кичик гуруҳларга ажратилади. Кичик гуруҳларга амал қилиш муддати (ой-

ларда) бир хил бўлган ва амал қилишининг бошланиш санаси бир хил ойларга тўғри келувчи шартномалар киритилади.

Кичик гуруҳга кирувчи шартномалар бўйича базавий суғурта мукофотининг умумий суммаси кичик гуруҳга кирувчи ҳар бир шартнома бўйича ҳисобланган базавий суғурта мукофотларини қўшиш йўли билан аниқланади.

Ишлаб топилмаган мукофот (ишлаб топилмаган мукофот захираси) «1/24» усули бўйича ҳисобланганда, қуйидаги шартлар қўлланилади:

суғурта шартномаси амал қилишининг бошланиш санаси деб ойнинг ўртаси қабул қилинади;

суғурта шартномасининг ойларнинг бутун сонларига тенг бўлмаган амал қилиш муддати ойларнинг энг яқин катта бутун сонига тенг деб қабул қилинади.

Ишлаб топилмаган мукофот (ишлаб топилмаган мукофот захираси) ҳар бир кичик гуруҳ бўйича базавий суғурта мукофотлари умумий суммасини ишлаб топилмаган мукофот захираси миқдорини ҳисоблаш коэффициентларига кўпайтириш орқали аниқланади.

Ҳар бир кичик гуруҳ учун коэффициент кичик гуруҳларга кирувчи шартномаларнинг ҳисобот санасига тугамаган амал қилиш муддатининг (ярим ойларда) кичик гуруҳга кирувчи шартномалар амал қилишининг умумий муддатига (ярим ойларда) нисбати сифатида аниқланади.

Бутун ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган мукофот захираси «1/24» усули орқали ҳар бир кичик гуруҳ бўйича ҳисобланган ишлаб топилмаган мукофотларни (ишлаб топилмаган мукофот захираларни) қўшиш йўли билан аниқланади.

15. Иккинчи ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган мукофот суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тўлиқ тугагунга қадар базавий суғурта мукофоти миқдорида ҳар бир шартнома бўйича аниқланади.

16. Учинчи ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган мукофот ҳисобот санасига базавий суғурта мукофотининг 40 фоизи миқдорида ҳар бир суғурта шартномаси бўйича аниқланади.

17. Тўртинчи ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган мукофот суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тўлиқ тугагунга қадар базавий суғурта мукофотининг 75 фоизи миқдорида ҳар бир шартнома бўйича аниқланади.

18. Мукофотлар захираси кейинги ҳисобот даврларида рўй бериши мумкин бўлган ҳаётни суғурта қилиш шартномалари бўйича келгусидаги тўловларни таъминлашга оид мажбуриятларни бажариш ва суғурта полисининг кафолати асосида қарз бериш учун мўлжалланган. Мукофотлар захираси қуйидагилардан иборат:

ҳаётни суғурта қилишнинг жамғарилиб боровчи турлари бўйича захира (ХЖЗ);

ҳаётни суғурта қилишнинг бошқа турлари (жамғарилиб боровчи турларидан ташқари) бўйича захира (ХЗ).

Мукофотлар захираси ҳаётни суғурта қилишнинг жамғарилиб боровчи турлари бўйича захира ва ҳаётни суғурта қилишнинг бошқа турлари (жамғарилиб боровчи турларидан ташқари) бўйича захирани қўшиш йўли билан аниқланади.

19. Ҳаётни суғурта қилишнинг жамғарилиб боровчи турлари бўйича захира суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тўлиқ тугагунга қадар ёки суғурта ходисаси юз бергунга қадар базавий суғурта мукофотининг 92 фоизидан ва уни жойлаштиришдан (унга ҳисобланган фоизлардан) олинган инвестиция даромадининг 50 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда ҳар бир суғурта шартномаси бўйича ҳисобланади. Бунда ХЖЗнинг олинган ҳажми суғурта шартномаси билан белгиланган қайтариб сотиб олиш суммасидан (суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилинганда кафолатланган) кам бўлмаслиги лозим.

Умумий ҳолда ХЖЗ ҳар бир суғурта шартномаси бўйича ҳисобланган ХЖЗларни қўшиш йўли билан аниқланади.

20. Ҳаётни суғурта қилишнинг бошқа турлари (жамғарилиб боровчи турларидан ташқари) бўйича захира ҳар бир суғурта шартномаси бўйича «pro rata temporis» ёки «1/24» усули билан ҳисобланади.

Умумий ҳолда ХЗ ҳар бир суғурта шартномаси бўйича ҳисобланган ХЗларни қўшиш йўли билан аниқланади.

21. Зарарлар захираси ўз ичига хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасини ва содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасини олади.

22. Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси суғурта тўловларини амалга ошириш, жумладан ҳисобот даврида ёки унга қадар бўлган даврларда содир бўлганлиги ҳақида қонун ёки шартномада белгиланган тартибда суғурталовчига хабар қилинган суғурта ҳодисалари муносабати билан юзага келган суғурта қилдирувчининг мулкӣ манфаатларига етказилган зарарни (зиённи) миқдорини баҳолаш ва камайтириш билан боғлиқ эксперт, маслаҳат ёки бошқа хизматларга ҳақ тўлаш учун суғурталовчига зарур бўлган пул маблағлари суммасини тўлаш бўйича суғурталовчининг ҳисобот санасига бажарилмаган ёки тўлиқ бажарилмаган мажбуриятларининг баҳоланиши ҳисобланади.

ХЗЗ ҳар бир бартараф этилмаган даъво бўйича аниқланади. Агарда зарар тўғрисида хабар қилинган бўлиб, унинг миқдори аниқланмаган бўлса, ҳисоб-китоб учун суғурта пулидан катта бўлмаган энг юқори эҳтимоли кутилган зарар миқдори олинади.

— ХЗЗ хабар қилинган зарарларни ҳисобга олиш журналида рўйхатга олинган ҳисобот давридаги хабар қилинган зарарлар суммасининг ҳисобот давридан олдинги даврларда бартараф этилмаган зарарлар суммасига қўшилган ва ҳисобот даврида тўланган зарарлар суммасига камайтирилган, ҳамда ҳисобот даврида бартараф этилмаган даъволар суммасидан уч фоизгача миқдорда зарарни бартараф этиш бўйича харажатлар қўшилган суммага мос келади. +

23. Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси суғурта тўловларини амалга ошириш, жумладан ҳисобот даврида ёки унга қадар бўлган даврларда содир бўлганлиги ҳақида қонун ёки шартномада белгиланган тартибда суғурталовчига ҳисобот даврида ёки унга қадар бўлган даврларда хабар қилинмаган суғурта ҳодисалари муносабати билан юзага келган, ўз ичига зарарларни бартараф этиш бўйича харажатларни олган, суғурталовчининг ҳисобот санасига мажбуриятларининг баҳоланиши ҳисобланади.

Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ҳар бир суғурта тури бўйича алоҳида, суғурталовчининг ушбу суғурта тури бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш юзасидан йиғилган статистикани инобатга олган ҳолда, ҳисобланади.

Умумий ҳолда, СХЗЗ ҳар бир суғурта тури бўйича ҳисобланган СХЗЗларни қўшиш йўли билан аниқланади. Бироқ ушбу сумма умумий суғуртада (қайта суғурта қилишда) ҳар қандай ҳолда ҳисобот даврига қадар ўн икки ой мобайнида умумий суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича базавий суғурта мукофоти суммасининг 10 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

24. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захираси (ФЖМС БЗ) кейинги йилларда суғуртанинг мазкур тури бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш харажатларини қоплаш учун мўлжалланган.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захирасининг ҳисоб-китоби қуйидаги кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади:

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган суғурта брутто-мукофоти;

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ҳисобот даврида амалга оширилган суғурта тўловлари;

транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни ҳисобот даврида амалга ошириш харажатлари (шу жумладан, суғурта ҳодисалари содир бўлишининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича огоҳлантириш чора-тадбирлари захирасига ажратмалар);

суғурталовчиларнинг транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Тўловларни кафолатлаш жамғармасига тўлайдиган мажбурий бадаллари;

бошқа кўрсаткичлар.

ФЖМС БЗни ҳисоблаш мақсадида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш харажатлари миқдори (шу жумладан, суғурта ҳодисалари содир бўлишининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича огоҳлантириш чора-тадбирлари захирасига ажратмалар) ҳисобот даврида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта брутто-мукофотининг 25 фоизи миқдорида ўрнатилади.

ФЖМС БЗнинг ҳисоб-китоби брутто-суғурталаш кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда (қайта суғурталовчилар иштирокини (улушини) ҳисобга олмаган ҳолда) амалга оширилади.

25. Суғурталовчи транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захирасини қуйидаги тартибда ҳисоблайди.

ФЖМС БЗ миқдорини ҳисоб-китоб қилиш базаси сифатида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга оширишдан ҳосил бўлган молиявий натижа миқдори қабул қилинади.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга оширишдан ҳосил бўлган молиявий натижа ҳисобот давридаги суғуртанинг мазкур тури бўйича даромадлар миқдори ва ҳисобот давридаги суғуртанинг мазкур тури бўйича харажатлар миқдори ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Ҳисобот даврида транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича даромадлар қуйидагиларнинг йиғиндиси сифатида аниқланади:

ҳисобот даврида ҳисобланган суғурта брутто-мукофотлари;

ишлаб топилмаган мукофот захираси, хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ва содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасининг ҳисобот даврида камайиш томонга ўзгариши.

Ҳисобот даврида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича харажатлар қуйидагиларнинг йиғиндиси сифатида аниқланади:

ҳисобот даврида суғурта шартномаларининг муддатидан олдин тугатилиши (шартларининг ўзгартирилиши) муносабати билан суғурта қилдирувчиларга қайтарилган суғурта мукофотлари (бадаллари);

хисобот даврида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш харажатлари (шу жумладан, суғурта ҳодисалари содир бўлишининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича огоҳлантириш чора-тадбирлари захирасига ажратмалар);

қуйидагилардан иборат бўлган хисобот даврида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича жорий суғурта тўловларини таъминлаш харажатлари:

а) суғурталовчиларнинг Тўловларни кафолатлаш жамғармасига хисобот даври учун тўлайдиган мажбурий бадаллари;

б) ишлаб топилмаган мукофот захираси, хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ва содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасининг хисобот даврида кўпайиш томонга ўзгариши;

в) хисобот даврида амалга оширилган суғурта тўловлари.

Агар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ кўрсатилган даромадларнинг 5 фоизидан ортиқ бўлса, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захираси хисобот даври охирига кўрсатилган ортиқ суммага кўпаяди.

Агар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича харажатлар суммаси даромадлар суммасидан ортиб кетса, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захираси хисобот даври охирига харажатларнинг даромадлардан ортган суммасига камайтирилади.

Агар суғурталовчи хисобот даври бошига қадар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захирасини ҳисобламаган бўлса, мазкур захира хисобот даври бошига нолга тенг деб қабул қилинади.

Агар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захираси ҳисоб-китоблар натижасида манфий қийматга эга бўлса, мазкур захира нолга тенг деб қабул қилинади.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захирасини ҳисоб-китоб қилиш учун мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган жадваллардан фойдаланилади.

26. Огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси (ОЧЗ) бахтсиз ҳодисаларни, суғурта қилинган мулкни йўқотиш ёки шикастланишини огоҳлантириш чора-тадбирларини молиялаштириш, шунингдек суғурта ҳодисаларининг содир бўлишини огоҳлантириш ва олдини олишга йўналтирилган бошқа чора-тадбирларни молиялаштириш учун мўлжалланган.

ОЧЗдан молиялаштириладиган огоҳлантириш чора-тадбирларининг аниқ рўйхати, шунингдек ОЧЗни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби суғурталовчи томонидан огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси тўғрисидаги низомда белгиланади.

Огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси тўғрисидаги низом суғурталовчи томонидан тасдиқланади ва Давсуғуртаназорат билан келишилиши лозим.

ОЧЗ суғурта шартномалари бўйича хисобот даврида ҳисобланган суғурта брутто-мукофотларидан ажратмалар йўли билан шакллантирилади.

ОЧЗга ажратмалар миқдори, тариф ставкаси таркибида ушбу мақсадларга кўзда тутилган фоизлардан келиб чиқиб, бироқ суғурта шартномалари бўйича хисобот даврида ҳисобланган суғурта брутто-мукофотининг 10 фоизидан кўп бўлмаган ҳолда

(қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари), огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси тўғрисидаги низомда белгиланади.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича огоҳлантириш чора-тадбирлари захирасига (ФЖМС ОЧЗ) ажратмалар миқдори, ҳисобот даврида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта брутто-мукофотининг 5 фоизи миқдорида белгиланади.

27. ОЧЗ ҳар бир ҳисобот санасига ҳисобланади. ОЧЗ миқдори ҳисобот санасининг бошига бўлган ОЧЗ миқдорига оширилган ва ҳисобот даврида огоҳлантириш чора-тадбирларига сарфланган маблағлар суммасига камайтирилган ҳисобот даврида ушбу захирага қилинган ажратмалар миқдорига тенг бўлади (ФЖМС ОЧЗ бундан мустасно). Бироқ аниқланган ОЧЗнинг миқдори (ФЖМС ОЧЗни ҳисобга олмаган ҳолдаги, ҳисобот санасига бўлган ОЧЗ миқдори) ҳар қандай ҳолатда ҳам умумий суғурта шартномалари бўйича (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаларини ҳисобга олмаган ҳолда) ялпи ҳисобланган суғурта мукофотининг 10 фоизидан кўп бўлмаслиги лозим.

ФЖМС ОЧЗ ҳар бир ҳисобот санасига алоҳида ҳисобланади. ФЖМС ОЧЗ миқдори ҳисобот санасининг бошига бўлган ФЖМС ОЧЗ миқдорига оширилган ва ҳисобот даврида огоҳлантириш чора-тадбирларига сарфланган маблағлар суммасига камайтирилган ҳисобот даврида ушбу захирага қилинган ажратмалар миқдорига тенг бўлади.

28. Фалокатлар захираси (ФЗ), кўп сонли суғурта шартномалари бўйича суғурта тўловларини амалга ошириш заруратини келтириб чиқарган енгиб бўлмас куч ёки йирик микёсдаги авария оқибати ҳисобланган, фавқулодда етказилган зиённи қоплашга мўлжалланган. ФЗ шартларида енгиб бўлмас куч ёки йирик микёсдаги авария оқибатида етказилган зиённи қоплаш муносабати билан суғурталовчининг суғурта тўловини амалга ошириши мажбуриятини кўзда тутувчи суғурта турлари бўйича шакллантирилади.

Фалокатлар захирасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби, шартлари суғурталовчи томонидан белгиланади ва Давсуғуртаназорат билан келишилади.

29. Зарарлиликнинг тебраниши захираси (ЗТЗ), суғурта тури бўйича суғурта тарифининг нетто-ставкасини ҳисоблаш учун асос бўлган қутилаётган зарарлилик даражасидан ҳисобот давридаги зарарлилик даражаси юқори бўлган ҳолатда, суғурталовчининг суғурта тўловларини амалга ошириш харажатларини компенсация қилишга мўлжалланган.

Зарарлиликнинг тебраниши захирасининг миқдори ялпи ҳисобланган суғурта мукофотининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

ЗТЗни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби, шартлари суғурталовчи томонидан белгиланади ва Давсуғуртаназорат билан келишилади.

30. Активларнинг номувофиклиги захираси (АНЗ) фақат ҳаётни суғурта қилиш соҳасида фаолият юритадиган суғурталовчи томонидан ташкил этилиши мумкин ва мукофотлар захирасининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

АНЗ суғурталовчи томонидан АНЗни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби, шартларини Давсуғуртаназорат билан келишилгандан кейингина ташкил этилиши мумкин.

31. Ўзида мажбуриятларни акс эттирмаган, бироқ суғурта фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа захиралар суғурталовчи томонидан бундай захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шартларини Давсуғуртаназорат билан келишилгандан кейингина ташкил этилиши мумкин.

32. Суғурталовчилар суғурта захираларидаги қайта суғурталовчилар иштирокининг улушини (ФЖМС БЗдан ташқари) суғурта захираларини ҳисоб-китоб қилиш билан бир вақтда ҳисоблайдилар.

Қайта суғурталовчининг (қайта суғурталовчиларнинг) суғурта захираларидаги улуши ҳар бир шартнома (шартномалар гуруҳи) бўйича қайта суғурта қилиш шартномаси (шартномалари) шартларига мувофиқ ҳолда аниқланади.

Қайта суғурталовчининг ишлаб топилмаган мукофот захираси ва содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги улуши қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича олинган комисион мукофотни чегирган ҳолдаги қайта суғурта қилишга берилган суғурта мукофоти суммасининг суғурталовчи томонидан қайта суғурта қилишга берилган суғурта шартномаси бўйича ҳисобланган базавий суғурта мукофотига нисбатига пропорционал равишда аниқланади ва қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$ҚСу = \frac{(Бқсм - Кмо) \times Шз}{Бсм}, \text{ бу ерда:}$$

ҚСу — қайта суғурталовчининг ишлаб топилмаган мукофот захираси ёки содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги улуши;

Бқсм — қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича брутто қайта суғурта қилиш мукофоти;

Кмо — қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича олинган комисион мукофот;

Шз — суғурталовчи томонидан мазкур бобга мувофиқ шакллантирилган ишлаб топилмаган мукофот захираси ёки содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси;

Бсм — суғурта шартномаси бўйича базавий суғурта мукофоти.

Қайта суғурталовчининг хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги улуши қайта суғурта қилиш шартномасининг шартлари бўйича қайта суғурталовчи томонидан қопланиши лозим бўлган зарарлар миқдоридаги улуши миқдорида белгиланади.

III. Ажратилган активлар

33. Суғурталовчи суғурта захиралари маблағлари қийматига эквивалент бўлган суммадаги активларни ажратиши шарт. Ажратилган активлар, уларни ажратиш вақтида суғурталовчининг ҳисоб ва ҳисобот регистрларида аниқ белгиланган бўлиши шарт.

Ажратилган активларнинг умумий қиймати суғурта захиралари маблағларининг жами миқдоридан кам бўлмаслиги лозим. Ажратилган активлар қиймати сифатида уларнинг баланс қиймати тушунилади.

34. Ажратилган активлар диверсификация, қайтарилиш, фойдалилик ва ликвидлик талабларига жавоб бериши лозим.

35. Ажратилган активлар маблағлари суғурталовчи томонидан фақат тегишли суғурта захираларининг шакллантириш мақсадига мувофиқ ҳолда ишлатилиши мумкин. Ажратилган активлар гаров предмети ёки кредиторга кафилнинг мажбуриятлари бўйича пул маблағларини тўлаш манбаи сифатида хизмат қила олмайди.

36. Суғурта захиралари хорижий валютада белгиланган ҳолатларда, активлар суғурта захиралари белгиланган валютага эквивалент валютада ёки эркин конвертация қилинадиган валютада ажратилади.

37. Ажратилган активлар қуйидаги активлардан иборат бўлиши мумкин эмас: суғурталовчининг таъсисчилари, акциядорлари ва ходимларига берилган қарзлар, шунингдек улар бўйича жамғарилган фоизлар; дебитор — боғлиқ шахсларнинг қарзлари; суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган тўлов санасидан уч ойдан кўп муддат мобайнида суғурта қилдирувчилар (қайта суғурта қилдирувчилар) томонидан тўланмаган суғурта мукофотлари; солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича дебиторлик қарзлар; кафолат бўйича суммалар; мажбурият предмети бўлган активлар (қабул қилинган мажбуриятлар доирасида).

IV. Суғурта захираларини жойлаштириш тартибига талаблар

38. Ажратилган активларнинг 70% дан кам бўлмаган қисми қуйидагилардан (ёки уларнинг баъзиларидан) таркиб топиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари;

банк омонатлари (депозитлар);

кассадаги ва/ёки ҳисоб (валюта) рақамлардаги ва ўзга банк рақамлардаги пул маблағлари, шунингдек уларга тенглаштирилган маблағлар;

хорижий давлатларнинг давлат қимматли қоғозлари (Давсуғуртаназорат билан келишган ҳолда);

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқариш ва муомалага киритишга рухсат берилган, ёки тегишли ваколатли орган томонидан берилган қимматли қоғозлар бозорида савдони ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга (рухсатномага) эга бўлган хорижий эмитентлар томонидан чиқарилган, ҳамда қимматли қоғозлар бозорида муомалага қўйилган қимматли қоғозлар.

39. Суғурталовчининг бошқарув органлари ушбу Низомга асосан ажратилган активларнинг ҳисобот санасига мавжудлигини ва қийматини текшириб кўриши, шунингдек активлар ажратилган суғурта захиралари суммаси билан уларни таққослаб кўриши шарт ва бундай ҳуқуққа ҳар қандай бошқа вақтда ҳам эга.

40. Ажратилган активлар қиймати суғурта захиралари суммасидан кам бўлган ҳолатда, суғурталовчи ажратилган активлар қийматини суғурта захиралари суммасидан кам бўлмаган қийматга ошириш ва суғурта захиралари ҳажмининг 105 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда кўпайтириш учун етарли миқдордаги қўшимча активларни ажратиши шарт.

41. Ажратилган активлар суммаси суғурта захиралари суммасининг 105 фоизидан ортиқ бўлган ҳолатда, суғурталовчи ажратилган активлар қиймати суғурта захиралари миқдоридан кам бўлмаган ва суғурта захиралари миқдорининг 105 фоизидан кўп бўлмаган суммагача қисқаргунга қадар, ажратилган активларнинг ортиқча бўлган қисмини ажратилмаган активларга ўтказиши шарт.

V. Яқунловчи қоидалар

42. Суғурталовчилар ҳар чоракда чорак ўтгандан кейинги ойнинг 25 санасигача молиявий ҳисобот таркибида (бухгалтерия баланси — 1-шакл, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот — 2-шакл, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари тўғрисида маълумотнома — 2-а-шакл) мазкур Низомнинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шакл-

ларда суғурта захиралари тўғрисидаги ҳисоботларни Давсуғуртаназоратга тақдим этадилар. Бунда йил якуни бўйича молиявий ҳисобот таркибидаги суғурта захиралари тўғрисидаги ҳисоботлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечикмаган ҳолда тақдим этилади (хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар бундан мустасно). Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар йил якуни бўйича молиявий ҳисобот таркибидаги суғурта захиралари тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартдан кечикмаган ҳолда тақдим этадилар.

43. Мазкур Низом билан ўрнатилган суғурта захираларини ҳисоблаш услуби ҳамда шакллантириш ва жойлаштириш тартиби талаблари бузилган тақдирда, Давсуғуртаназорат суғурталовчига йўл қўйилган камчиликларни энг қисқа, аммо суғурталовчи кўрсатмани олган санадан бошлаб бир ойдан кўп бўлмаган муддатда бартараф этиши тўғрисида кўрсатма беради.

Камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилгандан сўнг уч кун ичида, суғурталовчи Давсуғуртаназоратга тегишли ҳисоб-китоблар ва камчиликларни бартараф этилганлиги тўғрисида маълумотларни (ҳисоботларни) тақдим этиши шарт.

44. Давсуғуртаназорат суғурталовчи томонидан қабул қилинган техник захираларнинг таркибини ва ҳисоблаш усулларини ўзгартириш борасида кўрсатма бериш, шунингдек, Давсуғуртаназоратга суғурта захиралари тўғрисидаги ахборотни тақдим этишнинг бошқа тартибини ўрнатиш ҳуқуқига эга. Зарур ҳолда, Давсуғуртаназорат юзага келган ҳолат сабабларини аниқлаш мақсадида суғурталовчига ўзининг вакилини йўллайди, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда суғурталовчи операцияларининг ёппасига ёки танлов асосида текширувини амалга оширади.

45. Суғурталовчи томонидан мазкур Низомда ўрнатилган талабларга риоя қилинмаган, белгиланган муддатда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги Давсуғуртаназорат кўрсатмасини бажармаган тақдирда, суғурталовчига қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўрилади.

Суғурталовчиларнинг суғурта
захиралари тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

1-жадвал*

нинг

(суғурталовчининг тўлик номи)

**20__ й. «__» _____ ҳолатига транспорт
воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш
захирасини ҳисоблаш мақсадида даромадлар, харажатлар ва
молиявий натижаларнинг
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Сатр т/р	Кўрсаткич номи	Миқдори (минг сўм)
1.	Ҳисобот даврида ҳисобланган суғурта брутто-мукофоти	
2.	Ҳисобот даврида суғурталовчининг тўловларни кафолатлаш Жамғармасига мажбурий бадаллари	
3.	Ҳисобот даври бошига ИМЗ	
4.	Ҳисобот даври охирига (ҳисобот санасига) ИМЗ	
5.	Ҳисобот даври бошига ХЗЗ	

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Сатр т/р	Кўрсаткич номи	Миқдори (минг сўм)
6.	Ҳисобот даври охирига (ҳисобот санасига) ХЗЗ	
7.	Ҳисобот даври бошига СХЗЗ	
8.	Ҳисобот даври охирига (ҳисобот санасига) СХЗЗ	
9.	Ҳисобот даврида амалга оширилган суғурта тўловлари	
10.	Шартномаларнинг муддатидан олдин тугатилиши (шартларининг ўзгартирилиши) муносабати билан ҳисобот даврида суғурта қилдирувчиларга қайтарилган суғурта мукофотлари (бадаллари)	
11.	Ҳисобот даврида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш учун амалга оширилган харажатлар (шу жумладан, суғурта ҳодисалари содир бўлишининг олдини олиш ва огоҳлантириш бўйича огоҳлантириш чора-тадбирлари захирасига ажратмалар) (11 сатр = 1 сатр x 25%)	
12.	Ҳисобот даврида ИМЗ, ХЗЗ ва СХЗЗ ўзгариши (12 сатр = 4 сатр – 3 сатр + 6 сатр – 5 сатр + 8 сатр – 7 сатр)	
13.	Жами — даромадлар (агар 12 сатр >= 0, бу ҳолда 13 сатр = 1 сатр; агар 12 сатр < 0, бу ҳолда 13 сатр = 1 сатр – 12 сатр.)	
14.	Жами — харажатлар (агар 12 сатр >= 0, бу ҳолда 14 сатр = 2 сатр + 9 сатр + 10 сатр + 11 сатр + 12 сатр; агар 12 сатр < 0, бу ҳолда 14 сатр = 2 сатр + 9 сатр + 10 сатр + 11 сатр.)	
15.	Молиявий натижа (даромадларнинг харажатлардан ёки харажатларнинг даромадлардан юқорилиги) (15 сатр = 13 сатр – 14 сатр)	

2-жадвал*

нинг

(суғурталовчининг тўлиқ номи)

20__ й. «__» _____ ҳолатига транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захирасининг ҲИСОБ-КИТОБИ

Сатр т/р	Кўрсаткич номи	Миқдори (минг сўм)
1.	Даромадлар (1-жадвалнинг 13 сатри маълумотларига кўра)	
2.	Молиявий натижа (даромадларнинг харажатлардан ёки харажатларнинг даромадлардан ошганлиги) (1-жадвалнинг 15 сатри маълумотларига кўра)	
3.	Ҳисобот даври бошига транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захираси (ФЖМС БЗ)	

Сатр т/р	Кўрсаткич номи	Миқдори (минг сўм)
4.	ФЖМС БЗ нинг кўпайиши/камайиши (агар 2 сатр $\geq 0,05 \times 1$ сатр, бу ҳолда 4 сатр = 2 сатр – 0,05 x 1 сатр; агар $0 < 2$ сатр $< 0,05 \times 1$ сатр, бу ҳолда 4 сатр = 0; агар 2 сатр < 0 , бу ҳолда 4 сатр = 2 сатр.)	
5.	Оралиқ якун (3 сатр + 4 сатр)	
6.	Ҳисобот санасига транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захираси (агар 5 сатр < 0 , бу ҳолда 6 сатр = 0; агар 5 сатр ≥ 0 , бу ҳолда 6 сатр = 5 сатр.)	

* Фақатгина суғурталовчи томонидан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича фаолият олиб борилган тақдирда тўлдирилади. Мазкур жадвалдаги даромадлар, харажатлар ва молиявий натижани аниқлашда қўлланилувчи барча миқдорлар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишга тааллуқлидир.

Мазкур шаклда берилган маълумотлар тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз. Шунингдек, мазкур шакл суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ тузилганлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

_____ (Ф.И.Ш.) _____ (имзо) _____ (суғурталовчи ижро этувчи органининг раҳбари лавозими)

Бош ҳисобчи

_____ (Ф.И.Ш.) _____ (имзо)

Муҳр ўрни

Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

НИНГ

(суғурталовчининг тўлиқ номи)

20__ й. «__» _____ ҳолатига суғурта захираларининг
УМУМИЙ МИҚДОРИ

Захиралар	Жами, (минг сўм)	Шулардан хорижий валютада			Жами (минг сўм экв.)
		АҚШ доллари	Евро	Бошқа	
Ишлаб топилмаган мукофот захираси (жами)					
1-ҳисоб гуруҳи					
<i>шу жумладан, ФЖМС бўйича ИМЗ</i>					
2-ҳисоб гуруҳи					
3-ҳисоб гуруҳи					
4-ҳисоб гуруҳи					

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Захиралар	Жами, (минг сўм)	Шулардан хорижий валютада			
		АҚШ доллари	Евро	Бошқа	Жами (минг сўм экв.)
Қайта суғурталовчиларнинг ИМЗ-даги улуши					
Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси (жами)					
<i>шу жумладан, ФЖМС бўйича ХЗЗ</i>					
Қайта суғурталовчиларнинг ХЗЗ-даги улуши					
Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси (жами)					
<i>шу жумладан, ФЖМС бўйича СХЗЗ</i>					
Қайта суғурталовчиларнинг СХЗЗ-даги улуши					
Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича барқарорлаштириш захираси (ФЖМС БЗ)					
Мукофотлар захираси (жами)					
жумладан, ҳаётни суғурта қилишнинг жамғарилиб борувчи турлари бўйича захира					
Қайта суғурталовчиларнинг ХЖЗдаги улуши					
Ҳаётни суғурта қилишнинг бошқа турлари (жамғарилиб борувчи турларидан ташқари) бўйича захира					
Қайта суғурталовчиларнинг ХЗдаги улуши					
Қайта суғурталовчиларнинг мукофотлар захирасидаги улуши					
Техник захираларнинг умумий миқдори					
Қайта суғурталовчиларнинг техник захираларда умумий улуши					
Огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси (жами)					
жумладан, ФЖМС ОЧЗ					
Суғуртанинг бошқа турлари бўйича ОЧЗ					
Бошқа суғурта захиралари					
...					

Захиралар	Жами, (минг сўм)	Шулардан хорижий валютада			
		АҚШ доллари	Евро	Бошқа	Жами (минг сўм экв.)
Суғурта захираларининг умумий миқдори					
Қайта суғурталовчиларнинг суғурта захираларидаги умумий улуши					

Мазкур шаклда берилган маълумотлар тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз. Шунингдек, мазкур шакл суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ тузилганлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

_____ (Ф.И.Ш.) _____ (имзо) _____ (суғурталовчи ижро этувчи органининг раҳбари лавозими)

Бош ҳисобчи

_____ (Ф.И.Ш.) _____ (имзо)

Муҳр ўрни

Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

_____ **НИНГ**

(суғурталовчининг тўлиқ номи)

**20__ й. «__» _____ ҳолатига активлар
таркиби тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

минг сўмда

Активлар	Жами активлар		Улардан ажратилган активлар	
	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида
1	2	3	4	5
Асосий воситалар				
Улардан, кўчмас мулк				
Номоддий активлар				
Инвестициялар, жами				
Тижорат банкларидаги депозитлар (банк омонатлари)				

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

минг сўмда

Активлар	Жами активлар		Улардан ажратилган активлар	
	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида
1	2	3	4	5
Кредит ташкилотларидаги депозитлар (тижорат банкларида ташқари)				
Ходимларга берилган қарзлар, (боғлиқ шахслар ҳисобланувчи ходимлардан ташқари)				
Суғурталовчининг боғлиқ шахслари ҳисобланмайдиган таъсисчилари ва акциядорларига қарзлар				
Боғлиқ шахсларга берилган қарзлар				
Бошқа қарзлар				
Шўъба корхоналарига қўйилмалар				
Боғлиқ шахсларга қўйилмалар				
Давлат қимматли қоғозлари				
Акциялар				
Облигациялар				
Бошқа қимматли қоғозлар				
Бошқа инвестициялар				
Пул маблағлари, жами				
Ҳисоб рақамидаги пул маблағлари				
Кассадаги пул маблағлари				
Хорижий валютадаги пул маблағлари				
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлар				
Бошқа айланма активлар, жами				
Ишлаб чиқариш захиралари (материаллар)				
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (хизматлар)				
Сотиб олинган хусусий акциялар				
Дебиторлик қарзлар, жами				

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

минг сўмда

Активлар	Жами активлар		Улардан ажратилган активлар	
	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида
1	2	3	4	5
Суғурта қилдирувчилар билан ҳисоб-китоблар				
Қайта суғурталовчилар билан ҳисоб-китоблар				
Бўнак тўловлари				
Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар				
Бюджет билан ҳисоб-китоблар				
Бошқалар				
Бошқа активлар, жами				
Бошқа активлар (кўрсатинг)				
...				
Жами активлар				

Мазкур шаклда берилган маълумотлар тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз. Шунингдек, мазкур шакл суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ тузилганлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

_____ (Ф.И.Ш.) _____ (имзо) _____ (суғурталовчи ижро этувчи органининг раҳбари лавозими)

Бош ҳисобчи

_____ (Ф.И.Ш.) _____ (имзо)

Муҳр ўрни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БЎЙРУҒИ

530 Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг акцияларини дастлабки тарқатишда аҳолига сотиш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
19 декабрда 608-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 29 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 1999 йил 12 январда тасдиқланган Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг акцияларини дастлабки тарқатишда аҳолига сотиш тартибига (1999 йил 21 январь, рўйхат рақами 608) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 27 ноябрь,
2008-39-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

531 Депозитарий фаолиятини амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
19 декабрда 809-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 29 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 1999 йил 30 июлда тасдиқланган Депозитарий фаолиятини амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низомга (1999 йил 31 август, рўйхат рақами 809) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 26 ноябрь,
2008-38-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**532** Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
23 декабрда 954-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2009 йил 2 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда) ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (янги таҳрирда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 6-модда) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 21 июлдаги ПФ-3631-сонли Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 28-29-сон, 206-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2005 йил 9 августдаги 189-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 32-33-сон, 246-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 24 июнда 393-сон билан тасдиқланган «Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом»га (2000 йил 9 август, рўйхат рақами 954 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 15-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 22 ноябрь,
393-3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**533** Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
23 декабрда 977-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2009 йил 2 январдан кучга киради)

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сонли «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг кўрсатаётган хизматлари сифати учун жавобгарлигини ошириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 155-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 25 сентябрда 68-сон билан тасдиқланган Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга (2000 йил 13 октябрь, рўйхат рақами 977 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 йил, 19-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 9 декабрь,
112-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

534 Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
23 декабрда 1281-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2009 йил 2 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Латвия Республикаси Хукумати ўртасида 2008 йил 6 октябрда «Ўзаро маъмурий ҳамкорлик ва солиқ соҳасида маълумот алмашинуви тўғрисида»ги Битимнинг имзоланиши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 12 сентябрдаги 2003-67, 01-02/19-36 ва 240-В-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг (2003 йил 4 октябрь, рўйхат рақами 1281 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил 19-20-сон) 1-сонли иловасининг 47-банди чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 15 декабрь,
2008-45-сон

Б. ПАРПИЕВ

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 15 декабрь,
01-02/19-58-сон

С. НОСИРОВ

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2008 йил 15 декабрь,
240-В-2-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**535** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
23 декабрда 1883-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2009 йил 2 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7, 9 ва 17-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1996 йил 20 июлда 241-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл банклари ваколатхоналарини очиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва аккредитациялаш тартиби тўғрисида»ги низом (1999 йил 16 январь, рўйхат рақами 598) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин амалга киритилсин.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 22 ноябрь,
26/6-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2008 йил 22 ноябрдаги 26/6-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий
давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартибини белгилайди.

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

хорижий давлатнинг банки (кейинги ўринларда — Банк) — хорижий давлат ҳудудида рўйхатга олинган ва у жойлашган ҳамда рўйхатга олинган жойдаги банк назорати органи томонидан берилган банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга банк;

хорижий давлатнинг банки ваколатхонаси (кейинги ўринларда — Ваколатхона) — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида унинг аккредитация қилинганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сертификатига эга бўлган, банк ва бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқисиз Банк манфаатларини кўзлаб иш юритадиган алоҳида Банк бўлинмаси;

ваколатхонани аккредитация қилиш — хорижий давлатнинг банки Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз Ваколатхонасини очиш ва унинг фаолият олиб бориши учун рухсат бериш;

аккредитация тўғрисида сертификат (кейинги ўринларда — Сертификат) — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ваколатхона аккредитация қилинганлигини тасдиқловчи ёзма ҳужжат.

2. Ваколатхона Ўзбекистон Республикаси банк соҳасидаги иқтисодий вазиятни ва ҳолатни ўрганиш мақсадида, маслаҳат бериш, Ўзбекистон Республикасида Банк манфаатларини ифодалаш, кредит ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун Банк томонидан ташкил этилади.

II. Банк Ваколатхонасини очиш ва аккредитация қилиш тартиби

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасида Банkning Ваколатхонасини аккредитация қилиш масаласини Банк ариза тақдим этганда кўриб чиқади. Бунда, Банк ўзининг давлатида камида беш йил мобайнида фаолият кўрсатаётган, банк тизимида яхши обрў-эътиборга ва мустаҳкам молиявий ҳолатга эга бўлиб, ушбу маълумотлар Банкни рўйхатдан ўтказган давлатнинг банк назорати органи томонидан тасдиқланиши лозим.

4. Ваколатхона очишда, қисқа муддатли мажбуриятлари IBCA, Moody's ёки Standart and Poog's агентликлари таснифлари бўйича A1 (ёки A+) дан паст бўлмаган рейтингга эга Банклар афзалликка эгадир.

5. Ўзбекистон Республикасида ўз ваколатхонасини очиш истагини билдирган Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси номига, қуйидагилар қайд этилган ҳолда ариза:

ваколатхонани ташкил этиш зарурияти тўғрисидаги асос;

мўлжалланаётган фаолият дастури;

Банkning Ўзбекистон Республикаси банклари билан амалий ва бошқа турдаги алоқалар, Ваколатхона томонидан бажарилишига кўмаклашишни кўзда тутадиган шартнома ва битимлар тўғрисида батафсил маълумотлар;

ҳамкорликнинг ривожланиш истиқболлари;

Банк номидан ишларни олиб бориш ваколатига эга бўлган шахс;

б) Банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ваколатхона очиш тўғрисидаги қарори;

в) Банк устави;

г) Банкнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки банк реестридан кўчирма;

д) Банкни рўйхатга олган мамлакат назорат органининг Ваколатхонани очишга берган розилиги;

е) Банкнинг йиллик ҳисоботлари, жумладан, аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган, охириги уч молия йили учун йиғма баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи;

ж) Ваколатхона очиш юзасидан музокаралар олиб боровчи шахсга Банкнинг ваколатли органи томонидан берилган ишончнома;

з) Банкнинг бошқарув органлари тузилмаси тўғрисида ахборот билан бирга Банк тўғрисида маълумотнома;

и) Банкнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган Ваколатхона тўғрисидаги низом;

к) Ваколатхона офиси учун бинони ижарага олиш тўғрисидаги шартнома ёки бино эгасининг бинони ижарага беришга тайёрлигини тасдиқловчи (ижара шартлари ва муддатини кўрсатган ҳолда) қафолат хати.

Ҳужжатлар нотариал тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси билан икки нусхада тақдим этилади.

6. Агар ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг айримлари Банк мамлакатининг қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса, Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Банк таъсис этилган мамлакатнинг ваколатли органининг ёхуд Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик ваколатхонасининг бу ҳақидаги тасдиқномасини тақдим этади.

7. Ваколатхонани рўйхатдан ўтказиш учун хорижий валютада тўлов ундирилади, у Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг бирор бир хорижий корреспондент-банкдаги ҳисобварағига ўтказилади.

8. Оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган Банкларга Ўзбекистон Республикасида Ваколатхона очиш тақиқланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ваколатхонани аккредитация қилиш (аккредитациянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки аккредитация қилишни рад этиш) тўғрисидаги қарорни ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар қабул қилинган вақтдан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилади.

10. Қўйидагилар Ваколатхонани аккредитация қилишни ёки аккредитациянинг амал қилиш муддатини узайтиришни рад этиш учун асос бўлади:

а) қасдан қалбаки ҳужжатлар тақдим этиш;

б) Ваколатхона тўғрисидаги низомнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зидлиги;

в) тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Низом талабларига номувофиқлиги.

11. Ваколатхонага аккредитация қилиш тўғрисидаги сертификат берилган кундан бошлаб, у аккредитация қилинган ҳисобланади.

12. Ваколатхонани аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан беш кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобварағига аккредитация қилиш учун тўлов амалга оширилгандан сўнг, Ваколатхона аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги сертификат берилади.

13. Аккредитация қилинганлиги тўғрисида сертификат берилганда Ўзбекистон

Республикаси ҳудудида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини рўйхатга олиш китобида қайд этилади.

14. Ваколатхона аккредитация қилинганлиги тўғрисидаги сертификатни олгандан кейин қонунчиликда белгиланган муддатда, Ваколатхона жойлашган ҳудуддаги солиқ органларида ҳисобда туриши ва унинг ҳисобга қўйилгани тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига маълумотнома тақдим этишга мажбурдир.

15. Ваколатхона кўпи билан 3 йил муддатга аккредитация қилинади. Аккредитация қилиш муддатини узайтириш зарурати туғилган тақдирда, Ваколатхона Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига аккредитацияни амал қилиш муддати тугашидан 1 ой олдин хабар бериши шарт.

16. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ваколатхонага эга бўлган Банк қайта ташкил этилганда, тугатилганда ёки номи ўзгарганда ҳамда Ваколатхонанинг жойлашган манзили ўзгарган тақдирда, Ваколатхона Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига бу ҳақда икки ҳафта муддатда маълум қилиши шарт.

17. Ваколатхонани аккредитация қилиш муддатини узайтириш учун Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига қуйидаги ҳужжатларни топширади:

а) аккредитация қилиш муддатини узайтириш тўғрисида ёзма ариза;

б) Банк томонидан Ваколатхона бошлиғига берилган ваколатлар ҳамда унинг паспорти маълумотлари тўлиқ кўрсатилган ҳолда берилган ишончнома (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига илгари берилган ишончноманинг муддати ўтган тақдирда);

в) ўз почта манзилини ёзма равишда тасдиқловчи ҳужжат (ижара шартномаси нусхасини илова қилган ҳолда).

18. Ваколатхона раҳбарини аккредитация қилиш учун Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ваколатли шахс томонидан имзоланган ёзма ариза беради.

19. Ваколатхона раҳбарини аккредитация қилиш учун берилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) Банк томонидан тайинланган шахснинг ваколоти, ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган ҳолда, нотариал тасдиқланган ишончнома;

б) ўзбек ва инглиз тилларида ёзилган икки нусхада шахсий варақа;

в) иккита фотосурат (3x4 ўлчамда);

г) паспорт нусхаси.

20. Марказий банк томонидан Ваколатхона раҳбарига шахсий аккредитация карточкасини бериш ариза берилган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида амалга оширилади.

21. Ваколатхона бошлиғининг аккредитация муддатини узайтириш зарурияти туғилган тақдирда, Банк ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилади.

III. Ваколатхонанинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олдидаги ҳисоботи ва фаолияти

22. Ваколатхона иш фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига ва Ваколатхона тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади.

23. Ваколатхона ўз фаолиятини тасдиқланган Ваколатхона тўғрисидаги низомда белгиланган ваколатлар доирасида уни ташкил қилган Банк номидан амалга оширади ва у юридик шахс ҳисобланмайди ҳамда банк ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас.

24. Ваколатхона харажатлари Банк томонидан молиялаштирилади.

25. Ваколатхона ўз фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг резидент банкларидан бирида банк ҳисобварағини очади.

26. Ваколатхона бошлиғи Банкнинг ишончномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган аккредитация карточкаси асосида фаолият юритувчи Ваколатхона раҳбари ҳисобланади.

27. Ваколатхона Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига бир йилда икки марта ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади (жорий йилнинг 15 июлигача биринчи ярим йиллик учун, келгуси йилнинг 15 январигача йиллик).

28. Ҳисоботда қуйидагилар кўрсатилади:

а) Ваколатхонанинг шахсий таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

б) Банкнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга ошираётган асосий лойиҳалари бўйича муддати, ҳажми ва ҳамкорлари кўрсатилган ҳолда қисқача тавсифнома;

в) Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ва тижорат банклари билан ҳамкорликлари тўғрисида маълумотлар;

г) ҳисобот даврида Банк ходимларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари тўғрисида маълумотлар;

д) ҳамкорлик соҳасидаги бошқа масалалар.

29. Ваколатхона бошлиғи ходимлар штатининг ўзгариши ҳамда Ваколатхона фаолияти билан боғлиқ фавқулодда ҳодисалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни ўз вақтида хабардор қилади.

30. Ваколатхона Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини ҳамда чет эл фуқароларини ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга.

31. Ваколатхона ўз эҳтиёжларини қоплаш юзасидан ҳисоб-китобларни амалга оширишга ҳақлидир.

32. Ваколатхона Банк томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳисоб-китобларни амалга оширади.

IV. Ваколатхона фаолиятини тугатиш

33. Қуйидаги ҳолларда Ваколатхона фаолияти тугатилади:

Ваколатхонани ташкил этган Банкнинг ваколатли органи қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мажбурий равишда хабар берган ҳолда;

аккредитация муддати тугаганда, агар Банк бу муддатни узайтириш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилмаган бўлса.

34. Қуйидаги ҳолларда Ваколатхонадан Сертификат қайтариб олиниши мумкин:

Сертификат берилишида асос бўлган маълумотлар нотўғрилиги аниқланса;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бузилган ҳолда;

банк операциялари ва тасдиқланган низомда кўзда тутилмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланилса;

Банк фаолияти тугатилса.

35. Ваколатхона фаолияти қонунларда кўзда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам тугатилиши мумкин.

36. Ваколатхона фаолияти Банк қарорига асосан тугатилган тақдирда, Ваколатхона икки ҳафта муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига

Ваколатхона тугатилиши тўғрисида Банк қарорининг нусхасини ва аккредитация ҳужжатларини тақдим этади.

37. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ваколатхона фаолияти тугатилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини рўйхатга олиш китобидан чиқарилганлиги тўғрисида Банкка ва унинг Ваколатхонасига хабар беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг банклари ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисида низомга
ИЛОВА

АККРЕДИТАЦИЯ ТЎҒРИСИДАГИ СЕРТИФИКАТ

1. Ушбу аккредитация тўғрисидаги сертификат _____
(банк номи)

Ваколатхонасини очилиши ва фаолият олиб бориши учун ҳуқуқ берилганлигини тасдиқлайди.

2. Ваколатхона бошлиғи ваколатлари _____ банкнинг ишончномаси ҳамда Марказий банк берган аккредитация гувоҳномаси билан тасдиқланади. Ушбу ҳужжатлар бир йўла кўрсатилганда юридик кучга эга.

3. Ваколатхона Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 20__ йил _____ да _____-сон билан аккредитация қилинган.

4. Ваколатхона _____ банк номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб, банк ҳамда бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқисиз вакиллик вазифаларини бажаради.

5. Сертификат 20__ йил _____ да берилди ва 20__ йил _____ гача (кўпи билан уч йиллик муддат кўрсатилади) амал қилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
раиси ўринбосари**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ PARBOZЛAP XABΦCИZЛИГИНИ HАЗOPAT
ҚИЛИШ ДAVЛAT ИHСПEKЦИЯСИ БОШЛИГИНИHГ
БУЙРУҒИ

536 Ўзбекистон Республикасининг «Учишга яроқлилик
сертификатини бериш» авиация қоидалари
(ЎзР АҚ-30)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғри-
сида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
27 декабрда 1225-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2009 йил 6 январдан кучга киради)

Ҳаво кемаларининг учишга яроқлилик сертификатини бериш тартибини такомиллаштириш мақсадида **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2003 йил 5 февралдаги 19-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Учишга яроқлилик сертификатини бериш» авиация қоидалари (ЎзР АҚ-30)га (2003 йил 5 март, рўйхат рақами 1225 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 5-6-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Парвозлар хавфсизлигини
назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи**

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 27 ноябрь,
311-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2008 йил 20 декабрдан 31 декабргача бўлган маълумот

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги 107-сонли буйруғи.*

2008 йил 15 декабрда 1882-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 25 декабрдан кучга киради).

2. «Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг акцияларини дастлабки тарқатишда аҳолига сотиш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 27 ноябрдаги 2008-39-сонли буйруғи.*

2008 йил 19 декабрда 608-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 декабрдан кучга киради).

3. «Депозитарий фаолиятини амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 26 ноябрдаги 2008-38-сонли буйруғи.*

2008 йил 19 декабрда 809-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 декабрдан кучга киради).

4. «Ваколатли банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 22 ноябрдаги 393-3-сонли қарори.*

2008 йил 23 декабрда 954-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2009 йил 2 январдан кучга киради).

5. «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 9 декабрдаги 112-сонли буйруғи.*

2008 йил 23 декабрда 977-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2009 йил 2 январдан кучга киради).

6. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат*

солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2008 йил 15 декабрдаги 2008-45, 01-02/19-58, 240-В-2-сонли қарори.

2008 йил 23 декабрда 1281-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2009 йил 2 январдан кучга киради).

7. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг банклари ва колатхоналарини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 22 ноябрдаги 26/6-сонли қарори.*

2008 йил 23 декабрда 1883-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2009 йил 2 январдан кучга киради).

8. «Ўзбекистон Республикасининг «Учишга яроқлилиқ сертификатини бериш» авиация қондалари (ЎзР АҚ-30)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 27 ноябрдаги 311-сонли буйруғи.*

2008 йил 27 декабрда 1225-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2009 йил 6 январдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Суғурталовчилар томонидан суғурта захираларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1571, 2006 йил 6 май).*

Адлия вазирининг 2008 йил 15 декабрдаги 248-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл банклари ва колатхоналарини очиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва аккредитациялаш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 598, 1999 йил 16 январь).*

Адлия вазирининг 2008 йил 23 декабрдаги 254-мқ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг

-

+